

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ**

**Қўлёзма ҳуқукида
УДК 343.6(075.8)(575.1)**

ҲАМРОЕВА ФЕРУЗА КОБИЛОВНА

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА СУҒУРТА ШАРТНОМАСИ

**5A380103 – Фуқаролик ҳуқуқи; оила ҳуқуқи; фуқаролик жараёни;
халқаро хусусий ҳуқуқ
магистр академик даражасини олиш учун ёзилган
ДИССЕРТАЦИЯ**

Илмий раҳбар: юридик фанлар
доктори, профессор Д.М.Караходжаева

Т О Ш К Е Н Т – 2011

Мундарижа

Кириш	3–8
I-БОБ. СУҒУРТА ШАРТНОМАСИГА УМУМИЙ ТАВСИФ	
1.1. Суғурта шартномасининг тарихи ва юридик табиати.....	9—13
1.2. Суғурта тўғрисидаги қонунчиликнинг такомиллашуви	13–26
II-БОБ. СУҒУРТА ШАРТНОМАСИНИ ТУЗИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ	
2.1. Суғурта шартномаси тушунчаси ва турлари.....	27– 37
2.2. Суғурта шартномасининг объектлари	37–40
2.3. Суғурта шартномасининг тарафлари	40–46
2.4. Суғурта шартномаларини тузиш, расмийлаштириш, амалга ошириш ва бекор бўлиш тартиби	46–63
2.5. Суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг суғурта шартномасини тузишдаги иштироки	63–70
2.6. Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси.....	70–78
III-БОБ. СУҒУРТА ШАРТНОМАЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ЖАВОБГАРЛИК МАСАЛАЛАРИ	
3.1. Шартнома шартларини бузганлик учун жавобгарликнинг келиб чиқиш асослари	78–81
3.2. Суғурта шартномаси шартларини бузганлик учун тарафларнинг жавобгарлиги	82–86
Хулоса	87– 88
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	89–92

Кириш

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Ўзбекистон мустақилликка эришг ан дастлабки кунларда бозор муносабатларига ўтишга йўналтирилган, либераллаштиришган ва бозор тамойиллари асосида давлат якка ҳокимлиги таъсиридан холи қилинган соҳалардан бири – суғурта соҳаси ҳисобланади. Республикамиз Президенти И.А.Каримов “Суғурта хизматининг фаол иши бозор шароитида тадбиркорлар фаолиятининг барқарорлигини оширишга кўмаклашиш керак” – деган муҳим вазифани белгилаб берди ва бозор муносабатларининг таркибий қисмларини вужудга келтириш, уларни аста-секин такомиллаштириб боришдан иборат илмий ёндошувларни қуйди¹.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлардан кўзланган асосий мақсад, аҳолининг турмуш даражасини янада юксалтириш, уларнинг ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилинишини кафолатларини такомиллаштириш ва шу асосда фуқароларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги фаоллигини янада ошириш ҳисобланади.

Мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номли маърузасида “Сизларга яхши маълумки, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида мамлакатимиз молия-банк тизими ўзининг барқарор ва ишончли эканини исботлади. Шу билан бирга, бу тизимнинг янада мустаҳкамланиши **хусусий банклар ва хусусий мулкка асосланган лизинг, суғурта компаниялари, кредит уюшмалари, микромолиявий ташкилотлар каби молиявий институтларни ташкил этишнинг қонунчилик асосларини шакллантириш ҳисобидан банк-молия соҳасига хусусий капитални жалб қилиш билан ҳам боғлиқ.** Бу эса банк ва бошқа молиявий хизматлар бозорида рақобатнинг кенгайиши ҳамда миждозларга хизмат кўрсатиш сифатининг ошишига имкон беради ва энг юксак халқаро стандартлар талабига мос замонавий бозор инфратузилмасининг ривожланиши учун шароит яратади”² деб таъкидлаб ўтдилар.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек, мазмун-моҳиятига кўра, ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотларни, биз танлаган давлат ва жамият қурилиши моделини татбиқ этиш жараёнида фуқароларнинг мамлакат бошқарувидаги ролини ошириб боришни асосий ўринга қўядиган “Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари” дастурини амалга ошириш бўйича ишларни янада фаоллаштириш масаласини бугун ҳаётнинг ўзи кун тартибига тобора қатъий қилиб қўймоқда.³

¹ И.А.Каримов Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш – энг муҳим вазифамиз. Халқ сўзи. 2000, 15 февраль.

² И.А.Каримов. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси номли маърузаси. Халқ сўзи. 12 ноябрь.

³ Ўзбекистон Рес убликаси Президентининг Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. 2010 йил, 27 январь.

Хусусий мулкчиликнинг ривожланиб бориши билан уни кафолатлашнинг механизми ҳам такомиллашиб бормоқда. Бу жараёнда суғурта муносабатлари ҳам муҳим аҳамият касб этади. Суғурта муносабатларининг ривожланиши ўз навбатида, мулкчиликни ҳимоялашнинг кафолатланишини янада мустаҳкамлайди.

Ўзбекистон ҳудудига суғуртанинг кириб келиши XX асрнинг бошларига бориб тақалсада, том маънода фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларига хизмат қилувчи, суғурта ҳодисаси юз берганида, суғурта товонини тўлаш орқали соғлиғини, мулкни ва бошқа манфаатларини тиклашга хизмат қилувчи суғурта муносабатларининг кириб келиши мустақиллик йилларига тўғри келади.

Сўнгги йилларда бошқа ривожаланган чет мамлакатларда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам суғурта фаолиятини тартибга солиш соҳасида кўплаб ўзгаришлар амалга оширилди. Жумладан, суғурта фаолияти соҳасида амалга оширилган ўзгаришлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- суғурта хизматлари бозорининг ҳуқуқий базаси шакллантирилди, яъни бу борада мамлакатимизда суғурта фаолиятини тартибга солишга қаратилган бир қатор норматив – ҳуқуқий меъёрлар яратилди;
- суғурта фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотларнинг аҳолига суғурта хизматларини кўрсатиш борасидаги фаолияти жаҳон стандартлари талабларига мослаштирилди;
- мамлакатимизда фаолият юритаётган суғурта ташкилотларининг чет эл суғурта ташкилотлари билан ҳамкорлиги йўлга қўйилди, мажбурий ва ихтиёрий суғуртанинг шунингдек, суғурта шартномаларининг янги турлари жорий этилганлигини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Суғуртанинг ривожланиб бориши мамлакатда иқтисодий ва ижтимоий манфаатларнинг ҳимоя этилиши билан боғлиқ муносабатларда муҳим аҳамият касб этади. Суғурта фуқаролик ҳуқуқининг асосий институтларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ФКда суғурта шартномасига алоҳида эътибор қаратилган. Республикамиз мустақиллигининг дастлабки кунларидаёқ, суғурта хизматини кўрсатиш бозор иқтисодиёти талаблари асосида қайта кўриб чиқиш эҳтиёжи туғилди ва натижада 1993 йил 6 майда Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. Мазкур қонун мамлакатимизда миллий суғурта фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш учун ташланган илк қадам эди.

Ўзбекистон Республикасининг ФКдаги “Суғурта” деб номланган 52 боби 48 та моддани ўз ичига олади. Ўзбекистон Республикасининг ФКдаги суғуртани тартибга солишга қаратилган ҳуқуқий меъёрлар, асосан, суғурта хизмати кўрсатишдан келиб чиқадиган ҳуқуқий муносабатларни, суғурта шартномасини тартибга солишга қаратилганлиги сабабли, 1993 йил 6 майда қабул қилинган “Суғурта тўғрисида”ги Қонуннинг шартномага оид бўлими ўз кучини йўқотди. Натижада бу қонунни фақат суғурта тизими фаолиятини тартибга солишга қаратилган қисмигина ўз аҳамиятини сақлаб қолди. Оқибатда ҳуқуқий меъёрларни янада такомиллаштирган ҳолда 2002 йил 5 апрелда янги таҳрирда “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги қонун қабул

килинди. Ҳозирги кунда фуқароларнинг суғурта шартномаларини тузишларида ўз ҳуқуқларини яхши билмасликлари, шартнома тўғрисида етарли тушунчага эга эмасликлари, ўз ҳуқуқларини амалга оширишда турли тўсқинликларнинг вужудга келиши, суғурта шартномасининг фуқаролик-ҳуқуқий мақомини белгиловчи меъёрлар ва қоидаларни кенгайтириш, шартнома субъектларининг ўз ҳуқуқларини амалга оширишдаги ўзаро нисбатни белгилаш зарурияти ва ўз навбатида суғурта муносабатларини тартибга солувчи қонунчиликни янада такомиллаштиришни ҳамда суғурта ташкилотларнинг ҳуқуқий мақомини чуқур илмий тадқиқ этишни тақозо этади.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Бозор иқтисодиёти шароитида суғурта шартномасини тузиш билан боғлиқ муаммолар мустақилликка қадар айрим олимлар томонидан ўрганилган, аммо бу асарлар собиқ иттифок даврида қабал қилинган қонун ҳужатлари асосида, давлатни бошқариш ва мулкӣ муносабатларни тартибга солишда маъмурий буйруқбозлик ҳукмрон бўлган давр руҳида ёзилганлиги сабабли, улар бозор иқтисодиёти шароитида юзага келган муаммоларни ечишга ожизлик қилади. Шу боис собиқ иттифок даврида суғурта муносабатларига оид мавзуларда эълон қилинган илмий ишлар бугунги кун талабларига мос келмайди ва улар қайта кўриб чиқишга муҳтож⁴.

Мустақиллик йилларида айнан М.Аминжонова⁵ томонидан суғурта хизмати кўрсатиш билан боғлиқ фундаментал тадқиқот иши олиб борилган бўлсада, суғурта шартномасини тузиш билан боғлиқ муаммолар атрофлича ёритиб берилмаган. Шунингдек суғурта шартномаси билан боғлиқ масалалар, фуқаролик ҳуқуқий шартномаларга оид катор олимларимизнинг жумладан, академик Х.Р.Раҳмонкуловнинг⁶ ю.ф.д.проф.И.Б.Зокировнинг⁷ ю.ф.д. проф.Ш.Шорахметовнинг⁸, ю.ф.д.проф. Б.Ибратовнинг⁹, ю.ф.д., проф. Ш.Рўзиназаровнинг, ю.ф.д.проф. О.Оқюлов ва бошқаларнинг¹⁰ фундаментал тадқиқотлари юзага келди. Бироқ, бозор иқтисодиёти шароитида суғурта шартномасининг тузишнинг муаммолари яхлит тарзда, атрофлича илмий тадқиқи этишга бағишланган комплекс тадқиқот иши ҳанузга қадар мавжуд эмас эди. Шу маънода ушбу иш биринчи монографик тадқиқот иши ҳисобланади.

Юқорида санаб ўтилган ва бошқа муаллифларнинг илмий асарлари тадқиқ этилаётган муаммони назарий таҳлил қилишда катта туртки бўлди.

⁴ Қаранг: Коншин Ф.Б. Узбекистон ССРда давлат страхованияси. Дарслик. Давлат молия нашриёти. 1956, Тихомиров И.П. Страховка на случай землетрясения. – М.: Финансы и статистика. 1991. ва бошқалар.

⁵ Аминжонова М.А. Бозор иқтисодиёти шароитида суғурта хизмати кўрсатишнинг фуқаролик ҳуқуқий муаммолари. Тошкент 2006.

⁶ Раҳмонкулов Х.Р. Роль и сущность гражданско-правового договора в условиях рыночной экономики. Т.: Фан. 1994. Раҳмонкулов Х.Р. Хўжалик шартномаларининг қонунийлиги юзасидан прокурор назорати. – Т.1996.

⁷ Зокиров И.Б. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқи. Т. “Адолат”. 1996.

⁸ Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. – Т. “Адолат”. 1996.

⁹ Ибратов Б.И. Тадбиркорлик ҳуқуқи. – Т.: Моия. 2001.

¹⁰ Қаранг. Рўзиназаров Ш.Н. Бозор шароитида қишлоқ хўжалиги тузилмаларининг фуқаролик ҳуқуқий ҳолати. – Т.: “Адолат”, 1997., Капитальное строительство в сельском хозяйстве Молия. 2001.

Уни ишлаб чиқишга муайян даражада ҳисса қўшди. Лекин бу муаммони (тадқиқ этиш борасидаги масалаларни) тўлиқ ёритиб беришда уларни етарли деб бўлмайди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасида ҳозирги кунда мавжуд ҳуқуқий адабиётлар орасида бевосита суғурта шартномасининг тарихи, суғурта шартномаси билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар жумладан, суғурта шартномасининг турлари, суғурта шартномаларини тузиш ва расмийлаштириш тартиби суғурта шартномасининг тарафлари, суғурта шартномаси шартларини бузганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик асослари ҳамда суғурта шартномасининг ривожланиш истиқболларини тадқиқ этишга бағишланган монографик тадқиқот мавжуд эмас.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Тадқиқотнинг мақсади суғурта шартномасининг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш, бошқа шартномалардан фарқли жиҳатларига эътибор қаратиш, суғурта шартномасини бузганлик учун фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлигини, шартномани тузиш ва бекор бўлиш асосларининг ўзига хос жиҳатларини очиб беришдан иборат.

Мазкур диссертация ишининг вазифаси бозор иқтисодиёти шароитида суғурта шартномасининг тушунчаси ва унинг аҳамиятини очиб бериш ва у билан боғлиқ айрим ҳуқуқий муаммоларига алоҳида тўхталиш, масалани илмий-амалий таҳлил этиш мавзу билан боғлиқ муаммоларни чуқур ва ҳар томонлама илмий таҳлил қилишдан иборат.

Диссертациянинг объектини суғурта ташкилотлари ва уларнинг фойлига оид қонун ҳужжатлари, суғурта шартномасининг тарихи, бугунги фаолияти ва истиқболда такомиллаштириш хусусидаги моддий-ҳуқуқий ва ташкилий муаммолар ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети бозор иқтисодиёти шароитида суғурта шартномасини такомиллаштириш билан боғлиқ фуқаролик-ҳуқуқий муаммолардир.

Илмий янгилиги шундаки, фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда суғурта шартномасининг моҳиятини, аҳамиятини очиб бериш, фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар тизимида тутган ўрнини белгилаш, бозор иқтисодиёти шароитида суғурта шартномаси ва унинг ҳуқуқий тартибга солиниши, суғурта шартномаларининг муҳим шартлари, турлари, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда шартнома юзасидан тарафларнинг фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлиги масалалари атрофлича ёритиб беришдан иборат.

Ушбу илмий тадқиқот иши юртимиз ва хорижий мамлакатлар олимларининг айнан шу мавзудаги тадқиқотларидан самарали фойдаланилган. Шунингдек, тадқиқот ишида суғурта компаниялари фаолияти ҳамда суғурта тўғрисидаги қонунчилигининг ривожланиш истиқболари тўғрисида ҳам илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти шу билан белгиланадики, унда билдирилган таклифлар, умумлаштирилган хулоса ва қоидалардан мулк шакллари ҳуқуқий асосини яратишда мавжуд муаммоларни илмий-амалий таҳлил этиб, келажакда қабул қилинаётган норматив ҳуқуқий ҳужжатларда қўллашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот олиб бориш жараёнида қуйидаги илмий фикрларни илгари сурмоқдамиз:

1. Муаллифнинг фикрича, суғурталовчи суғурта ҳодисаси юз берган тақдирдагина шартномада келишилган суғурта пулини бериш мажбуриятини олади. Айнан шу жиҳати билан бошқа фуқаролик ҳуқуқи шартномалари фарқ қилади. Зеро, бошқа шартномаларда мажбуриятлар шартнома имзоланган пайтдан бошлаб вужудга келади.

2. Диссертант суғурта шартномасининг ҳуқуқий белгиларини таҳлил қилиб, унинг реал ва консессуал шартнома эканлигини эътироф этади.

Чунки, суғурта шартномаси тузилиш мазмуни ва ҳажмига қараб реал ва консессуал ҳам бўлиши мумкин. Масалан, Ихтиёрий суғурта шартномалари реал ҳисобланади чунки, реал шартномаларда ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг пайдо бўлиши тарафлар ўзаро келишган, шартномани расмийлаштирган бўлишидан ташқари шартнома нарсаси, ашё ёки пулнинг топширилиши талаб қилинади.

3. Диссертацияда суғурта шартномаси фуқаролик ҳуқуқий асосларининг ривожланиши турли даврларда (Рим ҳуқуқида, Авестода, Мусулмон ҳуқуқида, чор Россиясида ва собиқ СССРда) турлича кечганлиги таҳлил этилиб, собиқ иттифоқ давридаги суғурта ислохотининг (1930-1931 йиллар) салбий оқибатлари ва уларнинг бозор қонуниятларига номувофиқлиги асослаб берилади.

4. Бугунги кунда эса суғурта шартномаси юридик шахслар ўртасидаги муносабатларда суғуртанинг (мулкӣ суғурта ва унинг турлари, тадбиркорлик хавфини суғуртаси) ўзига хос кўринишлари сифатида намоён бўлиш билан бирга тадбиркорлик фаолияти учун моддий асосни вужудга келтирувчи ҳуқуқий восита ролини бажармоқда. Суғурта шартномасининг бозор муносабатлари шароитидаги хусусиятларини қуйидагилар билан боғлаш мумкин:

- суғурта шартномасининг Фуқаролик кодексида жойлашган ўрнининг ўзгарганлиги;

- суғурта шартномаси субъектлари доирасининг кенгайганлиги;

- суғурта шартномасининг предметидаги ўзига хос ўзгаришлар мавжудлиги;

- суғурта шартномаси қўлланилиш соҳаларининг кенгайганлиги;

5. Таъкидлаш лозимки, бозор муносабатлари шароитида суғурта ўзига хос ҳуқуқий муносабат сифатида бир қатор функцияларни бажаради. Хусусан суғурта қилдириш орқали кўпгина фуқароларимиз ўз кексалик давларини таъминлаш мақсадида махсус ихтисослашган ташкилотларга муражаат этадиларки, улар фуқаролар ва ташкилотлардан (суғурта қилдирувчи) бир йўла ёки вақти вақти билан суғурта шартномасига мувофиқ бадалларни йиғади. Ушбу бадаллар ҳисобидан (суғурта мукофоти) суғурталовчида алоҳида жамғарма ҳосил бўлиб, шартномада белгиланган ҳодиса (ўлим, меҳнат қобилятини йўқотиши, мулкнинг nobud бўлиши, даромад ололмаслиги ва бошқа) рўй берганидан сўнггина келишилган сумма суғурта қилдирувчига ёки у кўрсатган шахсга тўлайди. Республикамизда

суғурта хизмати кўрсатиш билан бир қаторда, давлат ижтимоий суғуртаси ҳам мавжуд. Бу орқали давлат суғурта компаниялари орқали суғурта ҳодисаси юз берганда фуқароларга етказилган зарарларни қоплаш орқали фуқароларга иқтисодий ёрдам кўрсатиш билан ижтимоий ҳимоя функцияси амалга оширади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти шу билан белгиланадики, унда билдирилган таклифлар, умумлаштирилган хулосалар Ўзбекистон Республикасида суғурта шартномаси билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатларини такомиллаштиришда муҳим манба бўлиб ҳисобланади. Айни вақтда мазкур диссертация суғурта шартномасига нисбатан ҳуқуқни қўллаш ва суд амалиёти самарадорлигини оширишда ҳам қўлланилиши, шунингдек, фуқаролик ва тадбиркорлик ҳуқуқи фанлари бўйича дарслик, ўқув қўлланмаларининг тегишли мавзуларини тайёрлашда ҳамда ушбу фанлар бўйича дарс бериш жараёнида кенг фойдаланиш мумкин.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми тадқиқотнинг мақсади ва вазифаларидан келиб чиққан бўлиб, мавзуни ўрганиш мантиғига мос келади.

Диссертация кириш, ўнта параграфни қамраб олган уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Диссертация ҳажми 93 бет бўлиб, мавзуга оид 150 дан ортиқ манбадан фойдаланилган.

I-БОБ. СУҒУРТА ШАРТНОМАСИГА УМУМИЙ ТАВСИФ

1.1. Суғурта шартномасининг тарихи ва юридик табиати

Суғурталаш фаолияти бозор муносабатлари шаклланиб бўлган, ривожланган мамлакатларда иқтисодиётнинг муҳим бир қисми саналади ва мулкдорлар манфаатларини фавқулодда ҳодисалардан ҳимоялаш билан бир каторда, тадбиркорлик фаолиятининг муҳим шакли ҳамда молиявий маблағлар муомаласи юз берадиган бозор тармоқларидан бири ҳисобланади.

“Суғурта” (инглизча “insurance” сўзидан олинган) деганда – келтирилиши мумкин бўлган зарарни махсус ташкилотга тўланган аъзолик тўловлари орқали қоплашни таъминлаш тушунилади.¹¹

Суғурта – юридик ёки жисмоний шахслар тўлайдиган суғурта мукофотларидан шакллантириладиган пул фондлари ҳисобидан муайян воқеа (суғурта ҳодисаси) юз берганда ушбу шахсларга суғурта шартномасига мувофиқ суғурта товонини (суғурта пулини) тўлаш йўли билан уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш.¹²

Суғурта – бу бахтсиз ҳодисалар, табиий офатлар ва қонунда кўрсатилган ҳолатлар натижасида зарарни қоплаш, суғурта жамғармасини шакллантириш ва ундан фойдаланиш вақтида келиб чиқадиган ташкилий, мулкӣ ва шахсий номулкий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий меъёрлар тизимидан иборат бўлган фуқаролик – ҳуқуқий институтидир.¹³

Суғурта тушунчаси турли давлатлар қонунчилигида турлича берилган бўлса ҳам мазмуни айнан бир маънони англатади. Жумладан, Украинанинг “Суғурта тўғрисида”ги Қонунига асосан Суғурта бу фуқаролик-ҳуқуқий муносабат бўлиб, фуқаролар ва юридик шахсларнинг мулкӣ қизиқишларини суғурта ҳодисаси вақтида, шунингдек, суғурта шартномасида ёки амалдаги қонунчилик билан белгиланган тартибда, суғурта тўловларини тўлашга қаратилади.

Суғуртани амалга ошириш асоси бу суғурта шартномасидир. Суғурта шартномасига оид тушунчалар, ҳуқуқий нормалар тавсифи, суғурта шартномасининг турлари, суғурта шартномасини тузиш тартиби ва бекор бўлиш асосларига тўхталиб ўтишдан аввал суғурта шартномасининг тарихига қисқача тўхталиб ўтишни жоиз деб топдик.

Суғуртанинг илк кўринишлари Қадимги Миср, Месопотамия ва Қадимги Грецияда пайдо бўлган.

Қадимги Греция аҳолисининг кўпчилиги денгиз кемаларида Ўртаер денгизи атрофидаги давлатлар билан савдо алоқаларини олиб борганлар. Кема эгалари ўзларининг кемаларини турли тўфонлардан суғурта қилишни милоддан аввалги VIII-VI асрлардаёқ бошланганлиги ҳақида кейинроқ Демосфен (мил.ав.364-322) ўз рисоаларида эътироф этиб ўтган.¹⁴

¹¹ Э. Хожиев. “Ўзбекистон Республикасида суғурта муносабатларини тартибга солиш” Т.: ТДЮИ. 2003, - б. 5.

¹² Ўзбекистон юридик энциклопедияси. – Т.: Адолат. 2009, 434-б.

¹³ Тадбиркорлик ҳуқуқи. Махсус қисм. – Т.: Консаудитинформ, 2002 й, - 340 б.

¹⁴ “Страховое право” (2 ое издание). В.В.Шахова, А.П.Архипова, В.Н.Григорьева. Москва.: Юнити, - 2008 – с 12.

Суғуртанинг бир кўриниши сифатида бир-бирларига ёрдам бериш учун пул жамғармаларини ташкил этишган. Масалан, қадимги Мисрда пирамида курувчилар агар фалокат юз бериб, вафот этса ёки оғир тан жароҳати оладиган бўлса, оила аъзоларини таъминлаш учун бир бирларидан пул йиғиб ёрдам беришган. Қадимги Римда ҳам, гладиаторлар ҳаётларини суғурта қилдирган деган маълумотлар мавжуд бўлиб, агар гладиаторлар вафот этса, фарзандали ва оила аъзоларига моддий ёрдам берилган. Қадимги даврда амалга оширилган суғурталар оғзаки равишда тузилган, яъни суғурта шартномалари оғзаки кўринишда бўлган.

Тижорат мақсадидаги суғурта фаолияти 4 босқичга бўлинади:

- **Биринчи босқич** – XIV-XVIII асрлар. Бошланғич капитални йиғишга қаратилган фаолият.
- **Иккинчи босқич** – XVIII-XIX асрлар Очiq тадбиркорлик ва рақобатга асосланган суғурта фаолияти.
- **Учинчи босқич** – XIX асрнинг охири, XX аср ўрталари. Суғурта фаолиятида монополиянинг вужудга келиши, капиталнинг тўпланиши.
- **Тўртинчи босқич** – XX аср ўрталаридан ҳозиргача бўлган давр. Миллий қонунлар ва халқаро шартномаларнинг қабул қилиниши.

Суғуртанинг илк кўринишларининг пайдо бўлиши қадимги даврга бориб тақалсада, суғурта оғзаки тарзда амалга оширилган. Ёзма суғурта шартномасининг пайдо бўлиши ва ривожланиши ўрта асрларга бориб тақалади.

Том маънодаги суғурта шартномалари XIII асрда кема эгаларининг турли фалокатлар натижасида етказилиши мумкин бўлган зарардан ўзларини ҳимоя қилиш мақсадида пайдо бўлади.

Илк ёзма суғурта шартномаси 1347 йилда Италиянинг Женоа шаҳрида имзоланади ва илк суғурта полиси “Санта Клара” кемасига берилган. Ўшанда ушбу кема Женоадан Маёркга денгиз сафарига кетаётган эди. Полислар муайян шахслар томонидан ўзларининг исмларини ёзиш орқали тузилган эди.

XIV асрларга келиб, суғурта операцияларнинг янги кўриниши вужудга келиб, фақат фойда олиш кўзлаган. Масалан, Италия Ўртаер денгизи атрофида савдо алоқалари бўйича гегемон эди. Бу Италияда денгиз суғуртаси жуда тез ривожланишига замин яратган. Маълумотларга кўра, 1393 йилга келиб, Италияда 1 та нотариус 1 ҳафта ичида 80 та суғурталанувчи билан суғурта полиси тузган экан.

Италияда денгиз суғуртаси ва у билан боғлиқ шартномавий муносабатларнинг ривожланиши билан суғурта қонунчилигини яратишга эҳтиёж орта бошлаган. Ниҳоят, 1466 йилда Венецияда “Денгиз суғуртаси” кодекси қабул қилинган.

Шунингдек, манбаларда биринчи ёзма суғурта шартномасининг XVI асрда Англияда тузилганлиги қайд этилади.¹⁵

¹⁵ Косаренко Н.Н “Страхование право” М.: Флинта, 2008 й, - с 111.

XVI аср охирларига келиб, Англияда ҳам, суғурта фаолияти, суғурта шартномаларини тузиш жадаллик билан ривожлана бошланган. 1559 йилда сер Н.Бекон Англия парламенти йиғилишларидан бирида шундай деган: “Хар бир сафарга кетаётган ақлли савдогар пулини суғуртага тикиб, бутун бошли кемасини ҳимоя қилсин”.

Европада шаҳарлашувнинг (урбанизациялашув) ривожланиши билан кемадан ташқари бошқа мулкларни ҳам суғурта қилдиришга эҳтиёж сезила бошлайди. 1666 йилда Лондонда даҳшатли ёнғин бўлиб, 70 мингдан ортиқ одам вафот этган. Шундан кейин суғуртанинг ёнғин хавфидан суғурталаниш тури вужудга келиб, ёнғин хавфидан суғурталаш билан боғлиқ шартномалар ҳам ривожланиб боради. Суғурта шартномаларининг такомиллашуви ва ривожини суғурта жамиятлари, компанияларининг ташкил этилиши, улар сонининг кўпайиши билан узвий боғлиқликда кечади.

АҚШда суғурта саноати Британия модели асосида барпо этилади. Биринчи Суғурта компанияси АҚШда 1735 йилда ташкил топади. АҚШда илк бор ҳаёт суғуртаси полиси 1761 йил 21 майда тузилади ва бутун мамлакат миқёсида суғурта полислари тарқала бошлайди. Ушбу маълумотлар АҚШда суғурта шартномалари XVIII асрнинг биринчи ярмидан бошлаб кенг тарқала бошланганлигини кўрсатади.

Россияда суғурталаш ва суғурта шартномаси билан боғлиқ муносабатлар бошқа мамлакатларга нисбатан секин ривожланган. Бунга крепостной ҳуқуқининг сақланиб қолганлиги ва ҳуқуқий капиталистик иқтисод йўлидаги тўсиқлар сабаб бўлган. Россияда илк суғурта тури ёнғинга қарши суғурта бўлган. Рига жамияти 1765 йилда немис жамиятига хос тарзда тузилган.

1827 йилда барон Штиглиц ва бошқа Россия тадбиркорлари “Россия ёнғинга қарши суғурта жамияти”ни тузадилар. Бу жамиятга император Николай II томонидан 1827 йил 24 октябрь куни 20 йил мобайнида Санкт-Петербург, Москва, Одесса ва бошқа шаҳарларда чиқарилган солиқлардан озод қилиш ҳақидаги фармон кўра, жамият Устав капитали 4 млн. рублга етган эди.

Россия суғурта бозорининг кейинги босқичлари 1861 йил крепостнойлик ҳуқуқи бекор қилиниши ва ер, мулк пул-кредит тизими ва бошқа иқтисодий реформалардан кейин ривожланиш янада ўса бошлаган. Агар 1851 йил ёнғиндан суғурталаш 282 млн рубль бўлган бўлса, 1865 йил 868 млн, 1886 йилда 4 миллиард рублни ташкил қилади. Айнан шу даврда суғурталовчилар суғурта синдикати тариф мослашувини имзоладилар. Россияда бу биринчи монополия бирлашмаси эди.

1861 йил 10 октябрда Император Александр II шаҳарларда суғурта жамиятлари ташкил этиш тўғрисида фармон чиқарган. Ёнғинга қарши жамиятлар 1863 йилда Тула ва Полтавада ташкил этилган. Кейинчалик бундай жамиятлар Россиянинг бошқа шаҳарларида ҳам ташкил этила бошланган.

Россияда 1913 йилга келиб суғурта шартномалари тузиш асосида суғурталаш суммаси 205 млн. рублни ташкил этади. Ушбу кўрсаткичлар

Россияда суғурта шартномаларини тузишнинг жадаллик билан ўсиб борганлигини тасдиқлайди. Бу даврда транспорт, ҳаёт, бахтсиз ҳодиса ва ёнғиндан суғурталаш каби суғурта турлари билан боғлиқ шартномалар кенг миқёсда ривожланди. Лекин улар орасида ҳаётни суғурталаш унчалик ривожланмаган бўлиб, атиги 0,25 % ни ташкил этган. Яъни ўша вақтлари суғурта фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилиш учун эмас балки давлат манфаатларини ҳимоя қилиш учун амалга оширилар эди. 1918-1920 йиллардаги фуқаролик уруши туфайли, большевиклар ҳокимият тепасига келишгач, суғурталашдан воз кечишга ҳаракат қилганлар. Масалан, 1919 йилда ҳаётни суғурталаш бекор қилинган. 1920 йили эса мулкый суғурта бекор қилинган. Бунинг ўрнига табиий офатдан зарар кўрганларга бепул ёрдам кўрсатиш йўлга қўйилади. Лекин бу сиёсат ўзини оқламаганлиги сабабли, 1921 йил мартда НЭП (янги иқтисодий сиёсат) қабул қилинишидан кейин, яна суғурталашга эътибор берилга бошланган. 1921 йилда “Давлат мулк суғуртаси тўғрисида”ги декрет қабул қилинади. Бунга кўра, Госстрах (Давлат суғуртаси) ташкил топади.

Иккинчи жаҳон уруши туфайли тўхтаб қолган суғурта хизматлари кўрсатиш фаолияти XX асрнинг 50 йилларидан бошлаб яна жонлана бошлайди.

Қайта суғурталаш шартномаси суғурта шартномасининг мустақил тури бўлиб, илк бор Германияда пайдо бўлади. Биринчи қайта суғурталаш жамияти 1846 йилда Кёlnда ташкил топади. Россияда қайта суғурталашни амалга оширувчи “Қайта суғурталаш рус жамияти” 1895 йилда ташкил топади.¹⁶

Суғурта шартномаларининг Франция ҳудудидаги ривожланиш тарихига тўхталиб ўтадиган бўлсак, Франция Савдо кодексида фақатгина денгиз суғуртаси назарда тутилган. Шунингдек, Франциянинг Гражданлик кодексида суғурта шартномаси ҳақида фақатгина битта моддани (1961-модда) учратиш мумкин. Таваккалчиликка асосланган шартномалар санаб ўтилар экан, ФГКда улар қаторига суғурта шартномалари ҳам киритилади. Лекин бу шартнома ҳақидаги қоидалар жуда қисқа берилган эди. Негаки, ўша модданинг ўзида бу шартнома бошқа шу турдаги шартномалар каби денгиз қонунчилиги билан тартибга солиниши назарда тутилган эди. Шу сабабли суғурта шартномасининг амалда бўлиши фақатгина денгиз суғуртаси доирасида эди. Масалан, Жюлио де ла Морендр бу ҳақда қуйидаги фикрни билдириб ўтади: “XIX асрнинг бошларида фақатгина денгиз суғуртаси шартномасини учратиш мумкин бўлиб, ФГКдаги бу бўшлиқ 1930 йилнинг 13 июлига келиб “Суғурта шартномаси тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши билан тўлдирилган”. Қонуннинг асосий тартибга солиш доираси денгиз суғуртаси билан боғлиқ бўлмаган бошқа суғурта шартномаларини ўз ичига олади.¹⁷

¹⁶ Косаренко Н.Н “Страховое право” М.: Флинта, 2008 й, - с 196.

¹⁷ М.И.Брагинский, В.В.Витрянский. Договорное право. Книга третья. М.: Статут, 2008 г, - с 509.

Ўзбекистонга суғурта хизматлари ва суғурта шартномасининг кириб келиши Чор Россияси даврига бориб тақалади.

Ўзбекистонда суғурта хизмати кўрсатиш 1918 йилга қадар, яъни Чор Россияси босқинидан сўнг, Бухоро амирлиги билан туташ жойларда Россия капиталистик филиаллари, бўлимлари ташкил қилиниб, улар давлат идораларининг биноларини, пахта ва ёғ заводларини улгуржи савдо, транспорт корхоналарининг биноларини асосан, ёнғин ҳамда бошқа фалокатлардан суғурта қилганлар. 1918 йилда Россия Ўзбекистонни пахта базасига айлантиришни кўзлаб, жамоа хўжаликларини суғурталашга эътиборни қаратади. Шаҳарларда эса, иморатларни ёнғиндан суғурталаш билан бирга, иттифоқ қонунлари асосида шахсий суғурта ҳам жорий этилади ва Ўзбекистонда суғурта жараёни ана шундай тарзда ривожланган.¹⁸

Бугунги кунда суғурта шартномаси энг кенг миқёсда тарқалган шартномалардан бири ҳисобланади.

Умуман олганда суғурта шартномасининг пайдо бўлиш тарихи ўрта асрларга бориб тақалса-да, унинг ривожланиши, суғурта шартномаси янги турларининг пайдо бўлиши янги даврга тўғри келади.

1.2. Суғурта тўғрисидаги қонунчиликнинг такомиллашуви

Ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнида фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини, шу жумладан, уларнинг ҳаёти ва соғлиғини, мулкани ҳимоя қилиш масаласига алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 43-моддасида давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақамланган ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини кафолатлаши белгилаб қўйилган.

Бугунги кунда жамият ва давлат ҳаётида рўй бераётган ўзгаришларнинг кўлами кенгайиб бормоқда. Кундан кунга суғурта муносабатлари ривожланиб жамият ва давлат ҳаётининг деярли барча соҳаларига кириб бормоқда. Мамлакатимизга мустақиллик йилларида суғурта хизматларининг янги турлари кириб келди ва мустақил суғурта бозори шаклланди.

Хусусий мулкчиликка эга бўлиш бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир инсоннинг иқтисодий манфаатларини янада чуқурроқ қондириш, эҳтиёжларнинг кўпайиб боришига мутаносиб равишда етарли маблағнинг бўлишини таъминлаб, шахснинг иқтисодий жиҳатдан ҳимояланганлиги билан ифодаланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 36-моддасига мувофиқ ҳар бир шахснинг мулкдор бўлишга ҳақли эканлиги белгилаб қўйилган. Шунингдек Конституциянинг 53–54-моддаларига мувофиқ хусусий мулк давлат ҳимоясида бўлиб муҳофаза қилиниши кафолатланади. Суғурта билан боғлиқ кафолатларни ҳам хусусий мулкчиликнинг муҳофаза этиш шаклларида бири сифатида кўрсатиб ўтиш мумкин.

¹⁸ Собиров Х. “Суғурта : 100 савол ва 100 жавоб” – Т.: Мехнат, 1998 й, - 20-б.

Ўзбекистон Республикасида суғурта бозори ва хизматларининг ривожланиб, такомиллашиб бориши билан биргаликда суғурта шартномаси ва суғурта фаолияти билан боғлиқ қонунчилик асослари мустаҳкамланиб, жамиятда ва суғурта соҳасида амалга оширилаётган ўзгаришларга мос равишда такомиллаштирилиб борилмоқда. Суғурта фаолиятини тартибга солувчи қонунлар қаторига Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги¹⁹, “Умумий фойдаланишдаги ҳаво, темир йўл, ички сув ва автомобиль транспорти йўловчиларининг мажбурий шахсий суғуртаси тўғрисида”ги,²⁰ “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги,²¹ “Иш берувчининг фуқаровий жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги,²² “Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида”ги²³, “Туризм тўғрисида”ги²⁴ қонунларни киритиш мумкин. Шунингдек, суғурта фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарор ва Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳам муҳим ўрин тутмоқда.

Суғурта тўғрисидаги Қонунчиликни такомиллаштириш жараёнида муайян бир ҳодиса бўйича суғурталашни алоҳида қонунлар билан тартибга солиш масаласига алоҳида эътибор берилмоқда. Масалан, баъзи давлатларнинг суғурта қонунчилигига эътибор берадиган бўлсак, ушбу соҳани тартибга солувчи қонунчилик манбаларининг кўпчилиги алоҳида суғурта турини қамраб олганлигини кўришимиз мумкин бўлади. Жумладан Россия Федерациясида “Ёнғинга қарши мажбурий суғурта тўғрисида”, “Шифокорларнинг тиббий ёрдам кўрсатиш вақтидаги касбий жавобгарлигини суғурталаш тўғрисида”, “Ҳарбий хизматчиларнинг ҳаёти ва соғлиғини мажбурий суғурталаш тўғрисида”, “Мажбурий пенсия суғуртаси тўғрисида” қонунлар мавжуд. Ҳар бир қонун муайян соҳа билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларни қамраб олади.

Мустақилликнинг илк йилларидан мамлакатимизда суғурта муносабатларини тартибга солувчи қонунчиликни яратиш, уни жамият ва давлат ҳаётидаги, шунингдек суғурта соҳасида юз берадиган ўзгаришларга мувофиқ равишда такомиллаштириб бориш масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, бу борадаги ишлар бугунги кунда ҳам изчиллик билан давом этаётганлигини кўришимиз мумкин.

¹⁹ “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 4-5-сон, 65-модда.

²⁰ Умумий фойдаланишдаги ҳаво, темир йўл, ички сув ва автомобиль транспорти йўловчиларининг мажбурий шахсий суғуртаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси 1993 йил, №6, 250-модда;

²¹ “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2008 йил, 17-сон, 128-модда.

²² “Ўзбекистон Республикасининг Иш берувчининг фуқаровий жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Қонуни “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2009 йил, 16-сон, 197-модда.

²³ Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 37-38-сон, 361-м.

²⁴ “Туризм тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 9, 227-модда;

Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 5 апрелда қабул қилинган “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонуни, суғурта тизими фаолиятини тартибга солишга қаратилганлиги билан, 1993 йил 7 майда қабул қилинган “Суғурта тўғрисида”ги Қонундан тубдан фарқ қилиб, суғурта идораларини ихтисослашган тартибда, яни, ҳаёт суғуртаси ва умумий суғурта соҳаларини суғурталаш билан шуғулланишини белгилаб берди. Мазкур қонун ижросини тامينлаш мақсадида, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 27 ноябрдаги 413-сонли қарори билан, ихтисослашган ҳолда фаолият юритувчи суғурталовчиларнинг минимал устав фонди:

- ҳаёт суғуртаси соҳаси - 250 минг АҚШ доллари сўм миқдорида;
- умумий суғурта соҳаси - 150 минг АҚШ доллари сўм миқдорида;
- қайта суғурта фаолияти соҳаси (агар фаолият предмети бўлиб фақат қайта суғурта бўлганда) - 2 млн. АҚШ доллари сўм миқдори белгиланди.

Мамлакатимизда суғурта компанияларига кенг имкониятлар яратиб берилмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда 30га яқин суғурта компаниялари аҳолига ва юридик шахсларга 200 дан ортиқ суғурта хизматларини кўрсатиб келмоқда.

Суғурта бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида тадбиркорлик фаолияти субъектларининг суғурта шартномасида кўрсатилган суғурта ҳодисаси юз берганда етказилган зарарни қоплаш орқали уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва манфаатларини ифода этишда муҳим ўрин тутди. Буни Президентимиз И.А.Каримов 2006 йилда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида қилган маърузасида таъкидлаганидек, “Барчамизга яхши аёнки, бизнеснинг муваффақияти бозор иқтисодиёти институтлари, хусусан, юксак мустақил даражадаги аудитни, суғуртанинг замонавий шакллари ва молиявий хизматларнинг бошқа турларини кенг ривожлантиришга бевосита боғлиқ”²⁵.

Президентимизнинг ушбу фикрларидан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда суғурта хизмати кўрсатишни такомиллаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 4 апрелда “Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги 618-сонли қарорининг қабул қилиниши республикаимизда суғурта хизматларини кўрсатиш жараёнини ислоҳ қилиш ва янада ривожлантирилишига хизмат қилди. Ушбу қарорга асосан “2007-2010 йилларда Ўзбекистон Республикаси суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш Дастури” маъқулланди. Ушбу дастурда энг аввало:

- суғурталаш, суғурта фаолияти ва суғурта назоратининг қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базасини халқаро амалиётга мувофиқ янада такомиллаштириш;

²⁵ И.А.Каримов “Жамиятимизни эркинлаштириш ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш барча ишларимизнинг мезони ва мақсади” Т.: Ўзбекистон. Т 15, 191-б.

- кўрсатилаётган суғурта хизматлари, айниқса тадбиркорлик фаолиятини, импорт-экспорт операцияларини суғурталаш, ҳаётни узоқ муддатга суғурталаш, шу жумладан, суғуртанинг жамғарма турлари соҳасида суғурта хизматлари ҳажмини, кўламини кенгайтириш ва сифатини ошириш;

- республика суғурта бозорини халқаро суғурта бозорларига интеграциялаш;

- суғурталаш соҳаси ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш каби муҳим чора-тадбирлар белгиланди; Бу дастурга асосан:

Биринчидан, “Суғурта бозорининг профессионал қатнашчилари тўғрисида”ги Низом тасдиқланди;

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси суғурта бозори профессионал қатнашчилари уюшмаси ташкил этилди;

Учинчидан, суғурта бозорини ривожлантириш ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг суғурталашда кенг иштирокини рағбатлантириш мақсадида мол-мулкни ва ҳаётни узоқ муддатга суғурталаш бўйича суғурта мукофотлари солиққа тортилмаслигига оид ҳукукий асос яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 4 апрелда “Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 618-сонли қарорига асосан мол-мулкни ва ҳаётни узоқ муддатга суғурталаш бўйича суғурта мукофотларининг солиққа тортилмаётгани аҳолининг суғуртага бўлган қизиқишини оширмоқда. Айни пайтда миқдорлар билан доимий, узоқ муддатли ҳамкорлик муносабатлари ўрнатилаётгани суғурта тушумлари ҳажмининг ошишига хизмат қилмоқда. Жумладан, 2006 йилнинг тўққиз ойи якунида суғурта мукофотлари 2,6 миллиард сўмни ташкил этган бўлса, 2007 йилги кўрсаткичлар 3,25 миллиард сўмга етди.

Суғурта мукофоти шахсга ўз соғлиғи ва мулкни тиклаш имкониятини беради. Шу боисдан уларнинг солиққа тортилмаслиги мамлакатимизда амлга оширилаётган кучли ижтимоий сиёсатнинг яққол намунаси сифатида намоён бўлади. Мамлакатимиз мустақиллигининг илк йилларидан аҳолини ижтимоий ҳимоялаш фуқароларнинг фаровон турмуш кечиришини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида эътироф этиб келинмоқда. Буни 2010 йилга мўлжалланган давлат бюджетининг харажатларида ижтимоий соҳага ажратиладиган харажатларнинг 59,1% га оширилганлиги буни кўрсатиб турибди.

Суғурта механизмларининг иқтисодийдаги имкониятларидан тўлиқ ва самарали фойдаланиш мақсадида соҳага оид қонунчилик такомиллаштирилмоқда. Хусусан, 2007 йил 22 апрелда матбуотда елон қилинган “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги қонун фикримиз далилидир. Ушбу қонун суғурта хизматларининг рақобат бозорини янада такомиллаштириб, тармоқларни ривожлантириш, янги иш ўринларини яратишга хизмат қилади. Муҳими, аҳолининг кенг қатлами суғурта хизматлари билан таъминланади.

“Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Қонунига асосан мажбурий суғурталашни амалга оширувчи суғурталовчиларга қуйидаги қўшимча талаблар қўйилади:

Яни, биринчидан, ушбу мажбурий суғурта турини амалга ошириш учун суғурталовчи махсус ваколатли давлат органи томонидан берилган тегишли лицензияга эга бўлиши керак, иккинчидан, суғурталовчи Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида мажбурий суғурталаш шартномаларини тузишга, суғурта тўловлари ҳақида жабрланувчиларнинг талабларини кўриб чиқишга ва уларни амалга ошириш учун ўзининг вакилларига эга бўлиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 2007 йил 29 июнда қабул қилиниб, 2007 йил 24 августда Сенатнинг ўн биринчи ялпи мажлисида маъқулланди ҳамда 2007 йил 15 сентябрь куни матбуотда эълон қилиниб кучга кирди. Таъкидлаш жоизки, ушбу Қонуннинг ижтимоий ҳаётга татбиқ этилиши республикамізда суғурта бозори конъюктурасини ўрганиш унинг юқори даражада очиқ-ойдинлигини таъминлаш, рақобатни ривожлантириш, суғурта хизматлари ҳажмларини кўпайтириш, кўламини кенгайтириш ва сифатини ошириш борасида қўйилган муҳим қадам бўлиб ҳисобланади.

“Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг жамият ва давлат ҳаётига татбиқ этилиши қуйидаги имкониятларни юзага келтиришга кўмаклашади:

Биринчидан, суғурта фаолиятининг замонавий турларини ривожлантириш ва сифатини оширишга;

Иккинчидан, суғурта бозорида фаолият юритаётган компаниялар ва суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари ўртасидаги рақобат муҳитини янада кучайтириш;

Учиничидан, суғурталовчиларнинг капиталлашув жараёнини ва уларнинг молиявий барқарорлигини ва фаолият доирасини кенгайтириш;

Тўртинчидан, фуқароларнинг бахтсиз ҳодисалар ва Суғурталовчи ва суғурта қилдирувчи ўртасидаги келишувга асосан кўрстаилган ҳолатларда соғлиғи ва мулкани ҳимоя қилишнинг янада кучайишини таъминлаш;

Бешинчидан, фуқаролар учун суғурта бозорининг юқори даражада очиқлигини таъминлаш;

Олтинчидан, тузилаётган тижорат шартномаларининг суғуртавий таъминлашга, шу жумладан, экспорт кредитларини кафолатлаш имконига эга бўлиши;

Еттинчидан, киритилаётган инвестициялар ҳажмининг ошишига инвестрларга маблағларини Ўзбекистон Республикасида суғурта соҳасига инвестициялашга кўмаклашади;

Сакккизинчидан, Ўзбекистон Республикаси суғурта бозорини халқаро суғурта бозорига янада интеграциялашувига хизмат қилади.

Ҳозирда суғурта хизматлари бозорида рақобатни янада ривожлантириш, суғурта фаолиятининг замонавий турларини такомиллаштириш ва сифатини ошириш, суғурталовчиларнинг капиталлашув даражасини кўпайтириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, соҳани ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътибор натижасида суғурта мукофотлари миқдори 2007 йил давомида 48 фоиз ортди ва 72 миллиард сўмни ташкил этди.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган суғурта компанияларининг молиявий жиҳатдан барқарорлигини таъминлаш, хизмат кўрсатиш даражаси ва сифатини ошириш борасида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, мамлакатимизда фаолият юритаётган суғурта компаниялари ўз низом жамғармалари миқдорини Президентимиз Ислон Каримовнинг 2007 йил 4 апрелда “Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 618-сонли Қарорида белгиланган талаблар даражасига етказди. Ушбу Қарорга асосан, Ўзбекистон суғурта бозорида фаолият кўрсатувчи компаниялар низом жамғармасининг энг кам миқдори 1 миллион АҚШ доллари қилиб белгиланди. Бу Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 27 ноябрдаги 413-сонли қарори билан белгиланган миқдордан бир неча баравар кўпроқдир. Суғурта фаолиятининг ривожланиши, суғурта бозорининг кенгайиб бориши, қонунчиликнинг такомиллаштирилиши суғурта компанияларига қўйиладиган талабнинг оширилиши масаласини муҳим талаб қилиб қўйди. Чунки, мамлакатимизда фаолият юритаётган суғурта компаниялари ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, иқтисодий жиҳатдан барқарор суғурта компанияларини юзага келишида юртимиз суғурта бозорида кўрсатилаётган суғурта хизматларининг сифатини оширишда суғурта ташкилотларининг молиявий барқарорлиги муҳим аҳамият касб этади. Компаниялар Низом жамғармасининг умумий ҳажми 2007 йилда 1,5 баробар кўпайиб, 26,7 миллиард сўм ва 67,1 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Суғурта компанияларининг инвестициялари миқдори 200 миллиард сўмдан ошди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги (2008 йил 21 май) ПКҚ-872-сонли Қарори соҳада амалга оширилаётган сифат ўзгаришларининг изчил давоми сифатида намоён бўлди.

Ушбу Қарорга асосан суғурта компаниялари учун устав фондининг энг кам миқдори қуйидагича белгиланди:

- умумий суғурта соҳасида - 750 минг еврога эквивалент суммада;
- ҳаётни суғурта қилиш соҳасида - 1000 минг еврога эквивалент суммада;
- мажбурий суғурта бўйича - 1500 минг еврога эквивалент суммада;
- фақат қайта суғурта қилиш бўйича - 4000 минг еврога эквивалент суммада.

Фаолият кўрсатаётган суғурта компаниялари (суғурталовчилар) 2010 йилнинг 1 январигача бўлган муддатда устав капитали миқдорларини юқорида кўрсатилган талабларга мувофиқлаштирилиши лозимлиги белгилаб қўйилди.

Шунингдек ушбу қарорга кўра: суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини, ўрнатилган иқтисодий нормативларни, шу жумладан, тўлов қобилияти нормативларини суғурталовчилар томонидан бузилганлиги учун суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишни амалга оширувчи махсус ваколатли давлат органининг қарори асосида уларга суғурталовчи учун белгиланган энг кам устав капиталининг 0,1 фоизи миқдоригача солиниши ва жарима суммаси республика бюджетига ўтказилиши белгилаб қўйилди.

Мазкур фаолиятнинг қонунчилик пойдеворини мустаҳкамлашга қаратилган муҳим ҳужжат — Олий Мажлис Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлисида маъқулланган "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги 2008 йилнинг 23 декабрида матбуотда эълон қилиниб, кучга кирган Қонун бўлди. Бу қонун Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги (2008 йил 21 май) ПҚ-872-сонли Қарори асосида ишлаб чиқилган бўлиб, суғурта фаолиятини янада такомиллаштириш, суғурта хизматларидан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишни таъминлашга қаратилган. Қуйида мазкур қонун билан "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги Қонунга киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳиятига эътиборни қаратмоқчимиз.

Биринчидан, юқорида зикр этилган Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарорининг 3-бандида суғурталовчилар, яъни мазкур қонуннинг 6-моддасига биноан тегишли турдаги суғуртани амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган ва суғурта шартномасига мувофиқ суғурта товони (суғурта пули) тўловини амалга ошириш мажбуриятини олувчи тижорат ташкилоти бўлган юридик шахс қимматли қоғозлар бозорида инвестицион воситачи сифатида профессионал фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига эгалиги белгиланган. Аслида "Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида"ги Қонуннинг 19-моддасига биноан, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллардан ташқари, қимматли қоғозлар бозоридаги профессионал фаолият қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан бериладиган лицензия асосида амалга оширилади. Суғурталовчиларни рағбатлантириш ва уларга имконият яратиш мақсадида мазкур қарор билан улар томонидан ушбу фаолиятни амалга ошириш учун алоҳида лицензия олиш талаб қилинмаслиги назарда тутилди.

Ўрнатилган бу тартибдан келиб чиқиб, "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги Қонуннинг суғурталовчилар ҳуқуқлари белгиланган 6-1-моддаси биринчи қисми суғурталовчилар қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси сифатида профессионал фаолиятни тегишли лицензиясиз амалга ошириш ҳуқуқига эга эканлигини назарда тутувчи

бешинчи хатбоши билан тўлдирилди. Агар хорижий давлатлар тажрибасига назар солсак, Буюк Британия, Франция, Япония, Чехия, Ҳиндистон, Қозоғистон ва Беларусь Республикаси қонун ҳужжатларида ҳам суғурталовчилар қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси сифатида профессионал фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига эга эканини кузатишимиз мумкин.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиларининг фаолияти "Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида"ги Қонун, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 8 июндаги 285-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қимматли қоғозлар билан битимлар тузиш ва уларни рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом, инвестиция воситачилари тўғрисидаги низом (Адлия вазирлигида 2002 йил 3 мартда 1108-сон билан рўйхатга олинган), "Инвестиция воситачиларининг эмитентларга расмий дилер (маркет-мейкер)лик хизматларини амалга ошириш тартиби тўғрисида"ги (Адлия вазирлигида 2007 йил 26 майда 1682-сон билан рўйхатга олинган) Низом каби норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солиниб келинмоқда. Мазкур қонун ҳужжатларига асосан, қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачилари деганда, биржа ва биржадан ташқари қимматли қоғозлар бозорларида брокерлик ёки дилерлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган шахслар тушунилади.

Брокер деганда эса, "Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида"ги Қонуннинг 21-моддасига мувофиқ, воситачилик ёки топшириқ шартномаси ёхуд миқдорнинг воситачиси ё ишончли вакили сифатида қимматли қоғозларга доир битимларни тузиш учун берилган ишончнома асосида иш олиб боровчи юридик шахс тушунилади.²⁶

Дилер деганда қимматли қоғозларни сотиб олиш, сотиш нархини ошкора эълон қилиш орқали ушбу қимматли қоғозларни ўзи эълон қилган нархларда сотиб олиш, сотиш мажбурияти билан ўз номидан ҳамда ўз ҳисобидан қимматли қоғозларга доир олди-сотди битимлари тузувчи юридик шахс тушунилади.

Иккинчидан, юқорида таъкидланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарорининг 3-банди билан суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг раҳбарлари ва бош бухгалтерлари Молия вазирлиги томонидан белгиланган тартибда тасдиқланган "Суғурталовчининг ижро этувчи органи раҳбари ва бош бухгалтерига қўйиладиган талаблари тўғрисида"ги Низомда белгиланган малака талабларига мос келган тақдирда тайинланиши (сайланиши) белгиланди. Бу билан нафақат суғурталовчи ёки унинг бош бухгалтерига қўйиладиган талаблар, балки "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги Қонуннинг 7-моддасига кўра,²⁷ суғурта қилдирувчининг номидан ва топшириғига биноан суғурта шартномаси тузилиши ва ижро

²⁶ "Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 1-2-сон, 1-модда.

²⁷ "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 4-5-сон, 65-модда.

этилишини ташкил қилиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи юридик шахс ҳисобланадиган суғурта брокери, унинг бош бухгалтерининг масъулиятини ошириш мақсадида уларга бўлган талабларни махсус ваколатли орган белгилайдиган тартиб ўрнатилди. Ушбу белгиланган тартиб қоидаларидан келиб чиқиб, Қонуннинг махсус ваколатли органнинг ваколатлари назарда тутилган 10-моддаси иккинчи қисмининг олтинчи хатбошисига тегишли ўзгартишлар киритилди. Бундай тартиб Франция, Чехия, Руминия, Қозоғистон ва Беларусь Республикасининг тегишли қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилганлигини ҳам таъкидлаш ўринлидир.

Шу ўринда суғурталовчи ва суғурта брокери раҳбари ҳамда уларнинг бош бухгалтерларига қандай малака талаблари белгиланиши мумкин, деган савол туғилиши табиий. Хусусан, “Суғурталовчининг (суғурта брокерининг) раҳбарига ва бош бухгалтерига қўйиладиган малака талаблари тўғрисида”ги Низомга кўра, суғурталовчининг (суғурта брокерининг) раҳбари қонун ҳужжатлари ва суғурталовчининг (суғурта брокерининг) таъсис ҳужжатларига мувофиқ тайинланади ёки сайланади. Бунинг натижасида тузилган меҳнат шартномасига асосан, у суғурталовчининг (суғурта брокерининг) ягона ижро этувчи органи ҳисобланадиган ёки суғурталовчининг (суғурта брокерининг) коллегиял ижро этувчи органини бошқарадиган жисмоний шахс ҳисобланади. Унга нисбатан қуйидаги малака талаблари ўрнатилган:

а) Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида олинган олий маълумотга ёки хорижий давлатларнинг таълим муассасаларида олинган ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасидаги олий маълумотга эквивалент, деб тан олинган олий маълумотга эга бўлиши;

б) суғурта соҳасида 2 йилдан кам бўлмаган иш стажига эга бўлиши; Бунда суғурта агентининг, ёрдамчи, техник ва хизмат кўрсатувчи ходим сифатидаги иш стажига ҳисобга олинмайди.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, суғурталовчиларнинг (суғурта брокерларининг) Ўзбекистон Республикаси Хукумати қарори билан тайинланадиган раҳбарларига мазкур Низом талаблари татбиқ этилмайди.

Учинчидан, юқорида кўрсатилган Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарорининг 3-банди билан суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини, ўрнатилган иқтисодий нормативларни, шу жумладан, тўлов қобилияти нормативлари суғурталовчилар томонидан бузилгани учун суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишни амалга оширувчи махсус ваколатли давлат органининг қарори асосида уларга суғурталовчи учун белгиланган энг кам устав капиталининг 0,1 фоизи миқдоригача жарима солиниши ва жарима суммаси республика бюджетига ўтказилиши тартиби ўрнатилган. Ушбу тартибга асосан, қонуннинг махсус ваколатли органнинг ваколатлари белгиланган 10-моддасига мазкур ўрнатилган тартибни қўллашни назарда тутувчи тегишли қўшимчалар киритилди. Мазкур тартиб суғурталовчиларнинг суғурта хизмати истеъмолчилари олдидаги масъулиятини ошириб, миқдорлар ҳуқуқларини ҳимоялашга, тўлов қобилияти нормативларини бузмасдан амалга оширишларини таъминлашга хизмат

килади. Махсус ваколатли орган томонидан бундай жарима қўллаш Франция, Япония, Россия, Чехия, Руминия, Ҳиндистон, Қозоғистон ва Беларусь Республикалари қонун ҳужжатларида ҳам назарда тутилган.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариш тармоғида банд бўлган аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлашнинг иқтисодий-ҳуқуқий механизми такомиллаштирилиб борилаётганлиги, меҳнаткашларнинг ҳуқуқлари ҳимоясини янада мустаҳкам таъминлаш имконини бераётганлигини кўришимиз мумкин.

2008 йил 10 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида”ги Қонуни²⁸ корхоналарда ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи меҳнаткашларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ушбу қонунга асосан,

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса деганда суғурталанган шахснинг у меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ўз вазифаларини суғурта қилдирувчининг ҳудудида ёки ундан ташқарида бажараётганда меҳнатда майиб бўлишига ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланишига олиб келган ва суғурталанган шахсни бошқа ишга ўтказиш заруриятини келтириб чиқарган, унинг касбга оид меҳнат қобилиятини вақтинча ёки турғун йўқотишига ёхуд вафот этишига сабаб бўлган ҳодиса тушунилади.

Бундай ҳолат айниқса ер ости конларида фаолият юритадиган шахслар билан кўп содир бўлади. Яни қандайдир сабаб билан кондан чиқиш имкониятининг йўқолиши, конда ёнғин чиқиши ёки портлаб кетиши ишчиларнинг соғлиғига жиддий шикаст етказди ёки уларнинг вафот этишига сабаб бўлади.

Касб касаллиги деганда суғурталанган шахсга унга ишлаб чиқаришнинг зарарли ёки хавфли омили таъсири натижасида унинг касбга оид меҳнат қобилиятини вақтинча ёки турғун йўқотишига сабаб бўлган ўткир ёки сурункали касаллик тушунилади.²⁹

Айрим ишлаб чиқариш фаолиятида банд бўлиш айнан ўша касб билан боғлиқ касалликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Жумладан кимёвий моддаларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ, ўзидан радиация чиқарувчи моддалар билан, доимий иссиқ ёки совуқ ҳароратли шароитда ишлаш, конларда фаолият юритиш, доимий намлик ҳолатидаги шароитда ишлаш каби ҳолатлар касб касаллигининг келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин бўлган ҳолатлардир.

Ушбу қонунга биноан ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларини мажбурий суғурталаш учун пул маблағлари қуйидаги манбалардан шакллантирилади:

- суғурта қилдирувчиларнинг суғурта бадаллари;

²⁸ “Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2008 йил, 37-38-сон, 361-модда.

²⁹ “Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2008 йил, 37-38-сон, 361-модда.

- ундириладиган жарима ва пенялар;
- қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар.

“Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида”ги Қонунига асосан суғурталанган шахс қуйидаги ҳуқуқлардан фойдаланади ва мажбуриятларни бажаради:

- ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси бўйича суғурта товони билан таъминланиш;
- суғурта ҳодисасини текширишда, шу жумладан касаба уюшмаси органи ёки ўз ишончли шахси жалб қилинган ҳолда иштирок этиш;
- суғурта ҳодисаларини текшириш натижаларига доир қарорлар устидан шикоят қилиш;
- ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида суғурта қилдирувчидан, суғурталовчидан бепул ахборот олиш;
- тиббий текширувдан (қайта текширувдан) ўтиш масалалари юзасидан давлат соғлиқни сақлаш тизимининг даволаш-профилактика муассасаларига ва тиббий-меҳнат эксперт комиссиясига мустақил равишда мурожаат этиш;
- ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси масалалари бўйича ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга, шунингдек касаба уюшмаси органларига мурожаат этиш ҳуқуқига эга.

Суғурталанган шахс:

- меҳнатни муҳофаза қилиш нормаларига, қоида ва йўриқномаларига риоя этиши;
- суғурта ҳодисаси юз берганда, ўз яшаш жойи ёки иш жойи ўзгарганлиги тўғрисида, шунингдек ўзи оладиган суғурта товонининг миқдори ўзгаришига ёки уни олиш ҳуқуқининг йўқолишига сабаб бўлувчи ҳолатлар ҳақида бундай ҳолатлар вужудга келган кундан эътиборан ўн кунлик муддат ичида туман, шаҳар ижтимоий таъминот бўлимларини хабардор қилиши;
- тиббий, ижтимоий ва касбий реабилитация қилишга доир тавсияларни бажариши, тиббий-меҳнат эксперт комиссияси белгилаган муддатларда тиббий текширувдан (қайта текширувдан) ўтиши шарт.

Суғурталанган шахс қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши ва унинг зиммасида бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

Умуман олганда, суғурта қонунчилигининг такомиллаштирилиши мамлакатимизда суғурта бозорининг кенгайишига, хизмат кўрсатиш сифатининг ошишига, фуқаролар ва юридик шахсларнинг қонун билан кўрикланадиган манфаатларининг янада мустаҳкам тарзда кўриқланишига, киритилаётган инвестициялар ҳажмининг ошишига кўмаклашмоқда.

Баъзи давлатлар қонунчилигида инсон соғлиғи ва мулкни суғурта қилишнинг энг кам миқдори белгилаб қўйилган. Масалан, Германияда автомобил эгасининг соғлиғини суғурта қилиш миқдори 1 миллион маркадан, мулкни суғурта қилишнинг энг кам миқдори 400000 маркадан кам бўлмаслиги лозим.

Германия қонунчилигига асосан қонунда кўрсатилган касб эгаларининг жавобгарлиги суғурта қилинади. Булар қаторига нотариусларни, солиқ масалалари бўйича маслаҳатчилари ва бошқа бир қатор касб эгалари киритилган. Албатта, касб эгаларининг жавобгарлигининг суғурта қилинганлиги уларга ўз фаолиятларини янада фаолроқ, сидқидилдан ва виждонан амалга оширишларига кўмаклашади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг XVIII ялпи мажлисида маъқулланган ҳамда 2009 йил 17 апрелда матбуотда расмий эълон қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги қонуни Ўзбекистонда суғуртанинг ушбу соҳасини махсус ҳуқуқий тартибга солиш имкониятини яратди. Ушбу Қонун суғуртани, шунингдек иш берувчилар ва ходимларнинг ўзаро муносабатларини тартибга солувчи Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларига асосланган ҳолда ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Республикасида суғурта муносабатларини тартибга солувчи Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Меҳнат кодекси, «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги ҳамда «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 февралдаги 60-сонли қарори билан тасдиқланган «Ходимларга уларнинг ўз меҳнат вазифаларини бажаришлари билан боғлиқ ҳолда, майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши натижасида етказилган зарарни қоплаш қоидалари» ва бошқалар муҳим қонунчилик асоси бўлиб хизмат қилади. Буларнинг барчаси Ўзбекистонда суғурта фаолиятини тартибга солиш бўйича қонунчилик тизими яратилганлигини, у амалиётда самарали қўлланилиб келинаётганлигини кўрсатади.

“Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 5-моддасига асосан,¹ ходим ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан унинг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича иш берувчининг фуқаролик жавобгарлиги вужудга келганда, унинг мулкӣ манфаатлари иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш объектидир.

Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасига асосан суғурта товони ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса ёки касб касаллиги оқибатида тайинланган дафн этиш маросими учун

¹ “Ўзбекистон Республикасининг Иш берувчининг фуқаровий жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2009 йил, 16-сон, 197-модда.

бериладиган нафақа, ногиронлик пенсияси ҳамда боқувчисини йўқотганлик пенсияси тарзида тўланади.

Суғурта товони туман, шаҳар ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан тўланади.

Суғурта товони ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртасининг мақсадлари учун суғурталовчи томонидан тўпланган пул маблағлари ҳисобидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўланади.

Иш берувчи, иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурталовчи, аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи, жабрланувчи ва наф олувчи иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш субъектларидир.

Ўзбекистон Республикасида “Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий ҳимояси тўғрисида”ги Қонунни қабул қилишдан мақсад - ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда, унинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни ундириш бўйича ҳуқуқини амалга оширишга кўмаклашиш, зарарни қоплаш билан боғлиқ иш берувчининг мулкӣ манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек меҳнат шароитларини яхшилаш ва хавфсизлигини ошириш, иш берувчининг ишлаб чиқаришдаги жароҳатланишни ва касб касаллигига чалинишни камайтиришдан иқтисодий манфаатдорлигини оширишни назарда тутати. Қолаверса, «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг асосий ғояси мамлакатимиз фуқароларига ўз меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда, уларнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни ундириш ҳуқуқини кафолатлайдиган қонунчилик базасини мукамаллаштиришдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 майда қабул қилинган "Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига асосан 2008 йилнинг 1 июнидан бошлаб уч йил муддатга:

- юридик ва жисмоний шахсларнинг суғурталовчилар акциялари бўйича дивидендлар кўринишида олинган даромадлари юридик шахсларнинг фойда солиғи ва жисмоний шахсларнинг даромад солиғини тўлашдан озод қилиш;
- суғурталовчиларнинг дивидендлар ва фоизлар кўринишида олинган даромадлари юридик шахсларнинг фойда солиғини тўлашдан озод қилинсин ва солиқдан бўшаган маблағлар республика ҳудудларида, биринчи навбатда, кишлоқ жойларида ҳудудий бўлинмаларни, кенг тармоқли агентлик тизимини ташкил қилиш, шунингдек, уларнинг моддий-техник базасини ривожлантиришга мақсадли йўналтириши белгилаб қўйилди.

Суғурта қонунчилигининг такомиллаштирилиб борилиши, суғурта соҳасида халқаро ҳамкорликнинг кучайиши, хизмат кўрсатиш соҳалари ичида суғуртанинг ўрни ўсиб боришига, тадбиркорлик субъектлари учун имкониятларнинг янада ошиб боришига хизмат қилади.

2003 йилда суғурта компанияларининг суғурта мукофотлари 27,1 млрд. сўмни, суғурта товони 2,7 млрд. сўмни, устав капиталларининг жами миқдори 4,9 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2008 йилнинг 9 ойида суғурта мукофотлари 64,1 млрд сўмни, суғурта товони 8,3 млрд. сўмни, устав капиталларининг миқдори эса жами 38,3 млрд. сўмни ташкил этган. Бундан ташқари, 2007 йил давомида республика бўйича 8621812 та суғурта шартномаси тузилган.³¹ Албатта, мазкур рақамлар мамлакатимизда суғурта фаолиятини тартибга солувчи норматив ҳуқуқий база йилдан йилга такомиллашиб, суғурта фаолияти субъектларининг иқтисодиётдаги улуши ортиб бораётганлигидан далолат беради.

Суғурта таваккалчиликлари ёки улар гуруҳларининг ва улар билан боғлиқ мажбуриятларнинг умумий хусусиятларига мувофиқ суғурта соҳалари суғурта турларига (классларига) бўлинади. Суғурта турлари (класслари) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Маълумотларга кўра, 2007 йилда 4 756 248 та суғурта шартномалари тузилган бўлса, 2008 йилнинг тўққиз ойи мобайнида бу кўрсаткич 8 621 812 тани ташкил этган. Агар ушбу кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда фикр билдирадиган бўлсак мамлакатимизда суғурта муносабатлари жадаллик билан ривожланиб бораётганлигини, жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг суғурталаниш доираси кенгайиб бораётганлигини мажбурий суғурталаш билан боғлиқ соҳаларнинг кенгайиб, ривожланиб бораётганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз бўлади.

2009 йил якунида суғурта тўловлари ҳажми бозор бўйича 14,4 млрд сўмни ташкил этди.

Мамлакатимизда суғурта шартномаси билан боғлиқ кўрсаткичлар нафақат миқдор жиҳатидан, балки сифат жиҳатидан ҳам мунтазам равишда ўсиб бормоқда.

Умуман олганда, суғурта қонунчилигининг такомиллаштирилиши мамлакатимизда суғурта бозорининг кенгайишига, хизмат кўрсатиш сифатининг ошишига, фуқаролар ва юридик шахсларнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларининг янада мустаҳкам тарзда қўриқланишига, хорижий инвесторлар томонидан киритилаётган инвестициялар ҳажмининг ошишига кўмаклашмоқда.

³¹ www.google.com

II-БОБ. СУҒУРТА ШАРТНОМАСИНИ ТУЗИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

2.1. Суғурта шартномаси тушунчаси ва турлари

Шартномавий муносабатларда муайян шартнома турининг мазмун-моҳиятини очиб беришда унинг тушунчаси муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси суғурта шартномаси билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солувчи асосий ҳужжат ҳисобланади. Аммо, ФКда ва суғуртага оид бошқа қонун ҳужжатларида ҳам суғурта шартномаси тушунчасига таъриф берилмаган. Суғурта шартномаси тушунчасини қонунчиликда ифодалаш суғурта шартномасининг мазмун-моҳиятини очиб беришга хизмат қилади. Суғурта шартномасига турли олимлар томонидан жуда кўплаб таърифлар берилган. Жумладан, суғурта шартномаси икки ёки ундан ортиқ томонлар ўртасида тузиладиган ёзма битим бўлиб, унга кўра бир томон суғурта мукофотини тўлаш, иккинчи томон унинг мулкӣ манфаатларига зарар етганда, зарарни қоплаб бериш мажбуриятини олади.³²

М.Аминжонова суғурта шартномасига қуйидагича таъриф беради: “Суғурта шартномаси ёзма равишдаги битим бўлиб, унга кўра, бир тараф (суғурта ташкилоти) кўзда тутилган суғурта ходисаси (воқеаси) юз берганида, иккинчи тараф (суғурталанувчи ёки суғурта товонини олишга ҳақли бўлган киши)га белгиланган суғурта пулини етказилган зарар миқдорида, суғурта товони сифатида тўлаш мажбуриятини олади”.³³

Суғурта шартномасига мувофиқ бир тараф (суғурта қилидрувчи) юридик ёки жисмоний шахслар тўлайдиган суғурта мукофотларидан шакллантириладиган пул фондлари ҳисобидан муайян воқеа (суғурта ходисаси) юз берганида ушбу шахсларга суғурта шартномасига мувофиқ суғурталовчи томонидан суғурта товони тўланади.

Суғурта шартномаси икки томонлама шартнома бўлиб, иккала тараф ўз зиммаларига ҳам мажбуриятларни оладилар. Суғурта шартномаси бўйича суғурталовчи суғурта бадалини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлса, суғурта ходисаси рўй берганида суғурта товонини тўлаш мажбуриятини олади. Суғурта қилдирувчи эса суғурта бадалини тўлаш мажбуриятини олса, суғурта ходисаси рўй берганида суғурта товонини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади.³⁴

Суғурта шартномаларининг кучга кириш пайтига кўра қандай шартномалар турига кириши борасида ҳам турли баҳс-мунозарала мавжуд.

³² Суғурта агентлари учун қўлланма/ и.ф.н Ҳ.М.Шеннаев. – Т.: 2010, - 16 б.

³³ М. Аминжонова “Бозор иқтисодиёти шароитида суғурта хизмати кўрсатишнинг фуқаролик-ҳуқуқий муаммолари” Т.: 2006, - 33-34 б.

³⁴ Фуқаролик ҳуқуқи II қисм. Муаллифлар жамоаси Т.: ИЛМ ЗИЁ, 2008 й, - 526 б.

А.А.Иванов суғурта шартномаларини умумий қоидага кўра фақат реал бўлишини таъкидлайди.³⁵

Брагинский М.И ва Витрянский В.В лар эса суғурта шартномасини тузилиш пайтига ва мазмунига қараб реал ва консенсуал шартномалар тоифасига киритадилар. Уларнинг фикрича, контрагентлар ўз ташаббусига кўра шартнома шартларини ўзгартириш ҳуқуқига эга бўлмасдан балки, тегишли қонун асосида тузиладиган шартномалар консенсуал шартномалар деб ҳисоблаб, мажбурий суғурта шартномаларини консенсуал шартномалар тоифасига киритадилар.³⁶

М.И.Брагинский суғурта шартномасини биринчи бадал тўлангач тузилган деб ҳисобланишини эътироф этиб, уларни реал шартномалар тоифасига киритади.³⁷

Ихтиёрий суғурта шартномалари реал шартномалар ҳисобланади. Чунки реал шартномаларда ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг пайдо бўлиши тарафлар ўзаро келишган, шартномани расмийлаштирган бўлишидан ташқари шартнома нарсаси, ашё ёки пулнинг топширилиши талаб қилинади.

Фикримизча, суғурта шартномаларини реал шартномалар тоифасига киритиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бироқ, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 947-моддасида суғурта шартномаси агар унда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, суғурта мукофоти ёки биринчи бадал тўланган пайтдан кучга кириши белгилаб қўйилган. Лекин, ушбу модда мазмунидан келиб чиққан ҳолда фикр билдирадиган бўлсак, тарафларнинг келишувига биноан суғурта шартномаси тузилган пайтдан бошлаб кучга кириши мумкинлигини назарда тутган ҳолда суғурта шартномасини консенсуал шартномалар тоифасига ҳам киритиш мумкин бўлади. Бироқ аксарият ҳолларда суғурта шартномаси суғурта мукофоти ёки биринчи суғурта бадали тўлангандан сўнг кучга киради.

Шу сабабли юқоридаги олимларнинг фикридан, ўзимизнинг нуқтаи назаримиздан келиб чиққан ҳолда суғурта шартномасини фақат реал шартномалар тоифасига киритишни маъқул деб ҳисоблаймиз. Чунки, суғурта шартномаси тузилган пайтдан бошлаб кучга кирса ва бундай ҳолатда суғурта мукофоти тўланмаган бўлса ҳамда суғурта ҳодисаси суғурта бадали тўлангунга қадар юз берса, суғурталовчи суғурта товонини тўлашдан озод этилади. Бу ҳолат эса суғурта қилдирувчида суғурта муносабатларига нисбатан қарашларининг салбий тарафга ўзгаришига ва турли низоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин.

И.И.Степановнинг тадқиқотларида суғурта шартномасининг икки тури “бадалга асосланган суғурта шартномаси” ва “икки тарафлама суғурта шартномаси” ҳақида фикр билидириб ўтилади.³⁸

³⁵ М. Аминжонова “Бозор иқтисодиёти шароитида суғурта хизмати кўрсатишнинг фуқаролик-ҳуқуқий муаммолари” Т.: 2006, -35 б. (Гражданское право. Часть 2/Под.ред. А.П Сергеева и Ю.П.Толстого. –М.: 1997. –с 501)

³⁶ М. Аминжонова “Бозор иқтисодиёти шароитида суғурта хизмати кўрсатишнинг фуқаролик-ҳуқуқий муаммолари” Т.: 2006, -35 б. (Қаранг: Брагинский М.И, Витрянский В.В. Договорное право – М.: Статут. 1998. –с 315).

³⁷ Брагинский М.И. Договор страхования. М.: Статут. 2000, - с 73.

Суғурта шартномасининг биринчи суғурта бадали тўлангандан сўнг кучга киришини ҳисобга олган ҳолда реал шартномалар тоифасига киритиш лозим бўлади. Чунки, суғурта шартномаси тузилган бўлсада, биринчи бадал тўлангандан кейингина кучга киради. Агар суғурта ҳодисаси бадал тўлангунига қадар юз берса суғурталовчи суғурта товонини тўлашдан озод этилади. Шу боисдан ҳам суғурта шартномасини реал шартномалар тоифасига киради деб ҳисоблаш учун барча асослар етралидир.

Суғурта шартномасини шартнома объектига қараб қуйидаги турларини кўрсатиб ўтиш мумкин:

1. Мулкий суғурта шартномаси
2. Шахсий суғурта шартномаси

Баъзи адабиётларда суғурта шартномасининг махсус турлари ҳақида тўхталиб, улар қаторига икки тарафлама суғуртани қайта суғурталаш шартномаси ва қайта суғурталаш шартномаси киритилади.³⁹

Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги қонунда суғурта ҳаётни суғурта қилиш ва умумий суғурта соҳаларига бўлиниши кўрсатиб ўтилган. Ушбу қонунга асосан ҳаётни суғурта қилиш ўз ичига шахснинг ҳаёти, соғлиғи, меҳнат қобилияти ва пул таъминоти билан боғлиқ манфаатларни суғурта қилишни ўз ичига олади. Ушбу ҳолатда ҳаётни суғурта қилиш тушунчаси юқорида келтирилган тушунчаларни тўлиқ қамраб олмаслигини кўришимиз мумкин бўлади. Чунки, инсоннинг ҳаёти, соғлиғи, меҳнат қобилияти, ва пул таъминоти тушунчалари алоҳида мазмунга эга тушунчалар ҳисобланади.

Шахсий суғурта шартномаси – фуқаролик-ҳуқуқий битим бўлиб, унга асосан суғурталовчига суғурта ҳодисаси юз берганида суғурта қилдирувчиларнинг суғурта мукофотини олиши, кўрсатилган муддатларда етказилган зарарни қоплашни ёки суғурта капитали, рента ёки кўрсатиб ўтилган тўлов турларини амалга ошириш мажбуриятини юклайди.⁴⁰

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодексида *Шахсий суғурта шартномаси тушунчаси* берилган бўлиб, унга асосан шартноманинг предмети бўлиб шахснинг ҳаёти ва соғлиғи ҳисобланади. Яъни, Фуқаролик Кодекси ва “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонунда инсоннинг ҳаёти ва соғлиғини суғурта қилиш билан боғлиқ манфаатлар турли тушунчалар орқали ифодаланганлигини кўришимиз мумкин. Фикримизча, “Суғурта фаолияти тўғрида”ги Қонунда ифодаланган ҳаётни суғурталаш соҳаси тушунчасининг ўрнига шахсий суғурта соҳаси тушунчасини ифодалаш юқорида келтирилган шахснинг ҳаёти, соғлиғи, меҳнат қобилияти ва пул таъминоти билан боғлиқ суғурталанадиган манфаатларнинг мазмунини тўлиқроқ очиб беради. Фикримизча, “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги қонунда суғурта соҳаларидан бири сифатида эътироф этилган ҳаётни

³⁸ М.И.Брагинский, В.В.Витрянский. Договорное право. Книга третья М.: Статут, “2008 г, - с 567 (Қаранг: Степанов И. Опыт теории страхового дело. – с 11.).

³⁹ М.И.Брагинский, В.В.Витрянский. Договорное право. Книга третья М.: Статут, “2008 г, - с 569.

⁴⁰ Шахов В.В. “Страхование” М.: Юнити, 2001 г, - с 153.

суғурталаш тушунчаси ўрнига шахсий суғурта ёки шахсий манфаатлар суғуртаси тушунчаларининг ифодланиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Манбаларда шахсий суғуртанинг бирмунча кенг тарқалган турлари сифатида ҳаёт суғуртаси, бахтсиз ҳодисалардан ва касалликлардан суғурталаш ва тиббий суғурта кўрсатиб ўтилади.⁴¹

Суғурта шартномасини тузишнинг шахс хоҳиш иродасига боғлиқлиги ёки қонун ҳужжатлари билан суғурта шартномасини тузишнинг қатъий белгилаб қўйилганлигига қараб суғурта шартномасини ихтиёрий ва мажбурий тартибда тузиладиган турлари мавжуд.

Фуқаролик Кодексининг 914-моддасига биноан суғурта фуқаро ёки юридик шахс (суғурта қилдирувчи) суғурта ташкилоти (суғурталовчи) билан тузадиган мулкӣ ёки шахсий суғурта шартномалари асосида амалга оширилади. Фикримизча, “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасида ифодаланган суғурта тушунчасига мажбурий ва ихтиёрий суғурта жумлаларини қўшган ҳолда ифодалаш, унинг мазмунини янада тўлиқроқ очиб беришга хизмат қилади. Масалан Россия Федерациясининг “Россия Федерациясида суғурта ишини ташкил этиш тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддасида ихтиёрий ва мажбурий суғурта тарифи бериб ўтилган. Ушбу қонунга асосан ихтиёрий суғурта суғурталовчи ва суғурта қилдирувчи ўртасидаги шартномага асосланади. Ихтиёрий суғурта ни тузиш талаблари тартибини қонунларда белгиланган асосларда суғурта қилдирувчининг ўзи мустақил белгилайди. Суғуртанинг конкрет талаблари суғурта шартномасининг хулоса қисмида ифодаланади.⁴²

Ушбу Қонунга асосан мажбурий суғурта деганда Қонун кучи билан тартибга солинган суғурта тушунилади. Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонунида ихтиёрий ва мажбурий суғурта тушунчалари берилмаган бўлсада, Фуқаролик Кодексида Ихтиёрий ва мажбурий суғуртага таъриф берилган.

Ихтиёрий суғуртада суғурта шартномасини тузиш томонларнинг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлади.

Ихтиёрий суғуртада шахс ўз ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкни ўз эрки орқали ихтиёрий суғурта қилдиради. Ихтиёрий суғуртани кенгайтириш учун фуқароларга суғуртанинг афзалликларини тушунтириш, тарғибот олиб бориш муҳим аҳамиятга эга. Шунини таъкидлаш лозимки, 2007 йилга келиб, ихтиёрий шахсий суғурталаш бўйича суғурта хизматлари барқарор суръатлар билан ривожланиб бориб, 80% га ортган. Мулкни суғурталашнинг ихтиёрий турлари эса 48% га ўсганлигини кўриш мумкин.⁴³

Мажбурий суғуртада суғурта шартномасини тузишнинг шартлиги қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилади.

Мажбурий суғурта икки кўринишда намоён бўлади:

1. Бюджет маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган мажбурий давлат суғуртаси

⁴¹ А.М.Гатин. Гражданское право. Учебное пособие. М.: 2008, - с 301.

⁴² Закон Российской Федерации 27 ноября 1992 г. № 4015-1 “Об организации страхового дела в Российской Федерации”

⁴³ Янги қонунлар моҳияти. Т, Илм Зиё. 2009. 233-б.

2. Суғурталанувчининг маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган мажбурий суғурта.

Қонунда қуйидагиларни суғурта қилиш мажбурияти белгилаб қўйилиши мумкин:

Қонунда кўрсатилган бошқа шахсларнинг ҳаёти, ёки мол-мулки уларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига зарар етказилиши эҳтимолини назарда тутиб;

Бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига зарар етказилиши ёхуд бошқа шахслар билан тузилган шартномаларнинг бузилиши оқибатида юзага келиши мумкин бўлган ўзининг фуқаровий жавобгарлиги хавфи.

Мажбурий суғуртада суғурта қилдирувчи суғурталовчи билан суғуртанинг ушбу турини тартибга соладиган қонун ҳужжатларида назарда тутилган шартларда шартнома тузиши шарт.

Фуқаролик Кодексида назарда тутилишича, фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мулкани давлат бюджети маблағлари ҳисобидан мажбурий суғурта қилиш ҳоллари назарда тутилиши мумкин.

Агар мажбурий суғурта бўйича хорижий мамлакатлар тажрибасига эътибор қаратадиган бўлсак, мажбурий суғуртанинг турли кўринишлари борлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Масалан, Германияда суғуртанинг қуйидаги мажбурий турлари белгиланган: ишлаб чиқаришда ёки зарарли меҳнат шароити натижасида ходимга шикаст етказилганлиги натижасидаги зарар учун иш берувчи жавобгарлигининг суғуртаси; транспорт эгасининг фуқаровий жавобгарлигининг мажбурий суғуртаси; фуқаролик авиацияси ҳаракатининг бошқарув бўйича диспетчерлари ва авиаташувчиларининг касбий (фуқаровий) жавобгарлигининг суғуртаси ва ҳ.к.

Хитойда мажбурий шаклдаги ижтимоий суғурталар бирмунча ривожланган. «Меҳнат тўғрисида»ги ХХР қонунига кўра, меҳнаткашлар ва корхоналар ижтимоий суғурталарда иштирок этишга мажбурдирлар ва мунтазам равишда суғурта тўловларини тўлаб борадилар. Ижтимоий суғурта қуйидаги беш турга ажратилади: нафақа суғуртаси, ишсизликдан суғурталаниш, ижтимоий тиббий суғурта, ишлаб чиқаришдаги жароҳатдан суғурталаниш кабилар шулар жумласидандир.

Японияда мажбурий суғурта шартномасининг кенг тарқалган турларидан бири транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси ҳисобланади. Япониянинг “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 5-моддасига асосан, барча транспорт воситалари эгалари ўзларининг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилдириши мажбурийдир. Суғуртанинг ушбу тури билан давлат суғурта компаниялари ва хусусий “Зарарни қоплаш суғурта компаниялари” шуғулланишига рухсат берилган. Шундай бўлса ҳам, суғурта компанияларига нисбатан катта чекловлар мавжуд бўлиб, улар мажбурий суғурта шартномаси тузиш асосида олинган даромадни тўлиқ олиш ҳуқуқига эга эмаслар.

Қонунчилигимизда мажбурий суғуртага оид меъёрлар мавжудлигига қарамай, унинг суғурта бозоридаги улуши нисбатан паст. 2007 йилги

маълумотларга кўра, суғурталашнинг умумий ҳажмида мажбурий суғурта турли шакллари улуши нисбатда паст бўлиб, 6% дан ортмаслиги, халқаро амалиёт талабларига мос бўлган мажбурий суғурталашнинг айрим турлари жорий этилмаётганлиги, мажбурий суғурталашни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишни талаб этади. Одатда, мажбурий суғурта фуқароларнинг ижтимоий, иқтисодий манфаатларини, шунингдек, корхона, ташкилот ва давлатнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жорий қилинади.¹

Мажбурий суғуртанинг яна бир эътиборли томони шундаки, у суғурта бозоридаги рақобат муҳити янада мустаҳкамланишига ижобий таъсир кўрсатади. Бу ўз навбатида суғурта компанияларини тақдим қилинаётган хизматларининг сифатини оширишга ундайди. Бундан ташқари, суғурта компаниялари фаолият майдонининг кенгайишига, хусусан, суғурта хизматларининг узоқ туман ва қишлоқларгача етиб боришига йўл очади.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодексида биноан қуйидагиларни суғурталашга йўл қўйилмайди:

1. Ғайриқонуний манфаатларни суғурталашга;
2. Қимор, лотореялар ва гаров ўйинларида иштирок этишда кўриладиган зарарни суғурталашга;
3. Гаровга олинганларни озод қилиш мақсадида шахс мажбуран қилиши мумкин бўлган харажатларни суғурталашга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва бошқа суғуртага оид қонунлардан келиб чиққан ҳолда, суғурта шартномаларининг бир қатор турларини санаб ўтишимиз мумкин:

Мулкий суғурта шартномасига мувофиқ бир тараф (суғурталовчи) шартномада шартлашилган ҳақ (суғурта мукофоти) эвазига шартномада назарда тутилган воқеа (суғурта ҳодисаси) содир бўлганда бошқа тарафга (суғурта қилдирувчига) ёки шартнома қайси шахснинг фойдасига тузилган бўлса, ўша шахсга (наф олувчига) бу ҳодиса оқибатида суғурталанган мулкка етказилган зарарни ёхуд суғурталанувчининг бошқа мулкий манфаатлари билан боғлиқ зарарни шартномада белгиланган сумма (суғурта пули) доирасида тўлаш (суғурта товони тўлаш) мажбуриятини олади.

Мулкий суғурта шартномаси бўйича қуйидагилар суғурталаниши мумкин:

- Муайян мол-мулкнинг йўқотилиши (нобуд бўлиши), кам чиқиши ёки шикастланиши хавфи;
- Фуқаролик жавобгарлиги хавфи- бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига зарар етказилиши оқибатида юзага келадиган мажбуриятлар бўйича жавобгарлик, қонунда назарда тутилган ҳолларда эса, шунингдек шартномалар бўйича жавобгарлик хавфи;
- Тадбиркорлик хавфи- тадбиркорнинг контрагентлари ўз мажбуриятларини бузиши ёки тадбиркорга боғлиқ бўлмаган вазиятларга кўра бу фаолият шарт-шароитларининг ўзгариши туфайли тадбиркорлик фаолиятидан кутилган даромадларни ололмаслик хавфи.

¹ Янги қонунлар моҳияти. Т.: Илм Зиё, 2009 й, - 233 б.

Япониянинг суғурта қонунчилигига асосан тадбиркорлик хавфини суғурта қилиш суғуртанинг саноат суғуртаси турига киритилган.

Фикримизча, мамлакатимизда ҳам ишлаб чиқариш, савдо, хизмат кўрсатиш соҳаларидаги манфаатларни суғурталаш шунингдек, тадбиркорлик хавфини суғурта қилиш каби тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ суғурталарни мулкӣ суғурта таркибидан чиқариб, шахсий ва мулкӣ суғурта шартномалари каби суғурта шартномасининг алоҳида мустақил тури тадбиркорлик суғуртаси ёки саноат суғуртасини жорий этиш ривожланиб бораётган тадбиркорлик фаолиятини суғурталаш орқали ҳимоя қилишни кучайтиришга ва фуқароларнинг суғурта турлари билан боғлиқ тушунчаларини бойитишга ва уларнинг суғурта турлари ҳақидаги тасаввурларини соддалаштиришга хизмат қилади.

Бугунги кунда мамлакатимизда фуқаровий жавобгарлик хавфини суғурта қилиш тобора кенгайиб, ушбу муносабатлардла тараф сифатида қатнашувчи шахслар доираси ортиб бораётганлигини эътиборга олган ҳолда, Фуқаролик кодексида суғурта шартномасининг алоҳида тури сифатида ифодаланиши фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилишни ҳуқуқӣ тартибга солишда алоҳида амалӣ аҳамиятга эга. Бундан ташқари, фуқаролик жавобгарлигини мулкӣ суғурта шартномасининг таркибига киритиб юборилиши суғурта қилдирувчининг фуқаровий жавобгарликни суғурта қилишнинг асл моҳиятини тушуниб етмаслигига олиб келиши мумкин.

Фуқаровий жавобгарликни суғурталаш ва тадбиркорлик хавфини суғурталаш шартномалари мулкӣ суғурта шартномасининг таркибига киритилган бўлсада, уларни суғурта шартномасининг алоҳида турлари сифатида эътироф этиш мумкин.

Зарар етказганлик учун жавобгарликни суғурта қилиш шартномаси. Бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига зарар етказилиши оқибатида юзага келадиган мажбуриятлар юзасидан жавобгарлоик хавфини суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта қилдирувчининг ўзининг ёки бундай жавобгарлик юкланиши мумкин бўлган бошқа шахснинг жавобгарлик хавфи мажбурий суғурта қилиниши мумкин.

Фуқаролик ҳуқуқӣ жавобгарликни суғурталаш икки турга ажратилади: зарар етказганлик учун жавобгарлик ёки шартнома билан боғлиқ бўлмаган жавобгарлик ва шартнома бўйича жавобгарлик ёки шартномавий жавобгарлик.⁴⁴

Тадбиркорлик хавфини суғурта қилиш. Тадбиркорлик хавфини суғурта қилиш шартномаси бўйича фақат суғурта қилдирувчининг ўз тадбиркорлик хавфи ва фақат унинг фойдасига суғурталаниши мумкин.

Тадбиркорлик хавфини суғурта қилиш шартномаси бўйича қуйидагилар суғурталанади:

- Юридик шахслар мулкани суғурталашнинг барча турлари;

⁴⁴ Гражданское право. Учебник. Том 2 под редакцией А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого М.: Проспект, 2006 г. - с 618.

- Ишлаб чиқариш (тижорат фаолияти) тўхтаб қолиши натижасида даромаддан (фойдадан) маҳрум бўлиш хавфини суғурта қилиш;
- Товар ишлаб чиқарувчининг жавобгарлиги суғуртаси;
- Кредитор суғуртаси (қарздорнинг қарзини қайтармаслиги ва жавобгарлиги хавфи);
- Молиявий мажбуриятларни бажармаслик хавфини (молия ка-фолатларини) суғурта қилиш;
- Техника таваккалчилигини (қурилиш монтаж ишлариб эксплуатация таваккалчилигини) суғурта қилиш;
- Корхоналарнинг ишчиларини ўғирликлар ва камомадлардан суғурта қилиш (камомадли суғурта).

Қайд этилган тадбиркорлик (тижорат, хўжалик) таваккалчилиги билан боғлиқ суғурта қилиш ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим ўрин тутди. Шу сабабли тадбиркорларнинг ўз тадбиркорлик таваккалчилигини турли хил тасодифий суғурта ҳодисларидан ишончли ҳимояси учун бу турдаги суғурта қилишнинг имкониятларидан кенг фойдаланиш тақозо этилади. Тадбиркорларда суғурта маданиятининг қарор топтирилиши, ўз навбатида, жамиятда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади.⁴⁵

Тўлиқ бўлмаган мулкый суғурта шартномаси. Агар мол-мулкни ёки тадбиркорлик хавфини суғурталаш шартномасида суғурта пули суғурта қийматидан кам қилиб белгиланган бўлса, суғурталовчи суғурта ҳодисаси юз берганида суғурта қилдирувчига (наф олувчига) у кўрган зарарни суғурта пулининг суғурта қийматига бўлган нисбатига мутанбосиб равишда қоплаши шарт.

Қўшимча мулкый суғурта шартномаси. Агар мол-мулк ёки тадбиркорлик хавфи фақат суғурта қийматининг бир қисми миқдорида суғурталанган бўлса, суғурта қилдирувчи (наф олувчи) қўшимча суғурта қилишга, шу жумладан бошқа суғурталовчида суғурта қилишга ҳақли, аммо барча суғурта шартномалари бўйича умумий суғурта пули суғурта қийматидан ошиб кетмаслиги лозим.

Турли хилдаги суғурта хавфларидан мулкый суғурта шартномаси. Мол-мулк ва тадбиркорлик хавфи турли хилдаги суғурта хавфларидан ҳоҳ битта, ҳоҳ алоҳида суғурта шартномалари бўйича, шу жумладан турли суғурталовчилар билан тузилган шартномалар бўйича суғурталаниши мумкин.

Шахсий суғурта шартномаси бўйича бир тараф (суғурталовчи) бошқа тараф (суғурта қилдирувчи) тўлайдиган, шартномада шартлашилган ҳақ (суғурта мукофоти) эвазига суғурта қилдирувчининг ўзининг ёхуд шартномада кўрсатилган бошқа фуқаро (суғурталанган шахс) нинг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилган, у муайян ёшга тўлган ёки унинг ҳаётида шартномада назарда тутилган бошқа воқеа (суғурта ҳодисаси) юз берган

⁴⁵ Тадбиркорлик ҳуқуқи. Махсус қисм. – Т.: Консаудитинформ, 2002 й, - 330 б.

ҳолларда шартномада шартлашилган пулни (суғурта пулини) бир йўла ёки вақти – вақти билан тўлаб туриш мажбуриятини олади.

Шахсий суғурта шартномаси бўйича хорижий давлатлар тажрибасига эътибор қаратадиган бўлсак, кўпчилик давлатларда суғурта шартномасининг энг кенг тарқалган тури эканлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Жумладан, Японияда суғурта шартномасининг энг кенг тарқалган тури бўлиб “Ҳаёт суғуртаси” шартномаси ҳисобланади.

Японияда шахсий суғурта 2 катта фойда суғуртаси ва ўзаро ёрдам суғуртаси гуруҳига ҳамда кичик бир-бирга ёрдам кўрсатиш кооперативларига бўлинади.

Фойда суғуртаси шартномасини тузиш билан шуғулланувчи суғурта ташкилотлари фақатгина акционерлик жамиятлари бўлиши керак. Суғурта қилдирувчилар суғурта акционерлик ташкилотлари билан шартнома тузиб, муайян ҳимояга эга бўладилар. Суғурта ташкилотлари эса, суғурта шартномасида белгиланган суғурта пулини жамлаб, келиб чиққан зарарни қоплаб беради.

Ўзаро ёрдам суғуртасида ҳар бир суғурта қилдирувчи суғурта ҳар бир суғурта қилдирувчи билан суғурта ташкилотининг аъзоси сифатида шартнома тузилади. Ташкилотнинг бу суғуртани амалга оширишдан мақсади ўз аъзоларининг манфаатларини ҳимоя қилиш ҳисобланади. Барча маблағлар ўз аъзоларига қайтарилиб берилиши кафолатланган бўлади. Бугунги кунда Японияда ўзаро суғуртани амалга оширувчи баъзи суғурта ташкилотларининг бир неча миллион аъзолари бор.

Фикримизча, мамлакатимизда ҳам шахсий суғурта шартномасини суғурта қилдирувчи билан суғурта компанияси аъзоси сифатида тузувчи ва шу асосда суғурта фаолиятни амалга оширувчи суғурта компанияларининг тузилиши суғурта қилдирувчиларининг манфаатларини янада тўлиқроқ ифода этиш билан биргаликда молиявий жиҳатдан барқарор ва ўз брендига эга суғурта компанияларининг ташкил топишига хизмат қилади.

Фуқаролик кодекси ва бошқа бир қатор суғуртага оид қонунлардан келиб чиққан ҳолда мулкӣ ва шахсий суғурта шартномаларидан ташқари суғурта шартномасининг яна бир қатор турларини санаб ўтиш мумкин. Албатта, қуйида келтириб ўтиладиган шартномаларнинг кўпчилиги мулкӣ суғурта шартномаси таркибига кирсада, амалиётда кенг қўлланилгани сабабли улар ҳақида ҳам маълумот бериб ўтишни лозим деб топдик. Жумладан,

Шартнома бўйича жавобгарликни суғурта қилиш. Шартномани бузганлик учун жавобгарлик хавфини суғурта қилишга қонунда назарда тутилган ҳолларда йўл қўйилади.

Шартномани бузганлик учун жавобгарликни хавфини суғурта қилиш шартномаси бўйича фақат суғурта қилдирувчининг ўзининг жавобгарлик хавфи суғурталаниши мумкин.

Бош полис бўйича суғурталаш – бир турдаги мол-мулк (товарлар, юклар ва хоказонинг) турли туркумларини муайян муддат давомида бир хилдаги шартномаларда мунтазам суғурталаш суғурта қилдирувчининг

суғурталовчи билан келишувига биноан битта суғурта шартномаси – бош полис асосида амлага оширилиши мумкин.

Транспорт воситаси эгасининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси - суғурта шартномаси бўлиб, унга кўра суғурталовчи суғурта ҳодисаси содир бўлганда жабрланувчиларга уларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига ушбу суғурта ҳодисаси оқибатида етказилган зарарнинг ўрнини шартномада шартлашилган ҳақ (суғурта мукофоти) эвазига суғурта пули доирасида қоплаш мажбуриятини олади.⁴⁶

Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси - оммавий шартномадир.

Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурталовчи суғурта ҳодисаси юз берганда иш берувчига ва (ёки) жабрланувчига ёхуд наф олувчига ходим ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан унинг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича шартлашилган ҳақ (суғурта мукофоти) эвазига суғурта пули доирасида қоплаш мажбуриятини олади.

Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси иш берувчи билан суғурталовчи ўртасида тузилади.⁴⁷

Турли хилдаги суғурта хавфларидан мулкӣ суғурта. Мол-мулк ва тадбиркорлик хавфи турли хилдаги суғурта хавфларидан хоҳ битта, хоҳ алоҳида суғурта шартномалари бўйича, шу жумладан турли суғурталовчилар билан тузилган шартномалар бўйича суғурта қилиниши мумкин.

Биргаликда суғурта қилиш шартномаси. Суғурта объекти битта шартнома бўйича бир неча суғурталовчи томонидан ўртада суғурталаниши мумкин (биргаликда суғурта қилиш). Агар бундай шартномада суғурталовчилардан ҳар бирининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган бўлса, улар мулкӣ суғурта шартномаси бўйича суғурта товонини ёки шахсий суғурта шартномаси бўйича суғурта пулини тўлаш учун суғурта қилдирувчи (наф олувчи) олдида солидар жавобгар бўлади.

Ҳаётни аралаш суғурта қилдириш шартномаси. Ҳаётни аралаш суғурта қилдириш шартномасига асосан суғурта ташкилоти белгиланган муддатгача яшаш, меҳнат қобилятни бутунлай ёки қисман йўқотиш, ўлим ҳолатлари рўй берганида зарарни қоплашни ўз ичига олади. Шартнома 16 ёшдан 77 ёшгача шахлар билан 3, 5, 10, 15 ва 20 йил муддатга тузилади (аммо шартнома охирида шахс 80 ёшдан ошмаган бўлиши лозим). Ишламайдиган 1 гуруҳ ногиронлари билан шартнома тузилмайди.⁴⁸

⁴⁶ Транспорт воситалари эгаларининг фуқаровий жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2008 йил, 17-сон, 128-модда.

⁴⁷ “Иш берувчининг фуқаровий жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2009 йил, 16-сон, 197-модда.

⁴⁸ Фуқаролик ҳуқуқи II қисм. Муаллифлар жамоаси Т.: ИЛМ ЗИЁ, 2007 й, - 554 б.

Айрим манбаларда қайта суғурталаш шартномаси ҳақида ҳам фикрлар билдирилиб ўтилади. Уларда қайта суғурталаш шартномасининг икки тури, яъни факултатив ва облигаторлик қайта суғурталаш шартномаси кўрсатиб ўтилади.⁴⁹

Факултатив қайта суғурталаш – пропорционал қайта суғурталаш шартномасининг тури. Факултатив қайта суғурталашда ҳар бир берилаётган таваккалчилик бўйича алоҳида шартнома тузилади. Цедент ҳар бир таваккалчилик бўйича қайта суғурталаш зарурлиги ёки зарур эмаслиги масаласини мустақил кўриб чиқади. Ўз навбатида, қайта суғурталовчи ҳам цедентнинг таклифини қабул қилиши ёки қабул қилмаслиги ҳам мумкин.

Факултатив облигатор қайта суғурталаш шартномаси – цедент қайта суғурталовчи билан келишган тоифадаги ҳар қандай суғурта таваккалчилигини бериши, қайта суғурталовчи эса уларни қабул қилиш шарт эканлиги ҳақида қайта суғурталаш шартномаси ҳисобланади.⁵⁰

Икки томонлама суғурта - фуқаролар ва юридик шахслар ўз мол-мулкларни ҳамда ФКнинг 915-моддаси иккинчи қисмида кўрсатилган бошқа мулкӣ манфаатларини икки тарафлама асосда, бунинг учун икки томонлама суғурта қилиш жамиятларида зарур маблағларни бирлаштириш йўли билан суғурта қилишлари мумкин.

2.2. Суғурта шартномасининг объектлари

Шартнома объекти шартнома туридан келиб чиққан ҳолда турли объектлар предметлар, ишлар, хизматлар, манфаатлар кабилар бўлиши мумкин. Шартнома объектининг мавжуд бўлиши шартномани ҳақиқий саналишининг муҳим шартларидан бўлиб, объектнинг бўлмаслиги шартномани ўз-ўзидан ҳақиқий эмаслигини келтириб чиқаради.

Суғурта шартномасининг объектларини умумий тарзда икки гуруҳга яъни мулкӣ суғурта шартномаси билан боғлиқ бўлган мулкӣ манфаатлар ва шахсий суғурта шартномаси билан боғлиқ бўлган шахсий манфаатларга бўлиш мумкин.

Суғурта шартномасининг объектлари шартнома туридан келиб чиқади. Маслан, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосили суғуртаси шартномаси бўйича шартнома объекти қишлоқ хўжалиги экинлари ҳисобланса, транспорт воситалари эгаларининг фуқаровий жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасига асосан суғурта шартномаси объекти транспорт воситаси эгасининг фуқаровий жавобгарлиги ҳисобланади.

Баъзи манбаларда суғурта объектлари сифатида қуйидагилар эътироф этилади:

1. Мулкӣ манфаатлар;

⁴⁹ Шахов В.В. “Страхование” М.: Юнити, 2001, - с. 198-199.

⁵⁰ Суғурта агентлари учун қўлланма/ и.ф.н Ҳ.М.Шеннаев. – Т.: 2010, - 126 б.

2. Мулкка эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ва бу ҳуқуқларни муҳофаза қилиш билан боғлиқ манфаатлар;
3. Ҳаётни, соғлиқни ва меҳнат қобилятини муҳофаза этиш;
4. Суғурта қилдирувчининг бирор-бир фаолият натижасида етказган зарарни қоплаш билан боғлиқ манфаатлар.⁵¹

Юқорида келтирилган манфаатлар суғурта шартномасининг объектлари сифатида ҳам эътироф этилади. Албатта суғурта объектларининг юқорида келтирилган таснифи суғурта шартномасининг барча объектларини ифодаламасида, уларни деярли қўпчилигини қамраб олган.

Шахсий суғурта шартномасининг объектлари бўлиб, суғурта қилдирувчининг мулкӣ манфаатлар билан боғлиқ бўлган белигланган ёшга етиши, вафоти ёки ҳаётида юз бериши мумкин бўлган бошқа ҳодисалар, шунингдек, шахснинг ҳаёти, соғлиғига тиббий хизмат кўрсатиш жараёнида зарар етказиш (бахтсиз ҳодисалар ва касалликлардан) қабила ҳисобланиши мумкин.

Мулкӣ суғурта шартномасининг объектлари:

1. Мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш билан боғлиқ турли мулкӣ манфаатлар бўлиши мумкин (мулкӣ суғурта).
2. Бошқа шахсга етказилган зарарни қоплаш билан боғлиқ мажбурияти (фуқаровий жавобгарлиги);
3. Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш (тадбиркорлик хавфи суғуртаси).⁵²

Суғурта шартномасининг объектларини суғурта шартномасининг баъзи турлари бўйича кшриб чиқадиган бўлсак, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш шартномаси бўйича шартнома объекти бўлиб, йўл транспорт ҳодисаси натижасида суғурта қилдирувчининг бошқа шахсларнинг ҳаётига, соғлиғига ёки мулкига етказиши мумкин бўлган зарари ҳисобланади.

Иш беручининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасига асосан эса шартнома объекти бўлиб ходим ўз меҳнат вазибаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллиғига чалиниши ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан унинг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича иш берувчи ўз фуқаролик жавобгарлиги ҳисобланади.

Умуман олганда, суғурта шартномасининг объекти қандай манфаат бўлиши шартнома турига боғлиқ бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида ва “суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонунда ва суғурта билан боғлиқ бошқа қонунларда ҳам суғурта шартномаси объектига ҳуқуқӣ таъриф берилмаган.

Суғурта объектига таъриф Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майда қабул қилинган “Суғурта тўғрисида”ги Қонунида қуйидагича таъриф берилган эди: “Бу фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи, меҳнат қобиляти,

⁵¹ Пиляева.В.В. Гражданское право с образцами договоров. Учебное пособие. М.: Инфра, - с 181-182.

⁵² Справочник по гражданскому праву от А до Я. Ростов-на-Дону.: Феникс, 2007, - с 277.

фуқаролар ва юридик шахсларнинг мол-мулки, моддий бойликлари, жавобгарлик мажбуриятлари, мулкӣ ҳамда мулкка оид бўлмаган ҳуқуқлари ёки манфаатлари ҳисобланади”.

“Суғурта тўғрисида”ги Қонун бекор қилинганлиги боис, ФКда ёки “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонунда суғурта объекти ва суғурта шартномаси объектларининг ҳуқуқӣ таърифини бериш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига асосланган ҳолда мулкӣ суғурта шартномасининг объектларини мулкӣ суғурта шартномасининг турларидан келиб чиққан ҳолда қуйидагича таснифлаш мумкин:

1. Муайян мулкнинг йўқотилиши (нобуд бўлиши), кам чиқиши ёки шикастланиши хавфи;

2. Фуқаролик жавобгарлиги хавфи- бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига зарар етказилиши оқибатида юзага келадиган мажбуриятлар бўйича жавобгарлик, қонунда назарда тутилган ҳолларда эса, шунингдек шартномалар бўйича жавобгарлик хавфи;

3. Тадбиркорлик хавфи- тадбиркорнинг контрагентлари ўз мажбуриятларини бузиши ёки тадбиркорга боғлиқ бўлмаган вазиятларга кўра бу фаолият шарт-шароитларининг ўзгариши туфайли тадбиркорлик фаолиятдан кутилган даромадларни ололмаслик хавфи.

Шахсий суғурта шартномаси бўйича чет эл давлатларининг тажрибасига назар соладиган бўлсак, Германияда, аҳолининг ёши чегараланмаганлигини, аксинча, суғурталанаётган шахснинг ёшига, яъни суғурта хавфини ошиб боришига қараб, суғурта бадаллари миқдорининг ошиб боришини кузатамиз.⁵³

Мамлакатимизда ҳаётни суғурталаш бўйича аҳолининг ёши чегараланган бўлиб, 80 ёшни ташкил этади.

М.Аминжонова шахсий суғурта шартномасига нисбатан қўйилган бундай чеклов фуқароларнинг суғурта ҳуқуқини камситиш ҳисобланишини чунки, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида барча фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги белгилаб қўйилганлигини таъкидлайди.⁵⁴

М.Аминжонованинг юқоридаги фикрларига қўшилган ҳолда ҳаётни суғурталашга нисбатан ёш цензини қўлламасликни маъқул деб ҳисоблаймиз. Чунки ҳаётни суғурталаш шартномаларига нисбатан муайян ёш цензини қўллаш фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган ҳуқуқларни бузилишга сабаб бўлиши мумкин. Лекин масаланинг яна бир тарафи бор. Суғурта ташкилотлари томонидан ҳаётни суғурталаш шартномалари бўйича суғурта қилдирувчиларга нисбатан ёш цензини қўланилиши уларнинг иқтисодий манфаатлари билан ҳам боғлиқ. Шу сабабли ушбу масалани чуқур илмий тадқиқ этиш ва қайтадан кўриб чиқиш зарурати юзага келади.

⁵³ “Структури рыночной экономики”. Глава из книги Германия. Факти. с - 48

⁵⁴ М.Аминжонова. Бозор иқтисодиёти шароитида суғурта хизмати кўрсатишнинг фуқаролик-ҳуқуқӣ муаммолари. Т.: 2006, - б 56.

Баъзи суғурта шартномалари бўйича суғурта шартномаси объектининг ёши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Масалан, никоҳни суғурталаш шартномасига асосан (тўй суғуртаси) ота-оналар (бошқа қариндошлар) томонидан тузилиб, бунда суғурта қилдирувчилар 18-72 ёшгача, бироқ суғурта муддати тамом бўлганида 75 ёшдан ошмаган бўлишлари лозим.

Болани суғурталаш шартномаси бўйича суғурта объекти ҳисобланмиш боланинг ёши 15 дан ошмаган бўлиши лозим.⁵⁵

Шахсий суғурта шартномаларининг объектлари ичида шахснинг ҳаёти ва соғлиғи суғурта шартномаси объектлари орасида кенг миқёсда тарқалганлиги билан ажралиб туради.

ФКнинг 916-моддасига мувофиқ қуйидагилар суғурта шартномасининг объекти бўлиши мумкин эмас:

- Қимор, лоторея ва гаров ўйинларида иштирок этишда қўриладиган зарар;
- Гаровга олинганларни озод қилиш мақсадида шахс мажбуран қилиши мумкин бўлган харажатлар.⁵⁶

Бугунги кунда суғурта хизматлари бозори жадаллик билан ривожланиб бориши натижасида кўрсатилаётган суғурта хизматлари турлари кўпайиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида суғурта шартномасининг объекти бўлиши мумкин бўлган муносабатларнинг ҳам кўпайиб боришига шароит яратади. Суғурта шартномаси билан боғлиқ муносабатларнинг ривожланиб бориши суғурта объектига оид ҳуқуқий нормани қонунчиликда акс эттириш талабини юзага келтиради. Шунинг учун суғурта шартномасига оид ҳуқуқий нормаларнинг такомиллаштириш жараёнида суғурта шартномаси объектига ҳам таъриф бериб ўтилиши мақсадга мувофиқдир.

2.3. Суғурта шартномасининг тарафлари

Суғурта шартномасининг тарафлари сифатида суғурталовчи ва суғурта қилдирувчи эътироф этилиб, улар суғурта шартномаси тузиш орқали ўзаро ҳуқуқий муносабатларга киришадилар.

Тегишли турдаги суғуртани амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган ва суғурта шартномасига мувофиқ суғурта товони (суғурта пули) тўловини амалга ошириш мажбуриятини олувчи тижорат ташкилоти бўлган юридик шахс суғурталовчи деб эътироф этилади.

В.Галагановнинг фикрича, “суғурталовчи – қонунчиликка асосан суғурталаш, қайта суғурталаш, ўзаро суғуртани амалга ошириш мақсадида тузилган ва ўрнатилган тартибда лицензия олган юридик шахсдир”.⁵⁷

Х.Собировнинг таъкидлашича, суғурталовчи – етказилган зарарни суғурта ҳақидаги қонун ёки суғурта шартномаси асосида шартларни кўзда тутиб қоплашни ўз зиммасига олувчи ташкилотдир.⁵⁸

⁵⁵ Фуқаролик ҳуқуқи II қисм. Муаллифлар жамоаси Т.: ИЛМ ЗИЁ, 2008 й, - 554 б.

⁵⁶ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Расмий нашр. –Т.: Адолат, 2007 й, - 385-386 б.

⁵⁷ Д.Маҳмудов. Суғурта хизматлари турлари: миллий ва хорижий тажриба.// Ҳуқуқ ва Бурч, 2010 йил 2-сон, -57 б. (қаранг: В.П.Галаганов. Страхование дело. –Москва.: Издательский центр “Академия”, 2006 г. – С. 14.)

К.Трубиннинг фикрича, “суғурталовчи суғурта бозорининг профессионал субъекти, шартномага асосан майян тўлов ҳисобидан бошқа томоннинг мулкӣ манфаатларини суғурталаш орқали ҳимоя қиладиган ва шу орқали суғурта қилинган хавф (таваккалчилик) юзага келганда суғурта товонини (таъминотини) бериш мажбуриятини зиммасига олувчи ҳуқуқӣ муносабатлар иштирокчисидир”.⁵⁹

Суғурталовчилар суғуртани амалга оширишга бевосита боғлиқ бўлмаган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари мумкин эмас, ушбу Қонуннинг 6¹-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Суғурталовчи суғурта фаолиятини амалга оширишда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- қонун ҳужжатларида белгиланадиган тартибда ва шартларда суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномалари тузиш;
- ўз мажбуриятларини белгиланган тартибда қайта суғурта қилиш, шу жумладан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида қайта суғурта қилиш;
- махсус ваколатли давлат органи белгилайдиган тартибда ва шартларда инвестиция фаолиятини амалга ошириш;
- суғурта (қайта суғурта қилиш) соҳасидаги мутахассислар ма-лакасини ошириш билан боғлиқ фаолиятни, шунингдек суғурта агенти сифатида суғурта воситачилигини амалга ошириш;
- суғурта ҳодисалари юз беришининг олдини олиш ва огоҳлантириш чора-тадбирларини махсус ваколатли давлат органи белгилайдиган тартибда ва шартларда молиялаштириш;
- суғурталовчи томонидан амалга ошириладиган суғурта турларига доир қоидаларни (шартларни) қонун ҳужжатларига мувофиқ белгилаш;
- суғурта товони миқдорини белгилаш учун зарур бўлган тегишли ахборот ва ҳужжатларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан, судлар, тиббиёт, сейсмология, ветеринария, гидрометеорология ташкилотлари ҳамда бошқа ташкилотлардан белгиланган тартибда сўраш ва олиш;
- суғурта агентлари, суғурта ва қайта суғурта брокерлари, суғурта бозорининг бошқа профессионал иштирокчилари билан тегишли шартномалар тузиш;
- суғурта товони тўлашни қонун ҳужжатларида ва (ёки) суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномасида белгиланган ҳолларда ҳамда тартибда рад этиш, суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномасини муддатидан илгари бекор қилиш;
- суғурта қилдирувчи томонидан тақдим этилган ахборотни текширишни, суғурта қилдирувчининг суғурта шартномаси талаблари ва шартларини бажариши устидан назоратни суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномасида назарда тутилган тартибда амалга ошириш;

⁵⁸ Д.Маҳмудов. Суғурта хизматлари турлари: миллий ва хорижий тажриба.// Ҳуқуқ ва Бурч, 2010 йил 2-сон, -58 б. (қаранг: Х.Собиров. Суғурта. – Тошкент.: Меҳнат – 1998 й – б.28)

⁵⁹ Ўша манба. (қаранг: К.Е.Трубина. Теория и практика. Учебное пособие. – Москва.: Анкил, 2003 г. – С 60-61.)

- чет эл суғурталовчиларига сюрвейер ва аджастер хизматлари кўрсатиш;

- илгари суғурталовчи томонидан ўз эҳтиёжлари учун олинган ёки суғурта шартномасини амалга ошириш натижасида унинг ихтиёрига ўтган мол-мулкни реализация қилиш ёки ижарага бериш;

- Ўзбекистон Республикасининг рейтинг ташкилотлари ва чет эл рейтинг ташкилотлари рейтингларини олиш;

- ўзининг алоҳида бўлинмаларини ташкил этиш.

Суғурталовчи қонун ҳужжатларига ва ўзи тузган шартномаларга мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Суғурталовчи:

- суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиши;

- суғурта фаолиятини амалга ошириш чоғида олинган ахборотнинг махфийлигини қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ таъминлаши;

- ўзи ваколат берган суғурта агентларининг реестрини юритиши;

- қонун ҳужжатларида белгиланган ахборотни махсус ваколатли давлат органининг талабига биноан тақдим этиши;

- суғурта ҳодисаси юз берган тақдирда, қонун ҳужжатларида ёки суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномасида назарда тутилган муддатларда барча зарур ҳисоб-китобларни амалга ошириши ва суғурта товони тўлаши;

- фирманинг номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли ёки жойлашган ери ўзгарган тақдирда, бу ҳақдаги ахборотни суғурта қилдирувчиларга ушбу Қонунда белгиланган тартибда етказиши;

- суғурта захираларини махсус ваколатли давлат органи белгилайдиган тартибда ва шартларда шакллантириши ҳамда жойлаштириши;

- қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳар йили мажбурий аудиторлик текширувидан ўтиши;

- махсус ваколатли давлат органи белгилаган тартибда бир йилда камида бир марта актуарийни (актуар ташкилотни) актуар хизматлар кўрсатиш учун жалб этиши;

- махсус ваколатли давлат органи белгилаган шаклда, тартибда ва муддатларда йиллик молиявий ҳисоботни эълон қилиши;

- қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисобини юритиши, молиявий, статистика, солиқ ҳисоботларини ва бошқа ҳисоботларни тузиши шарт.

Суғурталовчининг зиммасида қонун ҳужжатларига ва ўзи тузган шартномаларга мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида суғурта қилдирувчи каби суғурталовчининг ҳам ҳуқуқ ва мажбуриятлари ёритиб берилмаган. Манбаларда суғурта шартномаси билан боғлиқ муносабатларни тахлили натижасида суғурталовчининг бевосита суғурта шартномаси билан боғлиқ муносабатлардаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари сифатида қуйидагилар кўрсатиб ўтилади:

Суғурталовчининг ҳуқуқлари:

1. Суғурта шартномасининг амал қилиш муддати давомида суғурталанган мол-мулкнинг аҳволи ва қийматини ҳамда Суғурталанувчи томонидан суғурталанган мол-мулк ҳақида тақдим этилган маълумотлар тўғрилигини текшириш;

2. Суғурта ҳодисаси юз бергани ҳақида Суғурталанувчининг хабар беришини кутмасдан суғурта ҳодисалари оқибатида етказилган зарарларни кўриб чиқиш ва баҳолашни бошлаш;

3. Суғурта ҳодисаси юз берганда таваккалчилик даражасини ифодаловчи қўшимча ҳужжатларни талаб қилиш;

4. Суғурта ҳодисаси содир бўлгани ва унинг келиб чиқиши сабабларини тасдиқловчи керакли ҳужжатлар ва тўлиқ маълумотга эга бўлмагунга қадар ҳамда воқеа юзасидан жиноий иш қўзғатилганда тегишли ташкилотлар томонидан тегишли қарор қабул қилингунга қадар суғурта қопламасини тўлашни кейинга суриш;

5. Суғурта таваккалчилигининг даражаси ошишига олиб келадиган сабаблар ҳақида огоҳлантирилган тақдирда суғурта шартномаси шартларини ўзгартириш.

Суғурталовчининг мажбуриятлари:

1. Суғурта полисини _____ кун ичида бериш;

2. Суғурта шартномасида белгиланган суғурта ҳодисаси юз берганини тан олганидан ва керакли барча маълумотларга эга бўлганидан сўнг суғурта қопламасини _____ кун ичида тўлаш;

3. Суғурта қопламаси тўланмайдиган бўлса, суғурта қопламасини тўламаслик ҳақида қарор қабул қилингандан бошлаб 15 кун мобайнида Суғурталанувчини хабардор қилиш;

4. Суғурталанувчи, наф оловчи билан муносабатлардаги махфийликни таъминлаш.⁶⁰

Суғурталанувчи – қонунга мувофиқ суғурта шартномасини тузган юридик шахслар ва муомалага лаёқатли жисмоний шахслар. Суғурталанувчилар суғурталовчилар билан учинчи шахсни суғурталаш ҳақида шартномалар тузиш ҳуқуқига эгадирлар. Суғурталанувчилар суғурта шартномаларини тузиш пайтида суғурта тўловларини олиш учун жисмоний ёки юридик шахсларни шартномага кўра белгилашлари ва уларни ўз хоҳишига кўра суғурта ҳодисаси рўй бергунга қадар ўзгартиришлари мумкин.⁶¹

Суғурта қилдирувчи – суғурталовчи билан ихтиёрий ёки қонунда назарда тутилган ҳолларда мажбурий суғурта шартномасини тузган муомалага лаёқатли жисмоний шахс ва юридик шахслардир.⁶²

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида суғурта қилдирувчининг суғурта шартномаси билан боғлиқ муносабатлардаги

⁶⁰ Суғурта агентлари учун қўлланма/ и.ф.н Х.М.Шеннаев. – Т.: 2010, - 199-200 б.

⁶¹ Ўзбекистон юридик энциклопедияси. –Т.: Адолат. 2009, 436-б.

⁶² Закон Российской Федерации 27 ноября 1992 г. № 4015-1 “Об организации страхового дела в Российской Федерации”

ҳуқуқий мақоми, яъни ҳуқуқ ва мажбуриятларига оид ҳуқуқий нормалар учрамайди. Фикримизча, Суғурта қилдирувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятларининг қонунчиликда конкрет ифодасини топмаганлиги суғурта шартномасига оид ҳуқуқий муносабатларда суғурта қилдирувчи ҳуқуқларининг чекланишига ёки мажбуриятларининг ортиб кетишига сабаб бўлиши мумкин. Шу боисдан Суғурта қилдирувчининг ҳуқуқий мақомини қонунчиликда ифодалаш талаб сифатида намоён бўлади.

Суғурта шартномаси билан боғлиқ муносабатларни таҳлил қилиш асосида суғурталанувчининг қуйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларини кўрсатиб ўтиш мумкин:

Суғурталанувчининг ҳуқуқлари:

Суғурта шартномасининг амал қилиш муддати давомида суғурта масалалари бўйича Суғурталовчилардан маслаҳатлар олиш;

Суғурта ҳодисаси юз берганда Суғурталовчидан суғурта қопламасини олиш;

Суғурта ҳодисаси юз берганда мустақил экспертиза ўтказилишини талаб қилиш;

Барча мулкни ва алоҳида объектларни ва алоҳида объектларни қўшимча суғурта қилиш;

Суғурталовчи билан келишилган ҳолда суғурта шартномасига қўшимча ва / ёки ўзгартиришлар киритиш;

Шартномани Суғурталовчини огоҳлантириш шарти билан муддатидан аввал бекор қилиш.

Суғурталанувчининг мажбуриятлари:

- Суғурта шартномасида белгиланган муддатларда суғурта мукофотини тўлаш;

- Суғурта объекти ҳақида Суғурталовчига тўлиқ ва аниқ маълумотлар бериш;

- Суғурта объектини кўриқдан ўтказишга имконият яратиш;

- Суғурталовчига таваккалчиликдаги сезиларли ўзгаришлар содир бўлган тақдирда дарҳол хабар бериш, масалан қуйидагилар ҳақида:

- Суғурталанган объектни бошқа шахс ихтиёрига ўтиши, мулкни гаровга ёки ижарага берилиши ҳақида (сотиб олувчи, гаровга олувчи ёки ижарачининг номи ва манзилини кўрсатган ҳолда);

- Суғурталанган мол-мулк жойлашаган ўрнининг ўзгаргани, иншоотни қайта жиҳозлаш, қайта қуриш ёки уларни бошқа мақсадларда ишлатилиши ҳақида;

- Ишлаб чиқаришнинг тўхтатилгани ёки фаолияти ўзгаргани тўғрисида;

- Мол-мулкнинг нобуд бўлиши ёки зарарлангани ҳақида, зарарлар қопланиши мумкин ёки мумкин эмаслигидан қатъи назар;

- Суғурталанган бинода ёки унга алоқадор бўлмаган яқин жойда ёнғиндан хавфли, портловчи ёки бошқа нарсаларнинг сақланиши ҳақида.

- Талабга кўра содир бўлган суғурта ҳодиса ҳақида тегишли давлат органларига дарҳол хабар бериш;

- Содир бўлган воқеа юзасидан жиноий иш қўзғатилганлиги, тўхтатилганлиги ёки ишнинг судга оширилганлиги ҳақида тергов органлари томонидан тасдиқланган қарорларнинг нусхасини Суғурталовчига тақдим этиш;

- Суғурталовчига зарарланган мол-мулкни кўздан кечириш учун имконият яратиш ёки мол-мулкнинг зарарланган қисмларини суратга ёки видеотасвирга олиб бериш;

- Суғурталанган мол-мулкнинг шароитини шартноманинг амла қилиш муддати давомида ҳамда Суғурталанувчи томонидан суғурталанган

мол-мулк ҳақида тақдим этилган маълумотларни текширишга Суғурталовчига имконият яратиш.⁶³

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 946-моддасига биноан мол-мулкни суғурталаш шартномасини тузган суғурта қилдирувчи вафот этган тақдирда, суғурта қилдирувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бу мол-мулкни мерос тартибида қабул қилиб олган шахсга ўтади. Мулк ҳуқуқи ўтишининг бошқа ҳолларида суғурта қилдирувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, агар шартномада ёки қонун ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, суғурталовчининг розилги билан янги мулкдорга ўтади. Яъни суғурта шартномасининг тарфларидан бири бўлган суғурта қилдирувчи алмаштирилади.

Айрим давлатлар қонунчилигида суғурта қилдирувчининг ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш учун алоҳида ҳуқуқий нормалар яратилган. Жумладан, Англиянинг “Суғурта қилдирувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига асосан суғурта ҳодисаси юз берганида суғурта шартномасида кўрсатилган суғурта мукофотини ўз вақтида тўлашни кафолатлаш учун суғурта компанияси томонидан товон тўлаш фонди ташкил этилиши шартлиги белгилаб қўйилган.⁶⁴

Ўзбекистон Республикасида ҳам суғурта қилдирувчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ қонуннинг ишлаб чиқилиши суғурта қилдирувчининг суғурта ҳодисаси юз берганида ёки суғурта компанияси банкрот деб эълон қилинганда суғурта мукофотини ва суғурта бадалини ўз вақтида олишини ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлашга, аҳолининг суғурта шартномасини тузишга бўлган хоҳиш-истакларини рағбатлантиришга, аҳолининг суғурта компанияларига бўлган ишоничининг ортишига хизмат қилади.

2.4. Суғурта шартномаларини тузиш, расмийлаштириш, амалга ошириш ва бекор бўлиш тартиби

Суғурта шартномаси битта ҳужжатни тузиш ёхуд суғурталовчи томонидан суғурта қилдирувчига унинг ёзма ёки оғзаки аризасига биноан суғурталовчи имзолаган, суғурта шартномасининг шартларини ўз ичига олган суғурта полиси (шаҳодатномаси, сертификати, квитанцияси) ни топшириш йўли билан тузилиши мумкин.⁶⁵ Бу ҳолда суғурта суғурталовчи таклиф қилган шартларда шартнома тузишга рози эканлиги суғурталовчидан кўрсатилган ҳужжатларни қабул қилиб олиш ва суғурта мукофоти тўлаш ёхуд суғурта мукофоти бўлиб-бўлиб тўланганда биринчи бадални тўлаш орқали тасдикланади.

Суғурта шартномаси, агар унда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, суғурта мукофоти ёки биринчи бадал тўланган пайтдан кучга киради.⁶⁶

⁶³ Суғурта агентлари учун қўлланма/ и.ф.н Ҳ.М.Шеннаев. – Т.: 2010, - 199-200 б.

⁶⁴ Косаренко Н.Н. “Страхование право” М.: Флинта, 2008 г, - с 271.

⁶⁵ Гражданское право. Учебник. Том 2 под редакцией А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого М.: Проспект, 2006 г, - с 590.

⁶⁶ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Рсмий нашр. – Т.: 2007 й, - 399 б.

Суғурта шартномаси қайси муддатга тузилган бўлса, шартнома кучга кирган санадан то у амалда бўлган санагача давом этади, яъни кучга кирган санадан бир кун олдин тугайди. Масалан суғурта шартномаси бир йил муддатга тузилади ва 2008 йил 5 октябрда кучга кирди. Унинг амал қилиш муддати 2009 йил 4 октябрда тугайди. Баён этилган мзкур тартиб илк марта тузилаётган суғурта шартномалари ёки олдин тузилган ва амал қилиш муддати тугагандан сўнг янги муддатга расмийлаштирилаётган шартномалар учун қўлланилади. Шунингдек, бундай тартиб суғурта суммаси миқдори ошиши билан боғлиқ қўшимча келишувларни имзолашда ҳам қўлланилади.

Транспорт воситасини суғурта қилишда суғурта шартномаси, агар бу транспорт воситаси автосалондан сотиб олинаётган бўлса, шу заҳоти суғурта шартномаси расмийлаштирилади, аммо унинг кучга кириши транспорт воситасини ҳақиқатда олган кундан бошланади.

Жисмоний шахсларга тегишли уй-жой, иншоотлар ва транспорт воситаларини суғурта қилиш бўйича асосий шартнома амалда бўлган даврда суғурта қилдирувчининг таклифига асосан суғурта суммаси миқдорини ошириш бўйича қўшимча келишувга эришилиши мумкин. Бундай ҳолатда ҳам асосий шартномада, ҳам қўшимча келишувда кўрсатилган уй-жойлар, иншоотлар ва транспорт воситасининг умумий суғурта суммаси уларнинг амалдаги нархларидан келиб чиққан ҳолдаги (эскириш суммаси ҳисобга олинган ҳолда) қийматидан ошиб кетиши мумкин эмас.⁶⁷

Суғурта шартномаси тузиш учун шахс ариза билан суғурта компаниясига мурожаат қилади. Аризада суғурта қилдирувчининг исми-шарифидан ташқари қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

1. суғуртанинг тури;
2. қўшимча кафолатлар;
3. суғурта суммаси;
4. суғурта шартномасининг амал қилиш муддати;
5. суғурта мукофотларини тўлаш муддатлари;
6. суғурта шартномасининг кучга кириш муддати.⁶⁸

Ариза суғурта қилдирувчининг ўз қўли билан, зарурият бўлганда унинг илтимосига кўра ва сўзларини эътиборга олиб агент томонидан тўлдирилади. Суғурта шартномаларининг турларига қараб аризада суғурта қилдирувчининг туғилган йили ёки фақат ёши кўрсатилади. Масалан, ҳаётни аралаш суғурталаш шартномасида ва никоҳ суғуртаси шартномаси бўйича аризада суғурта қилдирувчининг туғилган йили эмас, балки ариза берган пайтда неча ёшда эканлиги, яъни 25 ёш ва ҳоказо.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида ва суғурта муносабатларини тартибга солувчи бошқа қонунларда ҳам суғурта шартномаси тузиш учун ариза билан мурожаат қилиш тартиби, аризанинг мазмунига оид нормалар учрамайди. Суғурта шартномаси билан боғлиқ муносабатлар Фуқаролик Кодекси билан тартибга солинишини ҳисобга олган

⁶⁷ Суғурта агентлари учун қўлланма/ и.ф.н Ҳ.М.Шеннаев. – Т.: 2010, - 99 б.

⁶⁸ Шахов В.В. “Страхование” М.: Юнити, 2001 г., - с 156.

ҳолда, ва ариза билан мурожаат қилиш ихтиёрий суғурта шартномаси тузиш учун дастлабки босқичи эканлигини ҳисобга олган ҳолда ариза билан мурожаат қилиш тартиби ва аризанинг мазмуни билан боғлиқ ҳуқуқий нормаларнинг киритилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Суғурта шартномаси тузиш учун ариза билан мурожаат қилиш тартиби ва аризанинг мазмуни тўғрисидаги қоидаларнинг киритилиши суғурта шартномаси билан боғлиқ қонунчиликнинг такомиллашувида ва суғурта қилдирувчиларнинг суғурта шартномаси, уни тузиш тартиби тўғрисидаги тушунчаларининг кенгайишида муҳим аҳамият касб этади.

Ихтиёрий суғуртани амалга ошириш шахснинг ўз хоҳиш-иродасига кўра суғурталовчи билан шартнома тузиш асосида амалга оширилади.

Фуқаролик кодексининг 922-моддасида фуқарога ўз ҳаёти ёки соғлиғини суғурталаш мажбурияти қонун билан юклатилиши мумкин эмаслиги таъкидланган. Демак, фуқаро ўз ҳаёти ёки соғлиғини суғурталашни фақат ихтиёрий суғурта орқали амалга оширади. Яъни фуқаронинг ҳаёти ёки соғлиғини суғурталаш давлат томонидан, бюджет маблағлари ҳисобига мажбурий тартибда амалга оширилиши мумкин. Лекин, фуқаронинг ўз маблағлари ҳисобидан унга мажбурий тарзда ўз ҳаёти ёки соғлиғини суғурталашни юклаш мумкин эмас.

Мажбурий суғурта бундай суғурта қилиш мажбурияти юкланган шахс (суғурта қилдирувчи) суғурталовчи билан суғурта шартномаси тузиши воситасида амалга оширилади.

Шахов Суғурта шартномасини амал қилиш муддатига кўра уч гуруҳга ажратади:

1. Қисқа муддатли суғурта шартномаси (1 йилдан камроқ);
2. Ўрта муддатли суғурта шартномаси (1 йилдан 5 йилгача);
3. Узоқ муддатли суғурта шартномаси (6 йилдан 15 йилгача).⁶⁹

Суғурта шартномаси ёзма шаклда тузилиши лозим. Бу талабга риоя этмаслик шартноманинг ҳақиқий саналмаслигига сабаб бўлади.

Суғурта шартномаси битта ҳужжатни тузиш ёхуд суғурталовчи томонидан суғурта қилдирувчига унинг ёзма ёки оғзаки аризасига биноан суғурталовчи имзолаган, суғурта шартномасининг шартларини ўз ичига олган суғурта полиси (шаҳодатномаси, сертификти, квитанцияси)ни топшириш йўли билан тузилиши мумкин. Бу ҳолда суғурта қилдирувчининг суғурталовчи таклиф этган шартларда шартнома тузишга рози эканлигисуғурталовчидан кўрсатилган ҳужжатларни қабул қилиб олиш ва суғурта мукофоти тўлаш ёхуд суғурта мукофоти бўлиб-бўлиб тўланганда – биринчи бадални тўлаш орқали тасдиқланади.

Мулкий суғурта шартномасини тузишда суғурта суғурта қилдирувчи билан суғурталовчи ўртасида қуйидагилар ўртасида келишувга эришилиши лозим:

- Суғурта объекти бўлган муайян мол-мулк ёхуд бошқа мулкий манфаат тўғрисида;

⁶⁹ Шахов В.В. Страхование. М.: Юнити, 2001, - с.

- Юз бериши эҳтимол тутилиб суғурта амалга оширилаётган воқеа (суғурта ҳодисаси)нинг хусусияти тўғрисида;
- Суғурта пули миқдори тўғрисида;
- Суғурта товони миқдорини аниқлаш тартиби тўғрисида, агар шартномада уни суғурта пулидан оз миқдорда тўлаш мумкинлиги назарда тутилган бўлса;
- Суғурта мукофотининг миқдори ва уни тўлаш муддати (муддатлари) тўғрисида;
- Шартноманинг амал қилиш муддати тўғрисида.

Мулкий суғурта шартномасининг тузилганлиги суғурта полиси (суғурта гувоҳномаси) орқали амалга оширилади.

Суғурта полисининг тузилиши:

1. Суғурта шартномаси субъектларининг номланиши;
2. Суғурта манфаатини аниқлаш;
3. Суғурта шартномасида кўрсатилган суғурта товонини тўлаши лозим бўладиган суғурта ҳодисалари рўйхати;
4. Суғурта мукофоти (бадали, тўлови) ҳажми ва уни тўлаш муддати;
5. Суғурта пули;
6. Субъектлар суғурта муносабатларининг бошланиши ва тугаши;
7. Суғурта товонини тўлаш муддати ва бу муддатга риоя қилинмаган ҳолда суғурталовчининг жавобгарлиги;

Суғурта шартномасининг шартлари нафақат тарафлар томонидан имзоланган битта ҳужжатда ёки суғурталовчи томонидан чиқарилган ва суғурта қилдирувчига тақдим этилган суғурта полисида, шунингдек, суғурта қоидаларида белгилаб қўйилиши мумкин.⁷⁰

Шахсий суғурта шартномасини тузишда суғурта қилдирувчи билан суғурталовчи ўртасида қуйидагилар тўғрисида келишувга эришилиши лозим:

- Суғурталовчи шахс тўғрисида;
- Суғурталанган шахс ҳаётида юз бериши эҳтимол тутилиб суғурта амалга оширилаётган воқеа (суғурта ҳодисаси) нинг хусусияти тўғрисида;
- Суғурта пули миқдори тўғрисида;
- Суғурта мукофотининг миқдори ва уни тўлаш муддати тўғрисида;
- Шартноманинг амал қилиш муддати тўғрисида.⁷¹

Суғурта шартномасининг мазмуни бўйича хорижий давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, суғурта шартномасида акс этадиган масалалар кўпчилик давлатларда ўхшаш ҳисобланади.

Япониянинг 2008 йил 30 майда қабул қилинган “Суғурта тўғрисида”ги Қонунига биноан ҳаётни суғурта қилиш шартномасида қуйидагилар кўрсатилади:

- суғурталовчининг номи ва жойлашган манзили;
- суғурта қилдирувчининг исм-шарифи;

⁷⁰ Гражданское право. Учебник. Том 2 под редакцией А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого М.: Проспект, 2006 г, - с 593.

⁷¹ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Расмий нашр – Т.: 2007 й, - 391 б.

- наф олувчининг исм-шарифи;
- суғурта ҳодисаси;
- суғурта шартномасининг амал қидиш муддати
- суғурта шартномаси бўйича суғурта товонини тўлаш тартиби;
- суғурта шартномаси тузилган сана, ой, йил;
- шартноманинг кучга кириш вақти.

Ўзбекистон Республикасининг ФКга асосан, суғурта шартномасига тарафларнинг келишувига биноан бошқа шартлар ҳам киритилиши мумкин. Бундай шартлар қаторига суғурта шартномаси бўйича тарафларнинг жавобгарлиги, шартноманинг муддатидан олдин бекор бўлиши кабиларни киритишимиз мумкин. Албатта, мулкӣ ва шахсий суғурта шартномаларини тузишда Фуқаролик кодексида белгиланган шартлардан ташқари бошқа шартларнинг киритилиши мумкинлиги ҳам ўз ифодасини топган бўлсада, шартнома шартларини бузганлик учун тарафларнинг жавобгарлигини мажбурий тартибда белиглаб қўйилиши турли низолар келиб чиққан тақдирда иккала тарафнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялашда муҳим аҳамият касб этади.

Агар суғурта шартномаси суғурта қилдирувчи, суғурталанган шахс ёки наф олувчи ҳисобланган фуқаронинг аҳволини қонун ҳужжатларида белгиланган қоидаларга нисбатан ёмонлаштирадиган шартларни ўз ичига олса, шартноманинг ана шу шартлари ўрнига қонун ҳужжатларининг тегишли қоидалари қўлланилади.

Суғурта шартномасини тузиш шартлари суғурталовчи ёхуд суғурталовчилар бирлашмаси томонидан қабул қилинган, маъқулланган ёки тасдиқланган тегишли турдаги суғуртанинг стандарт қоидалари (суғурта қоидалари)да белгилаб қўйилиши мумкин.⁷²

Суғурта қоидаларида мавжуд бўлган ва суғурта шартномасига (полиси) киритилмаган шартлар, агар шартномада (полисда) шундай қоидалар қўлланилиши тўғридан-тўғри кўрсатилган ва қоидаларнинг ўзи шартнома (полис) билан битта ҳужжатда ёки унинг орқа томонида баён қилинган ёхуд унга илова қилинган бўлса, суғурта қилувчи (наф олувчи) учун мажбурийдир.

Суғурта шартномаси тузилаётганда суғурта қилдирувчи тақдим этадиган маълумотлар. Суғурта шартномаси тузилаётганда суғурат қилдирувчи ўзига маълум бўлиб, суғурта ҳодисаси юз бериш эҳтимолини ва унинг юз бериши туфайли кутилажак зарар миқдори (суғурта хавфи) ни аниқлаш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни суғурталорвчига хабар қилиши шарт.

Суғурта шартномаси (полиси)нинг стандарт шаклида, суғурта қилдирувчига берилган суғурта қоидаларида ёки ёзма сўровда суғурталовчи томонидан олдиндан аниқ айтиб қўйилган ҳолатлар муҳим деб ҳисобланади.

Суғурта шартномаси тузилаётганда суғурта қилдирувчи ўзига маълум бўлган, суғурта ҳодисаси юз бериши эҳтимолини ва унинг юз бериши

⁷² Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Расмий нашр. – Т.: 2007 й, - 368-369 б.

туфайли кутилажак зарар миқдори (суғурта хавфи)ни аниқлаш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни суғурталовчига хабар қилиши шарт.

Суғурта шартномаси (полиси)нинг стандарт шаклида, суғурта қилдирувчига берилган суғурта қоидаларида ёки ёзма сўровда суғурталовчи томонидан олдиндан айтиб қўйилган ҳолатлар муҳим деб ҳисобланади.

Агар суғурта шартномаси суғурталовчининг қандайдир саволларига суғурта қилдирувчининг жавоблари бўлмаган ҳолда тузилган бўлса, суғурталовчи тегишли ҳолатлар суғурта қилдирувчи томонидан маълум қилинмаганлигига асосланиб кейинчалик шартномани бекор қилишни ёхуд уни ҳақиқий эмас деб топишни талаб қила олмайди.

Суғурта шартномасини ҳақиқий эмас деб топишнинг икки тури мавжуд:

1. Суғурта шартномасининг ўз-ўзидан ҳақиқий эмаслиги;
2. Низоли суғурта шартномасини суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши.⁷³

Суғурта шартномаси қуйидаги ҳолларда ўз-ўзидан ҳақиқий эмас деб ҳисобланади:

1. шартнома тузилаётганда суғурта объекти мавжуд бўлмаса;
2. жиноий йўл билан қўлга кикритилган, жиноят нарсаси ҳисобланувчи ёки мусодара қилиниши лозим бўлган мол-мулк мулкый суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бўлса;
3. шартнома бўйича ғайриҳуқуқий манфаат суғурталанган бўлса;
4. суғурта шартномасида суғурта ҳодисаси сифатида юз бериш эҳтимоллиги ва тасодифийлик белгилари бўлмаган воқеа назарда тутилган бўлса.

Шунингдек, суғуртанинг алоҳида турлари бўйича суғурталовчи ўзи ишлаб чиққан стандарт шакллари (суғурта полиси) тақдим этиши мумкин.

Суғурта шартномасининг муҳим таркибий элементларидан бири суғурта мукофоти ҳисобланади. Суғурта мукофоти тўланмаса, суғурта шартномаси кучга кирмайди ва юридик оқибатларни ҳам юзага келтирмайди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 942-моддасига мувофиқ, **суғурта мукофоти деганда**, суғурта қилдирувчи (наф олувчи) суғурта шартномасида белгиланган тартибда ва муддатларда суғурталовчига тўлаши шарт бўлган суғурта ҳақи тушунилади.

Суғурталовчи суғурта шартномаси бўйича тўланиши лозим бўлган суғурта мукофоти миқдорини белгилашда суғурта объекти ва суғурта хавфи хусусияти ҳисобга олинган ҳолда ўзи томонидан ишлаб чиқилган, суғурта пули бирлигидан ундириладиган мукофотини аниқлайдиган суғурта тарифларини қўллашга ҳақли.

Суғурта қилдирувчи суғурта мукофотларини суғурта шартномасининг бутун амал қилиши давомида бўлиб-бўлиб ёки бир маротаба тўлиқ тўлашимумкин. Ҳаётни суғурта қилишда ойлик суғурта мукофотлари тегишли суғурта қилиш қоида-сига илова қилинган жадвалга мувофиқ

⁷³ www.google.com.

аниқланади. Бу сумма суғурта қилиш тўғрисидаги аризада ялпи суғурта суммасига нисбатан сўмда кўрсатилади.

Суғурта қилдирувчи томонидан тўланадиган бир маротабалик мукофот суғуртанинг тури, муддати, суғурта суммаси ва суғурта қилдирувчининг ёшини ҳисобга олган ҳолда тегишли жадвалга мувофиқ аниқланади.

Асосий суғурта шартномасидан ташқари қўшимча келишув мавжуд бўлган тақдирда суғурта мукофоти қоидага кўра, суғурта мукофоти йиллик суммасидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги миқдорларда тўланади:

Уй мулкани суғурта қилишда суғурта мукофотлари (суғурта бадаллари) йиллик суғурта мукофотлари суммасининг қуйидаги миқдорларда тўланади: 1 ойга – 15 фоизи; 2 ойга 30 фоизи; 3 ойга 40 фоизи; 4 ойга 50 фоизи; 5 ойга 60 фоизи; 6 ойга – 70 фоизи; 7 ойга – 75 фоизи; 8 ойга 80 фоизи; 9 ойга 85 фоизи; 11 ойга 95 фоизи.¹

Қонунчиликда суғурта қилдирувчи томонидан суғурта шартномаси тузилганда тўланадиган тўловлар турли тушунчалар орқали ифодаланилаётганлигини кўришимиз мумкин. Ушбу тўловлар Ўзбекистон Республикасининг ФКда, “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Қонунда суғурта мукофоти, “Умумий фойдаланишдаги ҳаво, темир йўл, ички сув ва автомобиль транспорти йўловчиларининг мажбурий шахсий суғуртаси тўғрисида”ги Қонунда суғурта тўлови тушунчаси орқали ифодаланган. Шу сабабли келиб чиқиши мумкин бўлган турли тушунмовчиликларнинг олдини олиш, шунингдек, суғурта қилдирувчиларга тушунарли бўлиши учун суғурта қонунчилигида ушбу тўловларни ягона тушунча орқали ифодалаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Суғурта полиси (шаҳодатнома, сертификат, квитанция) – суғурта шартномасини тасдиқловчи, суғурталовчи томонидан тақдим этиладиган ҳужжат. Полис шартноманинг ҳамма муҳим шартларини ўзида мужассам этиши шарт. Суғурталовчи томонидан имзоланиб, суғурталовчининг, суғурта қилдирувчининг, наф олувчининг, суғурталанган шахснинг номи ва манзили, суғурта объекти, суғурта хавфи, суғурта пулининг миқдори, ҳамда шартнома муддати кўрсатилиши керак.

Жисмоний шахслар мол-мулкани суғурталаш бўйича бериладиган суғурта полисларида қуйидаги маълумотлар акс эттирилади:

- суғурта тури;
- суғурта қилдирувчининг фамилияси, исми ва шарифи;
- суғурта қилдирувчининг манзили, телефони;
- наф олувчининг фамилияси, исми ва шарифи;
- суғурта объекти;
- суғурта суммаси;
- суғурта мукофоти суммаси;
- имтиёзлар;

¹ Суғурта агентлари учун қўлланма/ и.ф.н Ҳ.М.Шеннаев. – Т.: 2010, - 100 б.

- суғурта мукофотининг нақд пулда ёки пул ўтказиш йўли билан тўланиши;
- франшиза;
- суғурта муддати;
- суғурталовчининг номи, манзили, телефони;
- суғурталовчи раҳбари ёки у томонидан вакил қилинган шахснинг фамилияси, исми ва шарифи ҳамда имзоси;
- суғурталовчининг муҳри;
- суғурта полиси берилган сана.⁷⁴

Полис бир галлик ва бош полис бўлиши мумкин. Бир галлик суғурта полисида одатда битта предмет бўйича суғурта шартномаси расмийлаштирилади. Бош полис бўйича суғурталаш эса бир турдаги мол-мулк турли туркумларини муайян муддат давомида бир хилдаги шартларда мунтазам суғурталаш тушунилади (ФКнинг 928-моддаси 1 қисми).

Бош полис билан суғурталаш фақатгина мол-мулкни суғурта қилишда қўллаш мумкин. Шахсий ва мулкый суғуртада бир галлик суғурта полиси қўлланилади. Агар шартномада кўрсатилган бўлса, шахсий ва мулкый суғуртада қўлланилиши мумкин.

Суғурта қилдирувчи бош полиснинг тасир доирасида бўладиган мол-мулкнинг ҳар бир туркуми тўғрисида суғурталовчига бундай полисда шартлашилган маълумотларни унда назарда тутилган муддатда, агар муддат назарда тутилмаган бўлса, улар олингандан кейин дарҳол хабар қилиши шарт. Агар бундай маълумотларни олиш пайтигача суғурталовчи тўлаши лозим бўлган зарар кўриш эҳтимоли ўтиб кетган бўлса ҳам, суғурта қилдирувчи бу мажбуриятдан озод бўлмайди.

Бош полис бўйича суғурталашда доимо мулкларнинг ўзгариши рўй бериб, мол-мулкнинг бир қисми шартномадан чиқиб кетса, ўрнига бошқалари келади. Шунинг учун вақти-вақти билан суғурта бадаллари тўлаб борилиши керак.

Суғурта қилдирувчининг талабига биноан суғурталовчи бош полиснинг таъсир доирасида бўладиган мол-мулкнинг алоҳида туркумлари бўйича суғурта полисларини бериши шарт (ФКнинг 928-моддаси 2 ва 3 қисмлари).

Ҳаётни суғурта қилиш бўйича полислар суғурта агентлари томонидан суғурта қилдирувчиларнинг аризасига асосан ёзилади ва суғурталовчи раҳбари ёки ваколатли шахс уни имзолайди. Суғурта агентлари полисларни имзолаш ҳуқуқига эга эмаслар. Агентлар суғурта полисларини имзолаш ҳуқуқига эга эмаслар.

Суғурта полисидаги барча реквизитлар суғурта қилиш тўғрисидаги аризада келтирилган маълумотларга асосланиб тўлдирилади. Суғурта полисига тузатишлар киритишга йўл қўйилмайди. Суғурта полисини ёзишда хатоликларга йўл қўйилса, бундай ҳолатда мазкур суғурта полисига бузилган деган ёзув ёзилади ва у янгиси билан алмаштирилади.

⁷⁴ Суғурта агентлари учун қўлланма/ и.ф.н Ҳ.М.Шеннаев. – Т.: 2010, - 17-18 б.

Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полиси ва махсус давлат белгиси йўқотилиб қўйилган тақдирда суғурта қилдирувчи уларнинг дубликатларини олиш ҳуқуқига эга. Бунда суғурта қилдирувчи суғурталовчининг дубликатларни олиш ҳуқуқига эга. Бунда суғурта қилдирувчи суғурталовчининг дубликатларни тайёрлаш учун қилган харажатларини тўланган суғурта мукофоти суммасининг 10 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда тўлаши керак.

Суғурта полисини алмаштириш билан боғлиқ муносабатлар, суғурталовчининг суғурта полисини алмаштириш учун қилган харажатлари миқдори ва уни тўлаш тартиби суғурта ташкилоти томонидан белгиланган қоидалар асосида амалга оширилади.

Суғурта шартномаси бўйича суғурта мукофоти бир маротаба тўлиқ тўланган тақдирда суғурта полиси суғурта агенти томонидан мукофот тўланганлигини асословчи тўлов топшириқномаси нусхаси суғурталовчига тақдим этилгандан сўнг суғурта полиси имзоланади. Суғурта қилдирувчи ёки унинг топшириғига биноан бошқа шахс у учун суғурта мукофотини нақд пул шаклида тўлаган ҳолда унга тегишли квитанция берилади.⁷⁵

Суғурта шартномасида суғурта ҳодисаси юз берганида суғурта мукофотини олувчи шахс яъни наф олувчи билан боғлиқ қоидалар ҳам акс эттирилади.

Суғурта шартномасининг амал қилиш даврида суғурта қилдирувчида суғурта шартномаси бўйича наф олувчини алмаштириш ҳуқуқи мавжуд бўлади.

Суғурта қилдирувчи агар шартномада бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса, суғурта ҳодисаси юз бергунига қадар наф олувчини, суғурталовчига ёзма равишда мурожаат қилган ҳолда алмаштириши мумкин.⁷⁶

Фуқаролик Кодексининг 945-моддасида суғурта қилдирувчи суғурта шартномасида кўрсатилган наф олувчини бошқа шахсга, суғурталовчини ёзма равишда хабардор қилиб, алмаштиришга ҳақли эканлиги белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 945-моддасининг мазмунидан келиб чиқадиган бўлсак, суғурта қилдирувчи наф олувчини ўзи хоҳлаган вақтда суғурталовчини ёзма равишда хабардор қилиб наф олувчини алмаштириш мумкинлигини кўрамыз.

Фикримизча, наф олувчини суғурта ҳодисаси юз бергунига қадар алмаштириш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки, суғурта ҳодисаси юз бергач наф олувчи суғурта товонини суғурта полисини кўрсатиш орқали хоҳлаган вақтида олиши мумкин. Агар низо суғурта ҳодисаси юз бергунига қадар суғурта қилдирувчи ва наф олувчи ўртасида низо келиб чиқса ва наф олувчи алмаштирилмаган бўлса, наф олувчи суғурта товонини олиб суғурта

⁷⁵ Суғурта агентлари учун қўлланма/ и.ф.н Ҳ.М.Шеннаев. – Т.: 2010, - 105-106 б.

⁷⁶ Страховое право. Под редакцией Шахова, А.П.Архипова, В.Н.Григорьева. М.: Юнити, 2008, - с 305.

қилдирувчига беришни кечиктириши, пулни олиб яшриниши ва шу асосда суғурта қилдирувчининг соғлиғини ва мулкани ўз вақтида тиклашга доир ҳуқуқларини бузилишига сабабчи бўлиши мумкин. Наф олувчининг суғурта ҳодисаси юз бергунига қадар алмаштирилишини мажбурий тарт ибда белгилаб қўйилиши эса бундай ҳолатларнинг келиб чиқишини олдини олишга хизмат қилади.

Суғурта шартномаси, агар у кучга кирганидан кейин суғурта ҳодисаси юз бериши эҳтимоли йўқолган ва суғурта хавфининг мавжуд бўлиши суғурта ҳодисасидан бошқа ҳолатлар бўйича тугаган бўлса, тузилган муддати келишидан олдин бекор бўлади. Қуйидагилар шундай ҳолатлар жумласига киради, чунончи:

- суғурталанган мол-мулкнинг юз берган суғурта ҳодисасидан бошқа сабабларга кўра nobуд бўлиши;
- тадбиркорлик хавфини ёки ана шу фаолият билан боғлиқ фуқаролик жавобгарлик хавфини суғурталанган шахснинг тадбиркорлик фаолиятни белгиланган тартибда тўхтатиши.

Шахсий суғурта шартномаси билан боғлиқ муносабатларда шартнома муддатидан олдин фақатгина суғурта қилдирувчи суғурта шартномасидан муддатидан илгари воз кечган тақдирда бекор бўлиши мумкин.

Манбаларда суғурта шартномасининг тўхтатилишига асос бўлувчи қуйидаги ҳолатлар кўрсатилиб ўтилади:

- суғурта шартномасининг муддати тугаганда;
- суғурталовчи шартнома бўйича ўз мажбуриятларини тўлиқ бажарганда;
- бир томоннинг талабига биноан шартнома бекор қилинганда;
- суғурта қилдирувчининг талабига биноан суғурталовчи томонидан суғурта қоидаларига амал қилинмаганда;
- юридик шахс – суғурта қилдирувчининг ёки суғурталовчининг фаолияти Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўхтатилганда;
- жисмоний шахс – суғурта қилдирувчи вафот этганда, агар учинчи шахс суғурта қилдирувчининг мажбуриятларини бажаришни ўз зиммасига олмаса;
- суд қарорига биноан суғурта шартномаси ҳақиқий эмас деб топилганда;

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.⁷⁷

Япониянинг “Суғурта тўғрисида”ги Қонунининг 54-55-моддаларида ҳаёт суғуртаси шартномасининг тўхтатилишига асос бўлувчи ҳолатлар санаб ўтилган бўлиб, унга кўра, суғурталанувчи шахс хоҳлаган вақтда суғурта бадалини маълум қисмини қайтариб олиб, суғурта шартномасини бекор қилиш ҳуқуқига эга. Шунингдек, суғурта шартномасини бекор қилиш ҳуқуқи суғурталовчига ҳам берилган яъни, агар суғурталанувчи суғурталанаётган

⁷⁷ Суғурта агентлари учун қўлланма/ и.ф.н Ҳ.М.Шеннаев. – Т.: 2010, - 197-198 б.

пайтда ўзидаги оғир касалликка чалинганлигини айтмаган бўлса, суғурта ҳодисасини атайлаб, ёлғондан уюштирган бўлса ёки, ёлғон хабар берадиган бўлса, суғурталовчи ҳам суғурталанувчидан сўрамасдан шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга.

Суғурта шартномасининг яна бир муҳим элементи суғурта ҳодисаси ҳисобланади.

М.Амнижонованинг фикрича, суғурта ҳодисаси деб, суғурта шартномасида кўзда тутиладиган ва юз бериши мумкин бўлган воқеага айтилади.⁷⁸

Суғурта агентлари учун қўлланмада кўрсатилишича, суғурта ҳодисаси – салбий ёки бошқа келишилган оқибатлар натижасида суғурталовчининг суғурта қопламаси тўлашини тақозо этувчи амалда содир бўлган суғурта воқеасидир.⁷⁹

Фикримизча, суғурта ҳодисаси – суғурта шартномаси тарафлари томонидан суғурта шартномасида кўрсатиладиган, юз бериши эҳтимолли характерда бўлган ва суғурта товонини тўлашга асос бўлувчи воқеа ёки ҳодисадир.

Агар суғурта ҳодисаси суғурта қилдирувчи, наф олувчи ёки суғурталанган шахснинг қасд қилиши оқибатида юз берган бўлса, суғурталовчи суғурта товонини ёки суғурта пулини тўлашдан озод қилинади, қасддан қилинган ҳаракатлар улар томонидан зарурий мудофаа ёки охириги зарурат ҳолатида, шунингдек суғурталовчи суғурталанган шахснинг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказганлик учун фуқаровий жавобгарликни суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта товонини тўлашдан, агар зарар суғурталанувчи учун жавобгар шахснинг айби билан етказилганда ҳамда суғурталовчи шахсий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган шахс вафот этган тақдирда тўланиши лозим бўлган суғурта пулини тўлашдан, агар унинг вафоти ўз жонига қасд қилиш оқибатида рўй берган бўлса ва бу вақтгача суғурта шартномаси камида икки йил амал қилган бўлса, озод қилинмайди.

Суғурта ҳодисаси юз берганда етказилган зарар миқдорини, суғурта ташкилоти, ўзи тузган далолатнома асосида, зарур ҳолларда эса, мулкнинг нобуд бўлган, зарарланган ёки йўқолган жойи, вақти, сабаби ва бошқа шароитлар ҳақида ваколатли ташкилотлар (авария хизмати, милиция, тергов ташкилотлари, суд ва бошқалар) томонидан берилган ҳужжатларни ҳисобга олиб аниқлайди.

Суғурта ҳодисаси натижасида мол-мулкка етказилган зарар бўлиб, мулк нобуд бўлганида ёки ўғирланганида - мулкни суғурта қилишда асосланадиган, суғурта шартномасида белгиланган нархи, уй-жойнинг ҳаммаси тамоман нобуд бўлганда эса, махсус ва умумий суғурта шартномаларида кўрсатилган суғурта пули, мулк зарарланганда -мулкнинг олдинги қиймати билан суғурта ҳодисаси туфайли қимматини (сифати ва қийматини) йўқотгандан кейинги нархи орасидаги фарк;

⁷⁸ М.Аминжонова. Бозор иқтисодиёти шароитида суғурта хизмати кўрсатишнинг фуқаролик-ҳуқуқий муаммолари. –Т.: 2006 й, - 60 б.

⁷⁹ Суғурта агентлари учун қўлланма/ и.ф.н Ҳ.М.Шеннаев. – Т.: 2010, - 194 б.

агар зарарланган нарсани тузатиш йўли билан аввалги ҳолатига келтириш мумкин бўлса, у ҳолда ана шу нарсани тузатиш нархи кўрилган зарар ҳисобланади.

Тузатиш нархи, тузатиш мақсадида фуқаролардан ҳақ ундириб олиш учун тегишли ташкилотлар томонидан белгиланган амалдаги баҳолар (тарифлар) асосида ҳисоблаб чиқилади.

Тузатиш нархи, суғурта пулидан ошмайдиган миқдор доирасидагина зарар деб тан олинади. Агар, экспертиза ўтказиш зарур деб топилган бўлса, бу ишни бажариш нархи ҳам зарар қийматига қўшилади.

Кўрсатилган ишларни бажариш ҳаражатларининг миқдори амалдаги баҳолар асосида, ана шу ишлар ҳажмидан келиб чиқиб ҳисобланади.

Суғурта ҳодисаси юз берганида, мулкни сақлаб қолиш ва уни тартибга келтириш учун қилинган ҳаражатлар нархи ҳам (агар бу ҳаражатлар зарур деб тан олинган бўлса) зарар миқдorigа киритилади.

Ушбу ҳаражатлар миқдори тегишли ишлар (хизматлар) га фуқаролар ҳақ тўлаши учун белгиланган амалдаги баҳолар (тарифлар) асосида аниқланади.

Агар нобуд бўлган, зарарланган ёки ўғирланган бирон-бир мулк учун белгиланган нархлар бўлмаса, у ҳолда, зарар миқдори суғурта шартномаси тузилган пайтда амал қилаётган нархлардан келиб чиқиб аниқланади.

Суғурта товони, кўрилган зарар миқдорида, суғурта шартномаси тузилган пайтдаги баҳолар асосида, аммо шартномада келишилган суғурта пулидан кўп бўлмаган миқдорда тўланади.

Суғурта товонини тўлаш ҳақидаги қарорни давлат суғурта муассасаси мустақил равишда қабул қилади.

Суғурта товонини эса, шартнома тузган суғурта муассасаси барча зарур ҳужжатларни олганидан сўнг, шартномада белгиланган муддат ичида тўлайди. Суғурта қилдирувчига ёки унинг оила азоларига нисбатан жиноий иш қўзғатилган тақдирда, бу тартиб жорий қилинмайди.

Суғурта товони суғурта қилдирувчининг ўзига тўланади. Унинг хоҳишига биноан, товон наф олувчининг номи ёзилган чек бериш, омонат кассага ўтказиш, нақд пул билан ҳисоб-китоб қилиш ёки белгиланган тартибда почта орқали юбориш йўли билан тўланиши мумкин.

Суғурта қилдирувчи вафот этган бўлса, суғурта товони қонунда белгиланган тартибда, унинг ворисларига тўланади.

Суғурта муассасаси ходимларининг айби билан, суғурта товонини тўлаш кечиктирилганлиги учун, суғурта шартномаларида, тегишли жарималар тўлаш белгиланади. Бундай жарималарнинг миқдорини белгилаш, ихтиёрий суғурта шартномалари бўйича, томонларнинг ўзаро келишуви асосида, мажбурий суғурта шартномалари бўйича эса, ушбу шартномага оид қонун ҳужжатларида кўрсатилган миқдорда амалга оширилади.

Шахсий суғурта шартномаси, яъни фуқарони бахтсиз ҳодисалардан суғурта қилиш шартномаси бўйича, агар суғурта ҳодисаси рўй берса, суғурта қилувчи суғурта тўловини 72 соат ичида тўлаши лозим. Башарти, тўлов

белгиланган муддат ичида амалга оширилмаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун, шартномада белгиланган миқдорда жарима тўланади.

Зарар, айбдор шахс томонидан тўлиқ қопланса, суғурта қилдирувчи, суғурта товонини олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади. Агар зарар, қисман қопланган ёки тўланиши лозим бўлган суғурта товонидан кам миқдорда тўланган бўлса, у ҳолда, суғурта товони, етказилган зарар учун жавобгар шахсдан олинган пулни ҳисобга олган ҳолда тўланади.

Демак, мулкӣ суғурта шартномаси бўйича шартнома объектининг суғурталанган суммаси тарафлар ўртасидаги қўшимча келишувга асосан оширилиши мумкин. Бунда юқорида келтирилган талабларга амал қилиниши шунингдек, умумий суғурта суммаси мол-мулкнинг амалдаги қийматидан ошиб кетиши мумкин эмас.

Суғурта ҳодисаси рўй берганидан сўнг, суғурта ҳодисасининг келиб чиқиш сабабларини ўрганиш жараёнида, ушбу ҳодисанинг келиб чиқишида, суғурта қилдирувчининг қасддан содир этган ҳаракатлари мавжудлиги аниқланса, суғурта идоралари, суғурта қопламасини тўлашни рад этишга ҳақли бўлади.

Суғурта шартномасининг шартларини белгилашда, суғурта бадали, суғурта қилдирувчи томонидан тўланиши лозим бўлган пул тўлов мажбурияти вазифасини ўтайди. Зеро, суғурта бадали, шартнома тузаётган суғурталанувчи томонидан суғурта идорасига тўланиши лозим бўлган пул миқдоридир. Суғурта бадали, шартномаларда, баъзан суғурта мукофоти деб ҳам юритилади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 942-моддасига мувофиқ суғурта мукофоти деганда суғурта қилдирувчи (наф олувчи) суғурта шартномасида белгиланган тартибда ва муддатларда суғурталовчигва тўлаши шарт бўлган суғурта ҳақи тушунилади.⁸⁰

Суғурта шартномасида суғурта бадалларининг миқдори шартноманинг турига қараб белгиланади. Агар ихтиёрий суғурта шартномалари тузилаётган бўлса, бундай шартномаларнинг бадаллари миқдори шартнома субъектлари ўртасида суғурта пули миқдorigа қараб, ўзаро келишув асосида белгиланади. Суғурта пулининг энг кам миқдори суғурта қоидаларида белгилаб қўйилган бўлиши мумкин.

Мажбурий суғурта шартномалари бўйича суғурта бадалларини белгилаш Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан қатий белгиланган бўлади ва уни ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Лекин, баъзи ҳолларда, суғурта бадалларининг миқдори шартноманинг муддатига нисбатан белгиланган бўлиши мумкин. Бир йилдан кам муддатга тузилган шартномалар бўйича шартнома муддатига боғлиқ равишда суғурта фоиз ставкаларининг миқдори камайтиради.

Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 17 апрелда матбуотда расмий эълон қилиниб кучга кирган “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини

⁸⁰ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. – Т.: Адолат, 2007 й,

мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Қонунида⁸¹ иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси тўғрисида тўхталиб ўтилган. Ушбу қонуннинг 6-моддасига биноан иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси оммавий шартномадир.

Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурталовчи суғурта ҳодисаси юз берганда иш берувчига ва (ёки) жабрланувчига ёхуд наф олувчи ходим ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан унинг ҳаёти ёки ҳаётига етказилган зарарнинг ўрнини иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича шартлашилган ҳақ (суғурта мукофоти) эвазига суғурта пули доирасида қоплаш мажбуриятини олади.⁸²

Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси иш берувчи билан суғурталовчи ўртасида тузилади. Мазкур шартномани тузиш учун иш берувчининг ёзма шаклдаги аризаси асос бўлади.

Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси шартлари ва уни тузиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасида кўрсатилиши лозим бўлган шартларнинг тўлиқ эмаслиги учун жавобгарлик суғурталовчи зиммасида бўлади.

Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бир йил муддатга тузилади. Агар иш берувчининг фаолияти бир йилдан кам муддатга амалга ошириладиган бўлса, иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси иш берувчи мазкур фаолиятни амалга оширадиган муддат учун тузилади.

Ушбу қонунда аннуитетлар шартномаси тўғрисида ҳам тўхталиб ўтилган. Унда белгиланишича:

Аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи аннуитетлар шартномасида шартлашилган ҳақ (суғурта мукофоти) эвазига, суғурта пули доирасида тегишинча:

- Жабрланувчи у ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан унинг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарар учун;
- Ходим ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда вафот этган тақдирда суғурта товонини олиш ҳуқуқига эга бўлган наф

⁸¹ “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси № 4, 137-модда.

⁸² “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2009 йил, 16-сон, 197-модда.

олувчига жорий тўловлар тарзида бир йилдан ортиқ муддат учун суғурта товонини тўлаш мажбуриятини олади

Аннуитетлар шартномасини тузиш учун иш берувчининг ёзма шаклдаги аризаси асос бўлади.

Мол-мулкни суғурталаш шартномасини тузган суғурта қилдирувчи вафот этган тақдирда, суғурта қилдирувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бу мол-мулкни мерос тартибида қабул қилиб олган шахсга ўтади. Мулк ҳуқуқи ўтишининг бошқа ҳолларида суғурта қилдирувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, агар шартномада ёки қонун ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, суғурталовчининг розилиги билан янги мулкдорга ўтади.

Агар суғурта шартномасининг амал қилиш даврида суғурта қилдирувчи суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилса, бундай суғурта қилдирувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини унинг васийи ёки ҳомийси олади. Бунда суғурта қилдирувчининг учинчи шахслар олдидаги жавобгарлиги суғуртаси унинг муомала лаёқати тугаган ёки чекланган пайтдан бошлаб тугайди.

Суғурталовчи, агар қонунда ёки суғурта шартномасида бошқача тартиб белгиланмаган бўлса ва суғурта ҳодисаси қуйидагилар оқибатида юзага келган бўлса, суғурта товонини ва суғурта пулини тўлашдан озод қилинади:

- Ядро портлаши, радиация ёки радиоактив заҳарланиш таъсирида;
- Ҳарбий ҳаракатлар, манёврлар ёки бошқа ҳарбий тадбирлар.

Агар мулкий суғурта шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, суғурталовчи суғурталанган мол-мулк давлат органларининг фармойиши билан олиб қўйилиши, реквизиция қилиниши, хатланиши ёки йўқ қилиб ташланиши оқибатида қўрилган зарар учун суғурта товонини тўлашдан озод этилади.

Суғурта шартномаси билан боғлиқ жараённинг муҳим таркибий қисмларидан бири бу суғурта қилдирувчининг зарар қопланишига бўлган ҳуқуқларининг суғурталовчига ўтиши (суброгация) ҳисобланади.

Суброгация атамаси латинча subrogation, subrogare сўзларидан олинган бўлиб, “ўрнига танланган” маъносини англатиб, қўпчилик ҳолатларда қонун тушунчаси билан боғлиқликда келганда, subrogare leget “қонунга янги ўзгартириш киритиш” маъносини англатади.⁸³

Агар мулкий суғурта шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, суғурта қилдирувчи (наф олувчи)нинг суғурта натижасида қопланган зарар учун жавобгар шахсдан талаб қилиш ҳуқуқи тўланган сумма доирасида суғурта товонини тўлаган суғурталовчига ўтади.

Шахсий суғурта шартномасини суғурталанган шахс фойдасига тузган суғурта қилдирувчи вафот этган тақдирда, ушбу шартномалар билан белгиланадиган ҳуқуқ ва мажбуриятлар суғурталанган шахснинг розилиги билан унга ўтади. Суғурталанган шахс суғурта шартномаси бўйича мажбуриятларини бажариши мумкин бўлмаса, унинг ҳуқуқлари ва

⁸³ Бартошек М. Римское право. Понятие. Термины. Определения. – с 304.

мажбуриятлари қонун ҳужжатларига мувофиқ унинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилувчи шахсларга ўтиши мумкин.

Суғурта қилдирувчи (наф олувчи) суғурталовчига талаб қилиш ҳуқуқи ўтиши билан унга зарур бўлган ҳужжатларни юбориши ёки маълумотларни хабар қилиши шарт.⁸⁴

Суғурталовчи суғурта шартномасини тузиш чоғида суғурта шартномасининг ўзи ишлаб чиққан стандарт шаклларни қўллашга ҳақли.

Намунавий шартномалар одатда суғурта ташкилотлари томонидан тайёрланиши туфайли М.Йўлдошев ва Й.Турсуновлар бундай шартномаларнинг айрим шартларини бир томонламалик хусусиятига эга деб ҳисоблайдилар. Шу сабабли, суғурта ташкилотлари томонидан ишлаб чиқариладиган ва қўлланиладиган намунавий шартноманинг шакли ўз мазмунига кўра, қонун талабларига қай даражада мувофиқ келиши давлат назорат инспекцияси томонидан кўриб чиқиши лозим деб фикр билдирадилар.⁸⁵

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 27 январдаги 413-сонли қарорига асосан, суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишни амалга оширадиган махсус ваколатли давлат органи (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги) белгилаб қўйилди.

Суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш бўйича бевосита функцияларни Молия вазирлиги ҳузуридаги суғурта назорати бўйича Давлат инспекцияси амалга оширади. У суғурта муносабатлари барча қатнашчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоялашни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги суғурта ташкилотлари фаолиятини назорат қилишга қаратилган давлат органи бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги суғурта назорати бўйича Давлат инспекцияси тўғрисида Низом асосида фаолият юритади.

Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонунига асосан суғурта назорати бўйича давлат инспекцияси қуйидаги ваколатларга эга:

- ижро этилиши мажбурий бўлган тўловга қобилиятлилик нормативларини ҳамда уларни аниқлаш тартибини, айрим таваккалчиликлар бўйича суғурталовчилар мажбуриятларининг йўл қўйиладиган энг кўп ёки энг кам миқдорини ва мажбуриятлар жамининг йўл қўйиладиган кўп ёки энг кам миқдорини ҳисоблаб чиқариш услубини, суғурталовчиларнинг тўловга қобилиятини акс эттирувчи ахборотларни тақдим этиш тартиби ва муддатларини белгилайди;

- суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этишини, тўловга қобилиятлиликнинг

⁸⁴ Гражданское право. Учебник. Том 2 под редакцией А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого М.: Проспект, 2006 г. - с 615.

⁸⁵ М. Йўлдошев, Й.Турсунов. Суғурта ҳуқуқи. – Т.: Молия. 2002. – 65 б.

белгиланган нормативлари ва молиявий барқарорликнинг бошқа талаблари бажарилишини назорат қилади;

- суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолиятини лицензиялайди;

- суғурталовчиларнинг суғурта захиралари маблағларини шакллантириш ҳамда жойлаштириш тартиби ва шартларини, шунингдек бундай маблағлар ҳисобини юритиш ҳамда улар бўйича ҳисоботлар тузиш тартибини белгилайди;

- суғурталовчининг, суғурта брокерининг раҳбарига ва бош бухгалтерига қўйиладиган малака талабларини белгилайди;

- суғурталовчилар томонидан тақдим этиладиган молиявий ҳисоботларнинг ва эълон қилинадиган йиллик молиявий ҳисоботнинг шаклини, шунингдек уни тақдим этиш ҳамда эълон қилиш тартиби ва муддатларини белгилайди;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг фаолиятини текширади ва уларга аниқланган камчиликларни бартараф этиш тўғрисида ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар киритади;

- суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, шу жумладан белгиланган иқтисодий нормативлар суғурталовчи томонидан бузилганлиги учун суғурталовчининг устав фонди энг кам миқдорининг 0,1 фоизигача миқдорда белгиланган тартибда жарима солади;

- қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суғурталовчилар ва суғурта брокерлари лицензияларининг амал қилишини тўлиқ ёки айрим суғурта турларига (классларига) нисбатан тўхтатиб қўяди, шунингдек уларнинг фаолиятини тугатиш тўғрисида судга мурожаат қилади;

- жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги аниқланган тақдирда, суғурталовчилар ва суғурта воситачиларига нисбатан қонун ҳужжатларига мувофиқ чоралар ва санкцияларни қўллайди; (ЎзР 22.09.2009 й. ЎРҚ-223-сон Қонунига мувофиқ киритилган хатбоши)

- ҳар бир молия йили тугаганидан кейин олти ой ичида суғурта фаолиятини тартибга солиш ва уни назорат қилиш борасидаги фаолият тўғрисида йиллик ҳисоботларни, шунингдек суғурта бозорининг молия йили мобайнидаги фаолияти тўғрисида статистика маълумотларини эълон қилади;

- суғурталовчиларнинг инвестиция фаолиятини амалга ошириш, шунингдек суғурта ходисалари юз беришининг олдини олиш ва огоҳлантириш чора-тадбирларини суғурталовчилар томонидан молиялаштириш тартиби ҳамда шартларини белгилайди;

- актуарий малака сертификатини олиш учун ўқув дастурларини ҳамда малака имтиҳонлари топшириш тартибини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди, мазкур сертификатни олиш ҳуқуқи учун малака имтиҳони ўтказади;

- белгиланган тартибда актуарий малака сертификати беради, унинг амал қилишини тугатади ва уни бекор қилади, малака сертификатига эга бўлган актуарийлар реестрини юритади;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширади.

Махсус ваколатли давлат органи ва унинг ходимлари суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг устав фондида ва бошқарув органларида иштирок этишга, шунингдек суғурта воситачиси сифатида иш юритишга ҳақли эмаслар.

Фикримизча, суғурта шартномаларини тузиш, суғурта муносабатларини тартибга солинишини назорат қилиш фаолиятини янада такомиллаштириш учун Республикамизда мустақил давлат идорасини ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки, мамлакатимизда суғурта муносабатлари жадаллик билан ривожланиб, суғуртанинг янги турлари кириб келмоқда, тузилаётган суғурта шартномаларининг сони ортиб бормоқда. Масалан, 2007 йилда малакатимизда 4756248 та суғурта шартномалари тузилган бўлса, 2008 йилнинг 9 ойи давомида тузилган суғурта шартномалари 8621812 тани ташкил этган. Яъни деярли бир йил ичида тузилган суғурта шартномалари бир баравага ўсган. Шу сабабли ҳам тузилаётган суғурта шартномаларини қонунийлигини назорат қилиш, ҳуқуқбузарликлар аниқланганда тегишли органларга хабар беришни амалга оширувчи давлат идорасининг ташкил этилиши суғурта шартномаси тарафларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда, тузилаётган шартномаларнинг қонунийлигини баҳолашга кўмаклашади.

Ўзбекистон Республикасининг ФКда берилган кўпчилик шартномаларда уларни ўзгартириш билан боғлиқ нормалар ўз ифодасини топган ёки муайян шартномани ўзгартиришга нисбатан шартномани ўзгартириш билан боғлиқ нормалар қўлланилиши бевосита кўрсатиб ўтилади. Лекин, Фуқаролик кодексида суғурта шартномасини ўзгартириш тўғрисида қоида учрамайди. Фикримизча, Суғурта шартномаси тарафлардан бирининг талабига асосан ўзгартирилиши мумкинлигини белгиловчи ёки суғурта шартномасини ўзгартириш учун шартномани ўзгартириш билан боғлиқ қоидаларнинг қўлланилишини белгилаш суғурта шартномаси билан боғлиқ муносабатларнинг тартибга солинишини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Шундай қилиб, суғурта тўғрисида келишувни амалга ошириш суғурта шартномаси орқали амалга оширилади. Суғурта шартномасини тузиш, амал қилиш, бекор бўлиш шартлари Фуқаролик Кодекси ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

2.5. Суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг суғурта шартномасини тузишдаги иштироки

Суғурта бозорининг қай даражада фаолият кўрсатиши суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг фаолиятига бевосита боғлиқ бўлиб уларнинг самарали фаолият кўрсатиши суғурта бозорининг янада

кенгаайишига иштирокчиларининг ортишига олиб келади. Шу боисдан Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги қонунида уларнинг ҳуқуқий мақоми мустаҳкамлаб қўйилган. Суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари қаторига аджастерлар, актуарийлар, суғурта сюрвейерлари, шунингдек ассистанслар киритилиб, уларнинг суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари эканлиги ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилди.

Беларус Республикасининг 1993 йил 3 июнда қабул қилинган “Суғурта тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари деб суғурталовчи, суғурта қилдирувчи ва суғурта воситачилари (агент ва брокерлар) тан олинган бўлса, Литванинг 1996 йил 10 июлдаги “Суғурта тўғрисида”ги қонунида суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари таркибига қуйидаги субъектлар кириши кўрсатиб ўтилган: суғурталовчи, суғурта қилдирувчи ва суғурта воситачилари.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан “Суғурта фаолияти тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 2007 йил 29 июнда қабул қилиниб, 2007 йил 24 августда Сенатнинг ўн биринчи ялпи мажлисида маъқулланди ҳамда 2007 йил 15 сентябрь куни матбуотда эълон қилиниб кучга кирди. Унга асосан аджастер, актуарий, суғурта сюрвейерлари, ассистанслар каби суғурта бозори профессионал иштирокчилари сифатида эътироф этилди ва уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ўз ифодасини топди. Ушбу қонунга асосан улар суғурта шартномаси билан боғлиқ муносабатларда ҳам бир қатор ҳуқуқларга эга бўлди.

Аджастер суғурталовчининг (суғурта қилдирувчининг) топшириғи бўйича қуйидаги хизматларни кўрсатувчи, ўз штатида тегишли мутахассисларга эга бўлган юридик шахс ёки профессионал билим ва малакага эга бўлган жисмоний шахсдир:

- суғурта ҳодисаси юз берганидан кейин суғурта объектини кўздан кечириш ва текшириш;

- суғурта ҳодисаси фактларини ва таваккалчилик ҳолатларини таҳлил қилиш;

- суғурта объектининг шикастланиш сабабларини ва суғурта ҳодисаси мавжудлигини аниқлаш;

- суғурта ҳодисаси мавжуд бўлган тақдирда – суғурта ҳодисаси оқибатида вужудга келган шикастланиш даражаси ва зарар миқдорини белгилаш;

- тўланиши керак бўлган суғурта товони суммасини аниқлаш;

- суғурталовчи учун суғурта ҳодисаси бўйича хулоса тузиш.

Аджастер ўз фаолиятини суғурталовчи (суғурта қилдирувчи) билан тузилган шартномага мувофиқ амалга оширади.

Аджастер:

- суғурталовчи сифатида суғурта ва қайта суғурта қилиш операциялари ўтказишга;

суғурта бўйича воситачилик фаолиятини амалга оширишга;
суғурталовчиларнинг устав фондларида иштирок этишга ҳақли эмас.

Аджастер хизмати кўрсатиш натижалари ҳисобот тарзида расмийлаштирилиб, ундан суғурталовчи зарарларнинг ўрнини қоплаш ва низоларни ҳал қилиш чоғида фойдаланиши мумкин.

Аджастернинг ҳисоботида кўрсатилган хулосалар мустақил суғурта экспертизаси жараёнида қайта кўриб чиқилиши мумкин.

Аджастернинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Аджастер қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- аджастер хизматлари кўрсатиладиган суғурталовчини (суғурта қилдирувчини) эркин танлаш;
- суғурта воқеасини (суғурта ҳодисасини) ўрганиш учун суғурта қилдирувчидан (суғурталовчидан) зарур ахборотни сўраш ва олиш;
- суғурта ҳодисаси юз берганидан сўнг суғурта объектини кўздан кечириш ва текшириш;
- ўзи суғурта объектини сиртдан (зарур ҳолларда – техника воситаларини қўллаган ҳолда) кўздан кечирганлиги тўғрисидаги далолатномани расмийлаштириш;
- фаолияти суғурта объектларига дахлдор бўлган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларидан юридик аҳамиятга молик зарур маълумотларни белгиланган тартибда сўраш ва олиш.
- аджастер қонун ҳужжатларига ва ўзи тузган шартномаларга мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Аджастер:

- суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиши;
- суғурта ҳужжатларининг сақланишини таъминлаши;
- миқдорнинг тижорат сирини ёки бошқа сирини ташкил этадиган маълумотларнинг махфийлигини сақлаши;
- суғурта ҳодисасига тааллуқли маълумотларни ўз вақтида таҳлил қилиш учун чора-тадбирлар кўриши шарт.

Аджастер зиммасида қонун ҳужжатларига ва ўзи тузган шартномаларга мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

Актуарий қуйидагиларни ўз ичига оладиган актуар хизматлари кўрсатувчи юридик ёки жисмоний шахсдир:

- суғурта воқеаси юз беришининг математик жиҳатдан эҳтимоллиги ҳисоб-китобини амалга ошириш, ҳам алоҳида таваккалчилик гуруҳларида, ҳам умуман суғурта мажмуи бўйича зарар етказилишининг такрорийлигини ва уларнинг оқибатлари оғирлиги даражасини белгилаш;
- суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) зарур суғурта заҳиралари ва фондларини математик жиҳатдан асослаш ҳамда ҳисоб-китоб қилиш, уларни шакллантириш усулларини ишлаб чиқиш;
- суғурталовчининг инвестициялар сифатида тўпланган бадаллардан фойдаланишида капитал қўйилма нормаси ва нетто-ставка миқдори

ўртасидаги боғлиқликни тариф ставкаларини инвестиция даромади суммасига камайтиришга кўмаклашадиган тарзда аниқлаш;

- суғурта жараёнини ташкил этиш учун зарур харажатларни асослаш ва суғурта хизматлари таннархини ҳисоб-китоб қилиш;

- суғуртанинг (қайта суғурта қилишнинг) ҳар бир тури бўйича тариф ставкаларини суғурталовчилар учун уларни ўтказишнинг узоқ муддатли ва қисқа муддатли хусусиятини ҳисобга олган ҳолда белгилаш;

- суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) инвестиция фаолияти натижаларини актуар ҳисоб-китоблардан фойдаланган ҳолда баҳолаш;

- суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) даромадларини суғуртанинг (қайта суғурта қилишнинг) ҳар хил турлари бўйича режалаштириш.

Актуарий суғурталовчи билан тузилган шартномага мувофиқ фақат актуар хизматлари кўрсатади.

Актуарий, агар у актуар ташкилот штатида турган бўлса ёки актуар ташкилот томонидан у билан фуқаролик-ҳуқуқий шартнома тузилган тақдирда, актуар хизматлари кўрсатишга жалб этилиши мумкин.

Актуарий сифатсиз актуар хизматларини кўрсатганлик, тижорат ёки бошқа сирни ошкор қилганлик ва актуар ташкилот зарар кўришига олиб келган ўзга хатти-ҳаракатлар натижасида етказилган зарар учун актуар ташкилот олдида жавобгар бўлади.

Актуар хизматлари кўрсатиш учун актуарий махсус ваколатли давлат органи белгилаган тартибда актуарий малака сертификатини олиши шарт.

Юридик шахс бўлган актуарий ўз штатида актуарий малака сертификатига эга бўлган камида битта актуарийга эга бўлиши керак.

Актуарий:

суғурталовчи сифатида суғурта ва қайта суғурта қилиш операциялари ўтказишга;

суғурта бўйича воситачилик фаолиятини амалга оширишга;

суғурталовчиларнинг устав фондларида иштирок этишга ҳақли эмас.

Актуарий фаолияти натижалари ҳисобот тарзида расмийлаштирилади.

Актуарий ҳисоботида кўрсатилган хулосалар мустақил суғурта экспертизаси жараёнида қайта кўриб чиқилиши мумкин.

Актуарийнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Актуарий қуйидаги ҳуқуқларга эга:

актуар хизматлари кўрсатиладиган суғурталовчини (қайта суғурталовчини) эркин танлаш;

актуар хулосасини тузиш учун зарур бўлган ахборот суғурталовчи (қайта суғурталовчи) томонидан тақдим этилмаган тақдирда, актуар хизматлари кўрсатишни рад этиш;

бошқа актуарийларни ва ўзга мутахассисларни актуар хизматлари кўрсатишда иштирок этишга белгиланган тартибда жалб этиш.

Актуарий қонун ҳужжатларига ва ўзи тузган шартномаларга мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Актуарий:

- суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиши;

- актуар хизматлари кўрсатиш чоғида олинган ахборотнинг махфийлигига риоя этиши;

- актуар хулосасида актуар ҳисоб-китобларнинг камчилик фактларини ва уларни бартараф этишга доир таклифларни акс эттириши шарт.

Актуарий зиммасида қонун ҳужжатларига ва ўзи тузган шартномаларга мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

Суғурта сюрвейери куйидагилар бўйича хизматлар кўрсатувчи, ўз штатида тегишли мутахассисларга эга бўлган юридик шахс ёки профессионал билим ва малакага эга бўлган жисмоний шахсдир:

- суғурта шартномаси тузилгунига қадар суғурта объектини кўздан кечириш ва текшириш;

- суғурта шартномаси тузилгунига қадар барча фактларни ва таваккалчилик ҳолатларини таҳлил қилиш, таваккалчилик даражасини аниқлаш;

- текширилаётган суғурта объекти бўйича хулоса тузиш.

Суғурта экспертизасини ўтказишга ваколатли мутахассисларнинг (экспертларнинг) иш тартиби суғурта сюрвейери томонидан белгиланади.

Суғурта сюрвейери ўз фаолиятини суғурталовчи (суғурта қилдирувчи) билан тузилган шартномага мувофиқ амалга оширади.

Суғурта сюрвейери:

- суғурталовчи сифатида суғурта ва қайта суғурта қилиш операциялари ўтказишга;

- суғурта бўйича воситачилик фаолиятини амалга оширишга;

- суғурталовчиларнинг устав фондларида иштирок этишга ҳақли эмас.

Суғурта сюрвейери ишининг натижалари бўйича ҳисобот тақдим этилади, суғурталовчи (суғурта қилдирувчи) бу ҳисоботдан суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномаси тузиш чоғида фойдаланиши мумкин.

Суғурта сюрвейерининг ҳисоботида кўрсатилган хулосалар мустақил суғурта экспертизаси жараёнида қайта кўриб чиқирилиши мумкин.

Суғурта сюрвейери:

- хизматлар кўрсатиладиган суғурталовчини (суғурта қилдирувчини) эркин танлашга;
- суғурта объектини ўрганиш учун суғурта қилдирувчидан (суғурталовчидан) зарур ахборотни сўраш ва олишга;
- давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларидан, фаолияти суғурта объектларига дахлдор бўлган бошқа ташкилотлардан зарур маълумотларни сўраш ва олишга ҳақли.
- Суғурта сюрвейери қонун ҳужжатларига ва ўзи тузган шартномаларга мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Суғурта сюрвейери:

- суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиши;
- суғурта экспертизаси ўтказиш учун тарафлар тақдим этган ҳужжатларнинг сақланишини таъминлаши;
- миждознинг тижорат сирини ёки бошқа сирини ташкил этадиган маълумотларнинг махфийлигини сақлаши шарт.

Суғурта сюрвейери зиммасида қонун ҳужжатларига ва ўзи тузган шартномаларга мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

Ассистанс суғурта қилдирувчиларга (суғурталанган шахсларга, наф олувчиларга) ҳамда суғурталовчиларга суғурта шартномаси доирасида ассистанс хизматлари, техник, тиббий ва бошқа хизматлар кўрсатувчи, шунингдек уларга молиявий кўмак берувчи юридик ёки жисмоний шахсдир.

Ассистанс ўз фаолиятини суғурталовчи билан тузилган шартномага мувофиқ амалга оширади.

Ассистанс хизматларига суғурта қилдирувчилар (суғурталанган шахслар) иштирокисиз фақат суғурталовчилар томонидан ҳақ тўланади.

Ассистанс:

суғурталовчи сифатида суғурта ва қайта суғурта қилиш операциялари ўтказишга;

суғурта бўйича воситачилик фаолиятини амалга оширишга;

суғурталовчиларнинг устав фондларида иштирок этишга ҳақли эмас.

Ассистанс қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ассистанс хизматлари кўрсатилиши бўйича суғурталовчилар билан мустақил равишда шартнома тузиш;

ассистанс хизматлари кўрсатилиши учун зарур бўлган барча ахборот суғурталовчи томонидан тақдим этилмаган тақдирда, ассистанс хизматлари кўрсатишни рад этиш;

тегишли мутахассисларни ассистанс хизматлари кўрсатишда иштирок этишга белгиланган тартибда жалб этиш.

Ассистанс қонун ҳужжатларига ва ўзи тузган шартномаларга мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Ассистанс:

суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиши;

суғурта қилдирувчилардан (суғурталанган шахслардан) суғурта воқеалари (суғурта ҳодисалари) тўғрисидаги хабарлар кеча-кундуз қабул қилинишини ташкил этиши ва суғурта шартномаси доирасида, тақдим этилган суғурта полиси асосида суғурта қилдирувчиларга (суғурталанган шахсларга) зарур ёрдам кўрсатиши;

суғурта ҳодисаларини кўриб чиқиш ва тартибга солиш чоратадбирларини кўриши шарт.

Ассистанс зиммасида қонун ҳужжатларига ва ўзи тузган шартномаларга мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга оид қўшимча чоратадбирлар тўғрисида"ги (2008 йил 21 май) ПҚ-872-сонли Қарорининг 3-банди билан суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг раҳбарлари ва бош бухгалтерлари Молия вазирлиги томонидан белгиланган тартибда тасдиқланган Суғурталовчининг ижро этувчи органи раҳбари ва бош бухгалтерига қўйиладиган талаблари тўғрисидаги Низомда белгиланган малака талабларига мос келган тақдирда тайинланиши (сайланиши) белгиланди. Бу билан нафақат суғурталовчи ёки унинг бош бухгалтерига қўйиладиган талаблар, балки "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги Қонуннинг 7-моддасига кўра, суғурта қилдирувчининг номидан ва топшириғига биноан суғурта шартномаси тузилиши ва ижро этилишини ташкил қилиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи юридик шахс ҳисобланадиган суғурта брокери, унинг бош бухгалтерининг масъулиятини ошириш мақсадида уларга бўлган талабларни махсус ваколатли орган белгилайдиган тартиб ўрнатилди. Ушбу белгиланган тартиб қоидаларидан келиб чиқиб, Қонуннинг махсус ваколатли органнинг ваколатлари назарда тутилган 10-моддаси иккинчи қисмининг олтинчи хатбошисига тегишли ўзгартишлар киритилди. Бундай тартиб Франция, Чехия, Руминия, Қозоғистон ва Беларусь Республикасининг тегишли қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилганлигини ҳам таъкидлаш ўринлидир.

Шу ўринда суғурталовчи ва суғурта брокери раҳбари ҳамда уларнинг бош бухгалтерларига қандай малака талаблари белгиланиши мумкин, деган савол туғилиши табиий. Хусусан, Суғурталовчининг (суғурта брокерининг) раҳбарига ва бош бухгалтерига қўйиладиган малака талаблари тўғрисидаги низомга кўра, суғурталовчининг (суғурта брокерининг) раҳбари қонун ҳужжатлари ва суғурталовчининг (суғурта брокерининг) таъсис ҳужжатларига мувофиқ тайинланади ёки сайланади. Бунинг натижасида тузилган меҳнат шартномасига асосан, у суғурталовчининг (суғурта брокерининг) ягона ижро этувчи органи ҳисобланадиган ёки суғурталовчининг (суғурта брокерининг) коллегиял ижро этувчи органини бошқарадиган жисмоний шахс ҳисобланади. Унга нисбатан қуйидаги малака талаблари ўрнатилган:

а) Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида олинган олий маълумотга ёки хорижий давлатларнинг таълим муассасаларида олинган ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасидаги олий маълумотга эквивалент, деб тан олинган олий маълумотга эга бўлиши;

б) суғурта соҳасида 2 йилдан кам бўлмаган иш стажига эга бўлиши; бунда суғурта агенти, ёрдамчи, техник ва хизмат кўрсатувчи ходим сифатидаги иш стажига ҳисобга олинмайди.

в) бухгалтер сифатида 3 йилдан кам бўлмаган иш стажига эга бўлиши, шундан суғурта соҳасида бухгалтер сифатида бир йилдан кам бўлмаган иш стажига эга бўлиши.⁸⁶

Шунингдек, суғурталовчининг (суғурта брокерининг) бош бухгалтери деганда суғурталовчининг (суғурта брокерининг) бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқаруви вазифаларини амалга оширувчи, бухгалтерия ҳисобини ташкиллаштиришни ҳамда моддий, молиявий ресурсларнинг оқилона, тежамкорлик билан ишлатилишини назорат қилишни таъминлайдиган жисмоний шахс тушунилади.

в) бухгалтер сифатида 3 йилдан кам бўлмаган иш стажига эга бўлиши, шундан суғурта соҳасида бухгалтер сифатида бир йилдан кам бўлмаган иш стажига эга бўлиши.⁸⁷

Албатта, суғурта бозорининг профессионал иштирокчиларига қўйиладиган талабларнинг кучайтирилиши уларнинг билим даражасини ошишига, ўз фаолиятларини янада профессионал тарзда амалга оширишларини таъминлашга, кўрсатилаётган суғурта хизматларининг сифатини ўсиб боришига, суғурта шартномасини тузишда уларнинг роли мустаҳкамланиб боришига хизмат қилади.

2.6. Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси

Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси суғурта шартномалари ичида энг кенг тарқалган суғурта шартномаларидан биридир. Суғурта шартномасининг ушуб тури тобора ривожланиб такомиллашиб бормоқда. Шу боисдан транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасигна алоҳида тўхталиб ўтишни жоиз деб топдик.

Дунёда биринчи мартаба автотранспортни суғурта қилиш 1901 йилда Англияда амалга оширилган. Фақат ўша пайтда автомобилни суғурта қилиш қоидалари мавжуд бўлмаганлиги сабабли денгиз (кемалари) суғурта қоидалари бўйича қабул қилинган. Автотранспортни суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта полиси ҳам худди денгиз кемаларини суғурта қилиш шартномасиники каби ёзилган.⁸⁸

⁸⁶ Ўша манба. (қаранг: К.Е.Трубина. Теория и практика. Учебное пособие. – Москва.: Анкил, 2003 г. – С 60-61.)

⁸⁷ Ўша жойда.

⁸⁸ “Страховое право” (2-ое издание). В.В.Шахова, А.П.Архипова, В.Н.Григорьева. – М.: 2008 й.

Хорижий мамлакатларда транспортни суғурталаш ўтган юз йилликнинг бошларидан яъни, дастлабки автомобиллар ишлаб чиқарилиб, йўлларда транспорт қатновларининг кўпайишидан бошланган.

Автотранспорт эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш, яъни жабрланувчи учинчи шахснинг компенсация олиш муаммолари XX асрнинг 90-йилларининг бошларида Россия қонун чиқарувчи органларининг ҳаракатларини тезлаштирди.⁸⁹

Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш шартномасини тузиш автомобил ишлаб чиқаришнинг ўсиши билан кўпайиб борди. Айниқса, сўнгги 40 йил ичида Япония, Испания, Англия, Франция, Германия, Швеция мамлакатларида транспорт воситалари сони ниҳоятда кўпайди. Биргина АҚШда 1974 йилдаёқ 1,7 одамга ўртача битта транспорт воситаси тўғри келарди.⁹⁰

Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги қонунлар XX асрнинг охирларига келиб қабул қилина бошлаган. Европа Иқтисодий Ҳамжамияти давлатлари ўртасида транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги қонунни биринчи бўлиб қабул қилган давлат Дания ҳисобланади. Ушбу қонун Данияда 1927 йилда қабул қилинган. Орадан кўп вақт ўтмасдан Норвегия ва Финляндияда ҳам шунга ўхшаш қонун қабул қилинган. 1930 йилда Англия, 1932 йилда Люксембург, 1934 йилда Ирландия, 1935 йилда Чехославакия, 1939 йилда Германияда “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги қонун қабул қилинган.

Мажбурий суғурта шартномасини тузиш, ўзгартириш ва муддатида олдин тўхтатиш тартиби. Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси оммавий ҳисобланади ва бир йил муддатга тузилади.

Транспорт воситаларидан фойдаланишда транспорт воситалари эгаларининг жабрланувчилар ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича фуқаролик жавобгарлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ юзага келиши билан боғлиқ бўлган мулкый манфаатлари мажбурий суғурта қилиш объектидир.

Мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта қилдирувчининг ва (ёки) мажбурий транспорт воситаси бошқа эгасининг фуқаролик жавобгарлиги суғурта қилиниши мумкин.

Мажбурий суғурта шартномаси суғурталовчи томонидан суғурта қилдирувчига суғурта полисини ва махсус давлат белгисини тақдим этиш йўли билан тузилади. Суғурта полиси ва махсус давлат белгиси ҳисобланган суғурта муофоти тўлангандан кейин тақдим этилади.

⁸⁹ Шевчук В.А диссертацияси. 1998 й.

⁹⁰ Орлеиков И.Л. “Проблеми безопасности движения автомобильного транспорта ” США. 1973 г, - 101 с.

Суғурта полиси ва махсус давлат белгиси бланкаси қатъий ҳисобда турадиган ҳужжатлар ҳисобланади, улар ҳисобга олиш сериясига, тартиб рақамига ва ҳимояланганликнинг камида 3 та даражасига эга бўлиши керак.

Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасини тузиш учун суғурта қилдирувчи суғурталовчига мажбурий суғурта шартномасини тузиш тўғрисидаги ариза-анкетани ҳар бир транспорт воситаси бўйича тақдим этади, ушбу ариза-анкетага қуйидаги ҳужжатларнинг нусхалари илова қилинади:

а) транспорт воситасини бошқаришга қўйилган суғурта қилдирувчи – жисмоний шахснинг ва бошқа шахсларнинг паспорти ёки бошқа шахсини тасдиқловчи гувоҳномаси (фотосурати ва рўйхатга олинганлик тўғрисидаги охирги ёзув қайд этилган варақлари);

б) транспорт воситасининг техник паспорти (счёт маълумотномаси) ёки унинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (агар суғурта қилдирувчи ўзи эгаси бўлган транспорт воситасини мажбурий суғурта қилиш шартномасини тузиш вақтигача белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилмаган бўлса, транспорт воситасининг олди-сотди (алмашиш, ҳадя қилиш) шартномасининг нусхаси);

в) транспорт воситасини бошқаришга берилган ишончнома ёхуд ушбу транспорт воситасига эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи бошқа ҳужжат. Агар мажбурий суғурта шартномаси транспорт воситасини бошқаришга фақат муайян шахсларгина бошқаришга қўйилиши шarti билан тузилган бўлса (транспорт воситасини бошқаришга қўйилган барча шахслар учун, транспорт воситаси эгасидан ташқари);

г) транспорт воситасини бошқаришга қўйилган барча шахсларнинг ҳайдовчилик гувоҳномаси ёки барча ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар – транспорт воситасини бошқаришга фақат муайян шахслар қўйилиши шarti билан мажбурий суғурта шартномаси тузилган тақдирда;

д) суғурта қилдирувчи – жисмоний шахсларнинг, яъни суғурта муофоти бўйича сийлов олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар тоифасига тегишлилигини тасдиқловчи ҳужжатлар.⁹¹

Агар суғурта қилдирувчи ўзи эгаси бўлган транспорт воситасини мажбурий суғурта қилиш шартномасини тузиш вақтигача белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилмаган бўлса, мажбурий суғурта шартномасини тузиш тўғрисидаги аризани тўлдиришда “Давлат рўйхатидан ўтказиш рақами” сатирини тўлдирмайди. Транспорт воситаси давлат рўйхатидан ўтказилган санадан бошлаб 3 иш куни мобайнида суғурта қилдирувчи суғурталовчига техник паспорт ёки давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхасини тақдим этиши шарт. Суғурталовчи кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар асосида мажбурий суғурта бўйича суғурта полиси бланкасида тегишли ёзув қайд этади.

⁹¹ Кафолат ДАСК. Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидалари.

Мажбурий суғурта бўйича суғурта полиси ва махсус давлат белгиси йўқотиб қўйилган тақдирда суғурта қилдирувчи уларнинг дубликатларини олиш ҳуқуқига эга. Бунда суғурта қилдирувчи суғурталовчининг дубликатларни тайёрлаш учун қилган харажатлари ҳақини тўланган суғурта мукофоти суммасининг 10 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда тўлаши керак.

Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасининг амал қилиши:

а) транспорт воситасидан фойдаланиш белгиланган тартибда тақиқланганда;

б) мажбурий суғурта полисида кўрсатилган транспорт воситаси бундана буён фойдаланиш учун яроқсиз бўлиб қолганда;

в) транспорт воситасининг эгаси ўзгарганда муддатидан илгари тўхтатилади.

Мажбурий суғурта шартномасининг амал қилиши қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолатларда ҳам муддатидан олдин тўхтатилиши мумкин.

Мажбурий суғурта шартномасининг амал қилиши муддатидан олдин тўхтатилган тақдирда суғурта мукофотининг бир қисми тўланган товон суммасига ва мажбурий суғурта тўғрисидаги шартноманинг амал қилишининг кунлар ҳисобидаги қолган муддатига мутаносиб равишда қайтарилади.

“Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида” Қонунга мувофиқ қуйидагилар оқибатида фуқаролик жавобгарлигининг юзага келиши суғурта ҳодисаси ҳисобланмайди:

мажбурий суғурта бўйича суғурта полисида (бундан буён матнда суғурта полиси деб юритилади) кўрсатилмаган транспорт воситасидан фойдаланилганда зарар етказилганлиги;

маънавий зарар етказилганлиги ва (ёки) бой берилган фойданинг ўрнини қоплаш мажбуриятининг юзага келганлиги;

транспорт воситасидан махсус ажратилган жойларда мусобақалар, синовлар ёки ўқув машқлари мобайнида фойдаланилганда зарар етказилганлиги;

атроф муҳитнинг ифлосланганлиги;

ташилаётган юк таъсирида зарар етказилганлиги, агар бундай жавобгарлик мажбурий суғуртанинг тегишли тури тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ мажбурий суғурта қилиниши лозим бўлса;

ходимлар хизмат ёки меҳнат мажбуриятларини бажараётганида уларнинг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилганлиги, агар бу зарарнинг ўрни мажбурий суғуртанинг тегишли тури тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ қопланиши лозим бўлса;

ходимга зарар етказилганлиги туфайли келиб чиққан зарарнинг ўрнини иш берувчи томонидан қоплаш мажбурияти;

ҳайдовчининг ўзи бошқараётган транспорт воситасига ва унинг тиркамасига, уларда ташилаётган юкка ва (ёки) уларга ўрнатилган ускуналарга зарар етказганлиги;

юкни ортиш ёки туширишда, шунингдек транспорт воситаси мазкур транспорт воситасининг эгаси бўлган корхона, муассаса ёки ташкилот ҳудудида ҳаракатланаётганида зарар етказилганлиги;

нодир ва бошқа ноёб буюмларга, меъморий ёдгорликлар, қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тошлардан ва металллардан ишланган буюмларга, диний қадриятга эга буюмларга, санъат асарлари, қўлёзмалар, ноёб аудиовизуал асарларга ҳамда интеллектуал фаолиятнинг бошқа маҳсулларига, қимматли қоғозларга, нақд пулларга, шу жумладан чет эл валютасига шикаст етказилганлиги ёки уларнинг йўқ қилинганлиги;

жабрланувчиларнинг суғурта ҳодисаси юзага келишига қаратилган қасддан қилинган ҳаракатлари натижасида зарар етказилганлиги.⁹²

Суғурта пули мажбурий суғурта шартномасида миллий валютада кўрсатилади ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг мажбурий суғурта шартномаси тузилган кундаги курси бўйича белгиланади.

Мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурта мукофоти суғурта қилдирувчи томонидан суғурталовчига (унинг филиалига ёки суғурта агентига) мажбурий суғурта шартномасини тузиш вақтида нақд ёки нақд пулсиз ҳисоб-китоб бўйича бирийўла тўланади.

Нақд ҳисоб-китоб бўйича суғурта мукофотини тўлашда суғурталовчи (унинг филиали ёки суғурта агенти) пул маблағлари қабул қилинган сана тўлов санаси ҳисобланади. Нақдсиз ҳисоб-китоб бўйича суғурта мукофотини тўлашда пул маблағларининг суғурталовчининг (унинг филиали ёки суғурта агентининг) банкдаги ҳисоб рақамига тушган санаси суғурта мукофоти тўланган сана ҳисобланади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 июндаги 141-сонли қарори билан тасдиқланган "Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидалари"га асосан фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш мажбурияти қуйидаги транспорт воситалари эгаларига нисбатан татбиқ этилмайди:

- энг катта конструктив тезлиги соатига 20 километрдан ошмайдиган транспорт воситаларига;

- тиркамалар ва икки, уч қилдиракли ёки иш ҳажми 50 куб сантиметргача бўлган двигател ёки инсон ёхуд ҳайвон кучи билан ҳаракатга келтириладиган бошқа транспорт воситаларига;

- Қуролли Кучларнинг транспорт воситаларига, қуролли Кучларнинг хўжалик фаолиятини тامينлаш учун фойдаланиладиган автобуслар, енгил автомобиллар, бошқа транспорт воситалари бундан мустасно;

- чет давлатларда рўйхатдан ўтказилган транспорт воситаларига, агар улар эгаларининг фуқаролик жавобгарлиги Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қиладиган халқаро мажбурий суғурта тизимлари доирасида суғурта қилинган бўлса;

⁹² "Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2008 йил, 17-сон, 128-модда.

- эгаларининг фуқаролик жавобгарлиги қонунга мувофиқ бошқа шахс томонидан суғурта қилинган транспорт воситаларига.

Юқорида айтиб ўтилган қоидаларга асосан қуйидагиларга мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурта мукофоти тўлашда суғурта мукофоти суммасининг 50 фоизи миқдорида сийлов берилади:

- 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ёки партизанлари ёхуд уларга тенглаштирилган шахсларга;
- 1941-1945 йиллардаги уруш даври меҳнат fronti фахрийларига;
- контсентратсион лагерларнинг собиқ ёш тутқунларига;
- ҳарбий хизмат мажбуриятларини бажаришда яраланганлиги, контузия бўлганлиги ёки шикастланганлиги оқибатида ёхуд фронтда бўлиш билан боғлиқ касаллик туфайли ҳалок бўлган ҳарбий хизматчининг ота-онасидан бири ёки бошқа турмуш қурмаган бевасига;
- Чернобил АЭСдаги авария оқибатида жабрланганларга;
- пенсионерларга;
- ногиронларга.

Суғурта қилдирувчи суғурта ҳодисаси рўй берганда суғурталовчининг розилиги билан жабрланувчиларга етказилган зарарни ўз ҳисобидан қоплаши мумкин. Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидаларининг 56-бандига кўра, қуйидагилар суғурта қилдирувчининг етказилган зарар ўрнини қоплаганини тасдиқлаши мумкин:

- юридик шахслар учун – банкнинг тўлов амалга оширилганлиги тўғрисидаги белигиси қўйилган тўлов топшириқномаси нусхаси;
- жисмоний ташхслар учун – жабрланувчининг (унинг меросхўри ёки ҳуқуқий ворисининг) суғурта товонини олганлиги тўғрисидаги тилхати.

Н.Эгамбердиевнинг фикрича, суғурта қилдирувчиларга янада кенгрок имконият яратиш мақсадида йўл-транспорт ҳодисаси рўй берганда махсус таъмирлаш сервисининг транспорт воситасини таъмирлаш ишлари учун тўлов қоғозни ҳам ушбу рўйхатга киритиш лозим.⁹³

Н.Эгамбердиевнинг юқоридаги фикрларига қўшилган ҳолда, дастлаб ушбу механизмни мамлакатимизнинг барча жойларида жорий этишни ташкил этиш учун зарур шарт-шароитларни таъмирлаш сервисларида яратиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон Республикасининг “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилганда суғурта товонининг миқдори суғурта пулининг 65 фоизидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Бир нечта жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилганда ҳар бир жабрланувчига (унинг меросхўрига) тегадиган суғурта товони миқдори ҳар бир жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарнинг даражасига мутаносиб равишда, аниқланади.

⁹³ Н.Эгамбердиева. Транспорт воситалари ва мажбурий суғурта // Huquq va Burch. 2009 й, № 11 -49 б.

Шунингдек, қонунга асосан, жабрланувчининг мол-мулкига зарар етказилганда суғурта товонининг миқдори суғурта пулининг 35 фоизидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Бир нечта жабрланувчининг мол-мулкига зарар етказилганда ҳар бир жабрланувчига (унинг меросхўрига ёки ҳуқуқий ворисига) тегадиган суғурта товони миқдори ҳар бир жабрланувчининг мол-мулкига етказилган зарарнинг даражасига мутаносиб равишда, белгиланган сумма доирасида аниқланади.

Суғурталовчи суғурта қилдирувчининг (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахснинг) ташаббуси билан ёки суғурталовчининг талабига биноан зарарни бартараф қилиш ва (ёки) камайтириш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўрилиши муносабати билан юзага келган суғурта қилдирувчининг (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахснинг) барча билдирилган ва исботланадиган харажатларини, ҳатто бу чоралар муваффақиятсиз бўлган ҳолларда ҳам қоплайди.

Зарарни бартараф қилиш ва (ёки) камайтириш бўйича харажатлар суғурта товони миқдоридан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Суғурта товони суд харажатларини, шунингдек жарималар ва бошқа шу каби тўловларни қопламайди.

Жабрланувчининг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган суғурта пули доирасида қопланади.

Суғурта товони етказилган зарар миқдорида, лекин суғурта пулидан ошмаган миқдорда суғурталовчи томонидан бевосита жабрланувчига (унинг меросхўрига ёки ҳуқуқий ворисига) тўланади.

Агар суғурта қилдирувчи (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахс) жабрланувчига етказилган зарарнинг ўрнини суғурталовчининг ёзма розилиги билан ўз ҳисобидан қопласа, суғурта қилдирувчи (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахс) етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тартибида ўзи амалга оширган тўловларни тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этганидан кейин суғурталовчи суғурта қилдирувчига суғурта тўловини тўлайди.

Агар суғурта қилдирувчи (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахс) транспорт воситасидан фойдаланиш натижасида етказилган зарарнинг ўрнини жабрланувчига (унинг меросхўрига ёки ҳуқуқий ворисига) суғурталовчининг ёзма розилигисиз ҳар қандай усулда қопласа ёки қоплашни ваъда қилса, суғурта қилдирувчининг (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахснинг) бу ҳаракатлари суғурталовчи учун мажбуриятларни келтириб чиқармайди.

Жабрланувчи (унинг меросхўри) ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ҳисобига бошқа манбалардан олган тўловлар

суғурталовчининг суғурта товонини тўлаш бўйича мажбуриятини камайтирмайди.

Суғурта қилдирувчи (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахс) суғурта ҳодисаси содир бўлганда зарарни бартараф қилиш ва (ёки) камайтириш чораларини кўрганлиги ёхуд жабрланувчига кечиктириб бўлмайдиган ёрдам кўрсатганлиги суғурталовчининг “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Қонунда ўзи учун белгиланган мажбуриятларни бажаришни рад этишига асос бўлолмайди.

Агар мажбурий суғурта объекти бир вақтнинг ўзида ихтиёрий суғурта бўйича ҳам суғурталанган бўлса, ихтиёрий суғурта бўйича суғурта товони мажбурий суғурта бўйича суғурта товонини тўлаш шартларидан қатъи назар тўланади.

Агар суғурта ҳодисаси содир бўлиши натижасида жабрланувчи ҳалок бўлган ёки унинг соғлиғига зарар етказилган бўлса, суғурта товони “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 22-моддаси талаблари инобатга олинмаган ҳолда, шундай ҳодиса учун тўловни назарда тутувчи барча турдаги суғурта шартномаларига мувофиқ тўланади.

Агар битта суғурта ҳодисаси натижасида икки ёки ундан ортиқ суғурта қилдирувчининг (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахсларнинг) фуқаролик жавобгарлиги юзага келган бўлса, суғурталовчилар жабрланувчига (унинг меросхўрига ёки ҳуқуқий ворисига) ҳар бир суғурта қилдирувчининг (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахснинг) айби даражасига мувофиқ суғурта товонини тўлайди.

Агар суғурта ҳодисаси содир бўлганда суғурта товони тўловлари бир нечта жабрланувчига (уларнинг меросхўрларига ёки ҳуқуқий ворисларига) тўланиши керак бўлса ва уларнинг суғурталовчига билдирилган талаблари суммаси суғурта товони миқдоридан ортиқ бўлса, суғурта товони ҳар бир жабрланувчининг барча жабрланувчилар (уларнинг меросхўрлари ёки ҳуқуқий ворислари) талабларининг умумий суммасидаги улушига мутаносиб равишда тўланади.

Ўрни қопланиши лозим бўлган зарарнинг миқдори тўлиқ аниқлангунига қадар суғурталовчи жабрланувчининг (унинг меросхўри ёки ҳуқуқий ворисининг) аризасига кўра суғурта тўловининг мазкур зарарнинг амалда аниқланган қисмига мувофиқ бўлган қисмини тўлашга ҳақли.

Жабрланувчи (унинг меросхўри ёки ҳуқуқий вориси) билан келишувга кўра ва мажбурий суғурта шартномасида назарда тутилган шартлар асосида суғурталовчи шикастланган мол-мулкнинг суғурта товони ҳисобидан таъмирланишини ва (ёки) унинг қолдиқлари утилизация қилинишини ташкил қилишга ва ҳақини тўлашга ҳақли.

Суғурта товонини тўлаш суғурталовчи суғурта товонини тўлаш тўғрисида қарор қабул қилган кундан эътиборан беш иш кунидан кечиктирмай амалга оширилади.

Суғурталовчининг суғурта товонини тўлашни рад этиш тўғрисидаги ёки уни тўлаш ҳақидаги қарори суғурта қилдирувчига у суғурта товони тўлаш тўғрисида ёзма мурожаат этганидан кейин ўн беш кундан кечиктирмай хабар қилиниши керак ва товон тўлаш рад этилганда, қарорда рад этишнинг асослантирилган сабаблари кўрсатилиши лозим.

Агар суғурта товонини тўлаш Қонунда белгиланган муддатда амалга оширилмаган бўлса, суғурталовчи жабрланувчига (унинг меросхўрига ёки ҳуқуқий ворисига) суғурта товонига қўшимча равишда, суғурта товонини тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган кундаги банк фоизининг ҳисоб ставкасидан келиб чиққан ҳолда пеня тўлайди.

Агар мажбурий суғурта шартномаси амалда бўлган даврда суғурталовчи жабрланувчига (унинг меросхўрига ёки ҳуқуқий ворисига) суғурта товони тўласа, суғурта қилдирувчи суғурталовчидан суғурта товони тўланганлиги тўғрисидаги хабарнома олинган кундан эътиборан икки ҳафталик муддатда тўланган суғурта товони суммасига ва мажбурий суғурта шартномаси амал қилишининг қолган муддатига мутаносиб равишда қўшимча суғурта мукофотини тўлайди.

Суғурталовчи мажбурий суғурта шартномасининг амал қилиши даврида вужудга келган зарарларнинг ўрнини, агар жабрланувчи (унинг меросхўри ёки ҳуқуқий вориси) зарарларни келтириб чиқарган суғурта ҳодисаси ҳақида зарарларнинг ўрнини мажбурий суғурта шартномасининг амал қилиш муддати тугаганидан кейин уч йил ичида ундириш тўғрисида даъво аризаси берган бўлса, қоплайди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасининг муддатини узайтириш масаласини кўриб чиқиш суғурта қилдирувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилинишини кучайтиришга хизмат қилади. Фикримизча, транспорт воситаси эгаси бир йил муддат ўтгач ўз фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш бўйича янги шартнома тузиши ва суғурта мукофотини тўлаши лозим бўлади. Суғурта шартномалари бўйича суғурта ҳодисасининг юз бериши эҳтимолли характерга эга бўлганлиги учун бир йил ичида бундай ҳолат юз бермаслиги ҳам мумкин. Шунинг учун ушбу суғурта шартномасининг муддатини бир йилдан икки йиллик муддатга ёки ундан узоқроқ муддатга узайтириш транспорт воситаси эгасининг фуқаролик жавобгарлиги бўйича ҳуқуқий нормаларнинг такомиллаштиришга хизмат қилади деб ҳисоблаймиз.

Ш-БОБ. СУҒУРТА ШАРТНОМАЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ЖАВОБГАРЛИК МАСАЛАЛАРИ

3.1. Шартнома шартларини бузганлик учун жавобгарликнинг келиб чиқиш асослари

Суғурта шартномаси шартларининг бузилишини олдини олиш ҳамда бартараф этишнинг асосий йўлларида, воситаларида бири – бу ҳуқуқий жавобгарлик нормаларини қўллаш ва ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик чораларида фойдаланиш ҳисобланади.

“Жавобгарлик,- таниқли назарийчи олим С.Н.Братусь, -шартномага обрў кучини беради, унда кўрсатилган санкцияларни қўллаш хавфи билан шартнома томонларни керакли ҳаракатларни бажаришга мажбур этади”.⁹⁴ Х. Рахмонқулов бу фикрни такомиллаштирган ҳолда, “шартнома мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик чоралари ташкилот, корхоналар мулкӣ манфаатлари мулкӣ ҳимоясини таъминлайди, бузилган ҳуқуқларни тиклаш учун имконият яратади, бу ҳуқуқни бузганларга қонуний талаблар билдириш имкониятини беради”⁹⁵ деб таъкидлайди.

Ф.Шодмонов эса, юқоридаги муаллифларнинг фикрига қўшилган ҳолда, “ҳуқуқий жавобгарлик чораларини аниқ ва тўғри қўллаш, шартнома муносабатлари иштирокчиларининг қонун нормалари ҳамда шартнома шартларининг мажбурий бажарилишини таъмин этишга, у ёки бу томоннинг бузилган ҳуқуқларини тиклашга имкон беради”⁹⁶, - деган хулосага келади.

Дарҳақиқат, юқоридаги фикрларини тўла қўллаб-қувватлаган ҳолда суғурта шартномаларида шартнома шартларини бажармаганлик учун жавобгарликнинг белгиланишини шартнома субъектларини шартнома бўйича олган мажбуриятларини ўз вақтида ва сифатли қилиб бажаришларига ундовчи асосий восита деб ҳисобланади.

Маълумки, суғурта шартномаларига биноан томонлар ўзларига қатор мажбуриятларни оладилар. Булар суғурта тўловларини, суғурта бвадалларини ўз вақтида тўлаш, суғурта полисини беришни кечиктирмаслик, суғурта объектини асраш, суғурта ҳодисаси рўй берганида вақтида хабар бериш ва ҳоказо шартлар бўлиши мумкин. Суғурта шартномасидан келиб чиқадиган ушбу талаб ва шартларга риоя қилмаслик, уларни қўпол равишда бузиш уларни ҳуқуқий жавобгарликка тортиш учун асос бўлиб ҳисобланади.

Суғурта шартномалари муносабатларига оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик фақат қонун нормаларига риоя қилмасликдангина келиб чиқмасдан, балки шартнома қоидаларига риоя этмаслик ва уларни бузиш орқали ҳам вужудга келар экан. “Янги хўжалик юритиш шароитида,- деб

⁹⁴ Аминжонова М.А Бозор иқтисодиёти шароитида суғурта хизмати кўрстаишнинг фуқаролик ҳуқуқий муаммолари – Монография. Т.: 2006 й. (Қаранг: Братусь С.Н. “О роли и право в развитии производственных отношений.” – М.: Знание, №36. 1954, 9-стр.)

⁹⁵ Аминжонова М.А Бозор иқтисодиёти шароитида суғурта хизмати кўрстаишнинг фуқаролик ҳуқуқий муаммолари – Монография. Т.: 2006 й. (Қаранг: Рахмонқулов Х.Р. Договорные отношения в агропромышленном комплексе. Т.: 1989.-90 с.)

⁹⁶ Ўша манба.

таъкидлайди Х.Рахмонкулов, - жавобгарликни шартномада белгиланган санкция юритиш шароитида (жавобгарликни шартномада белгиланган санкция таъсирида) шартнома томонлари мажбуриятларини бажаришга ўзаро мажбур этадиган ҳолат сифатида қараш керак. Демак, мажбуриятни бузганлик учун жавобгарликни юклаш орқали нафақат қонунда ўрнатилган, балки шартномадаги санкциялар ҳам амалда бўлади”.⁹⁷

Юқоридагиларга кўра суғурта шартномаларини бузганлик учун ҳуқуқий жавобгарлик асоси бўлиб, биринчидан, шартномага оид ҳуқуқбузарликнинг содир этилиши, иккинчидан, шу хилдаги ҳуқуқбузарликлар учун қонунда белгиланган чораларнинг мавжуд бўлиши ҳисобланади.

Суғурта шартномаларини бузганлик учун қўлланиладиган энг асосий жавобгарлик турларидан бири фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик бўлиб, у шартнома иштирокчиларига мулкӣ зарар етиши натижасида келиб чиқади.

Манбаларда фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг асосий шакллари сифатида зарарни қоплаш, неустойка тўлаш, бошқа пул маблағларидан фойдалангани учун фоиз тўлаш, маънавий зарарни қоплаш келтириб ўтилади.⁹⁸

Суғурта шартномаларини бузганлик учун фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик чоралари сифатида зарарни тўлаш, пеня ва неустойка қўлланилади.. Маълумки фуқаролик қонунчилиги бўйича жавобгарлик туридан тўғри етказилган зарар учун ҳам, шунингдек, зарар етказилмаслиги оқибатида олинishi мумкин бўлган, лекин олинмай қолган даромад учун ҳам келиб чиқади. Демак суғурта шартномаларини бузиш оқибатида келиб чиқадиган зарар икки гуруҳга бўлишимиз мумкин:

1) томонларга мулкӣ зарар етказилиши. Суғурта шартномасининг белгиланган тартибга амал қилмаган ҳолда тузилмаганлиги сабабли, суғурта шартномасида белгиланган суғурта товонини ололмаслик натижасида суғурталанувчига мулкӣ зарар етказилиши мумкин, бироқ бу зарар айнан суғурталанувчининг айби билан ҳам етказилган бўлиши мумкин. Масалан суғурталанаётган мол-мулкни ўғирланганлигини яширган ҳолда суғурта шартномаси тузиш натижасида белгиланган суғурта товонини тўлашни рад этиш оқибатида мулкӣ зарар кўриш;

2) Кўзда тутилган даромадни ололмай қолишидан келиб чиқадиган зарар (шартнома шартлари бажарилмаганлиги сабабли олинмай қолинган). Мулкӣ жавобгарликнинг шакллари сифатида зарарни ундириш ва неустойкага хос хусусиятларни Х.Рахмонкулов қуйидагича тавсифлайди:

Биринчидан, гарчи зарарни ундириш қонунда жавобгарлик чораси сифатида кўрсатилсада, уларнинг миқдори қоидага кўра, етказилган зарарнинг миқдорига боғлаб ҳисобланади ва улар исботланиши керак. Бошқача қилиб айтганда, зарарни ундириш олдиндан назарда тутилган

⁹⁷ М Аминжонова. “Бозор иқтисодиёти шароитида суғурта хизмати кўрсатишнинг фуқаролик-ҳуқуқий муаммолари”. Монография. – Т.: 2006, -85 б. (Қаранг: Рахмонкулов Х.Р. Договорные отношения в агропромышленном комплексе. Т.: 1989.-90 с).

⁹⁸ Косаренко Н.Н, “Страхованное право” М.: Флинта, 2008 г, - с 288.

бўлсада, унинг суммаси мажбурият бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарнинг миқдори билан белгиланади. У ёки бу ҳуқуқбузарлик тури учун неустойка (пеня ва жарима) қўллаш ва унинг миқдори ҳар қандай ҳолатда олдиндан қонун ва шартнома билан белгиланади; иккинчидан, зарарни ундириш учун умумий даъво муддати ҳаракатда бўлади, (неустойка, пеня, жарима учун қисқартирилган даъво муддати) учинчидан, зарарни ундириш учун жавобгарлик асосларининг тўла таркиби, яъни, ҳуқуққа ҳилоф ҳаракат, зарар, ҳуқуққа ҳилоф ҳаракат билан зарар ўртасидаги сабабий боғланиш, зарар етказганнинг айби бўлиши талаб этилади. Неустойка ундиришда ҳаракат билан зарар ўртасидаги сабабий боғланишни исбот қилиш талаб этилмайди. Бунинг учун қонунга ҳилоф ҳаракат ва қарздорнинг айби мавжудлиги, етарли.⁹⁹ Масалан, суғурта шартномасига кўра, суғурта ҳодисаси рўй берганида тўланиши лозим бўлган суғурта товонини белгиланган муддатда тўламасликнинг ўзи пеня ундириш учун асос бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик фақат қонунда кўрсатилган шарт-шароит вужудга келгандагина келиб чиқиши мумкин. Бу шарт-шароитлар фуқаролик ҳуқуқбузарлигининг таркибини ташкил этиб, шу ҳилдаги ҳуқуқий жавобгарликка тортиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Булар қуйидагилардир:

- а) зарарнинг мавжудлиги;
- б) ҳуқуққа зид хулқ-атвор (мажбуриятни бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик);
- в) ҳуқуққа зид хулқ-атвор билан етказилган зарар ўртасидаги сабабий боғланиш;
- г) айбнинг мавжудлиги;

Мана шу элементлар мавжуд бўлгандагина фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик келиб чиқади.

Чунончи, суғурта шартномасида белгиланган муддатда суғурта товонини тўламаслик суғурта идораларининг жавобгарлигига сабаб бўлади. Бунда суғурта ташкилоти шартномани лозим даражада бажармаганлиги, унинг бу ҳаракатлари суғурта қонунчилигига зидлиги ва суғурта товонини тўламаганлиги суғурта ташкилотининг айби эканлигидан келиб чиқиб, суғурталанувчиларга суғурта тўлаш билан бирга, шу суғурта товонини беришни кечиктирилган ҳар бир кун учун пеня белгиланган миқдорда қўшиб тўланади. Агар бу тўловлар суд тартибида ундирилаётган бўлса, албатта, суғурта қилдирувчининг шу суғурта ташкилотига суғурта товонини олиш билан боғлиқ бўлган ҳаражатларини ҳам ҳисобга олиш лозим.

Суғурта шартномаси шартларини бузганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг қўлланилиши шартнома тарафларининг ўз мажбуриятларини белигланган тартибда ва муддатларда бажарилишини таъминлашга хизмат қилади.

⁹⁹ М Аминжонова. “Бозор иқтисодиёти шароитида суғурта хизмати кўрсатишнинг фуқаролик-ҳуқуқий муаммолари”. Монография. – Т.: 2006, -87 б. (Қаранг: Раҳмонқулов Х.Р. Договорные отношения вагропромышленном комплексе.- Т.: 1989. -208с).

3.2. Суғурта шартномаси шартларини бузганлик учун тарафларнинг жавобгарлиги

Шартномавий жавобгарлик асосларининг моҳияти, худди шартномавий бўлмаган (деликт) жавобгарлик асосларининг моҳияти сингаридир. Зеро, у ҳолда ҳам бу ҳолда ҳам жавобгарлик юклаш учун ҳуқуқбузарлик таркибининг тегишли элементлари мавжуд бўлиши талаб этилади. Аммо шартноманинг маълум шартларини бузганлик учун юклатиладиган шартномавий жавобгарликнинг шакли ва миқдорлари ҳажми қонунда олдиндан белгилаб қўйилган шартномада тарафлар томонидан шарт қилиб бўлади.

Суғурта шартномаси томонлар ўртасида ўзаро шартнома орқали тартибга солинади. Суғурта шартномаси муносабатларида суғурта қилувчи (суғурта идораси)нинг вакили, суғурта қилдирувчи жисмоний шахс ёки юридик шахснинг вакили ва шартномада суғурта пулини олиши белгиланган наф олувчи қатнашади.

Ҳар бир томоннинг шартномада белгиланган мажбуриятлари мавжуд бўлиб, улар шартнома кучга кириши билан бу мажбуриятларни бажаришга киришади. Шартномада томонларнинг белгиланган мажбуриятларни бажармагани ёки маълум даражада бажармагани, кечиктириб бажаргани ва бошқа шартнома шартларини бажармагани учун ушбу шартномада ёки қонун ҳужжатларида жавобгарлик белгиланади.

Шартномавий жавобгарликнинг иккита асосий шакли мавжуд: булар неустойка ва зарарни қоплашдир. Бу шаклларнинг қўлланилиши умумий шартномавий ҳуқуқ нормалари томонидан кўзда тутилади, шунингдек, улар шартноманинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, алоҳида норматив актлар томонидан ҳам назарда тутилиши мумкин.

Зарарни қоплаш ва неустойкани ундириш, мулкий жавобгарликнинг алоҳида-алоҳида шакллари сифатида ўзига хос хусусиятларга эга. Зарарни қоплаш жавобгарлик чораси сифатида қонунда назарда тутилса ҳам, унинг миқдори, қоида бўйича етказилган зарар миқдорига боғлиқ равишда ҳисоблаб чиқарилади ва у исботланган бўлиши лозим.

Зарар деганда, кредитор қилган сарф-ҳаражатлар, мол-мулкнинг йўқолиши, шунингдек, мажбуриятини бажарганида у олиши мумкин бўлган, лекин ололмай қолган даромадлар (бой берилган фойда) тушунилади.

Суғурта шартномасида, суғурталовчининг жавобгарлиги суғурта қопламасини тўлашни кечиктирганликда, суғурта шартномасини асоссиз ҳақиқикӣ эмас деб топганда, суғурта товонини ноқонуний тўлашдан бош тортганда ва суғурта қопламаларини ҳисоблашда қасддан ёки эҳтиётсизлик натижасида етказилган зарар миқдорини ошириб ёки камайтириб кўрсатиш натижасида суғурта вакили томонидан суғурта бадалларини ўз вақтида суғурта идорасига топширмаганликда, суғурта бадалларни нотўғри ҳисоблаш каби ҳолатларда келиб чиқади. Суғурта хизмати кўрсатиш юзасидан шартномавий муносабатда қатнашаётган томонлардан шу шартнома юзасидан суғурта ҳодисасини келиб чиқишида айбдор бўлган шахс ҳам

суғурта қилдирувчига зарар етказганлиги учун жавобгар тариқасида жалб қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ,¹⁰⁰ агар суғурта товонини тўлаш Қонунда белгиланган муддатда амалга оширилмаган бўлса, суғурталовчи жабрланувчига (унинг меросхўрига ёки ҳуқуқий ворисига) суғурта товонига қўшимча равишда, суғурта товонини тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган кундаги банк фоизининг ҳисоб ставкасидан келиб чиққан ҳолда пеня тўлайди.

Бундай жавобгарлик, суғурта бадалларини тўлашни кечиктирганлиги учун суғурта қилдирувчига ҳам белгиланиши мумкин. Пеняларни тегишли томонлардан ундирилиши, албатта, уларни шартномадаги мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

Суғурта хизмати кўрсатиш юзасидан шартномаларда суғурта қилдирувчининг жавобгарлиги шартноманинг шаклига боғлиқ ҳолда турлича амалга оширилади. Суғурта қилдирувчининг жавобгарлик масаласи кўпинча суғурта бадалини ўз вақтида тўламаслик оқибати билан боғлиқ бўлиб, мажбурий суғурта шартномаларида белгиланган бадал миқдори ўз вақтида тўланмаса, тегишли қонунларда белгиланган қўшимча жарима билан биргаликда мажбурия тарзда ундириб олинади. Бу суғурталанувчининг шартномада белгиланган мажбуриятини бажармаганлиги сабабли қонунда белгиланган санкция асосидаги жавобгарлиги ҳисобланади.

Ихтиёрий суғурта шартномаларида эса суғурта бадаллари тўланмаганида уларга нисбатан бундай жавобгарлик қўлланилмайди. Аксинча, суғурта ҳодисаси рўй берганда тўланган бадалга нисбатан суғурта товони тўлаш амалга оширилади. Чунончи, суғурта идораси билан суғурта қилдирувчи ўртасида бирор-бир мулкни ёки манфаатни суғурта қилиш, уларнинг қонунийлигини текшириб олиш, ҳужжатларни юридик тартибда тўлдирилмаганлиги учун уларни қайтариш ва қайта тузишни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Суғурта идораси томонидан ана шундай ҳужжатларни лозим даражада тузилмаганлигини асос қилиб олиб, суғурта шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида судга даъво қўзғатилиши мумкин. Бу тоифадаги низони суд томонидан кўриб, ҳал қилишда қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилиши лозим: суғурта идораси томонидан суғурта шартномасини тузиш жакраёнида, ушбу ҳужжатларни қонуний тузилмаганлиги текшириб қабул қилинмаганлиги, шу ҳужжатларни қонуний тузилмаганлиги ҳақида суғурта қилдирувчига билдирилганлиги ва қайта тузишни талаб қилинганлиги. Агар суғурта идораси томонидан ушбу ҳужжатлар текширилмасдан тўғридан-тўғри қабул қилинган бўлса, унда суғурта қопламасини кўрган зарарга мутаносиб равишда тўлаши шарт. Чунки, суғурта идораси бундай ҳужжатларни қабул қилмаслиги ва суғурта қилдирувчини бу ҳақида огоҳлантириши лозим бўлади. Бундай ҳолларда

¹⁰⁰ ”Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. ”Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2008 йил, 17-сон, 128-модда.

суғурта идоралари суғурта шартномасини утзишни амалга оширган суғурта агентларига нисбатан жавобгарлик масаласини кўриб чиқишлари лозим. Агар суғурта қилдирувчи тузган ҳужжатларнинг қонунийлигини таъминлаш ҳақида талаб қўйилганлигига қарамасдан, суғурталовчининг талабларини бажармаган бўлса, суғурталовчи шартномани ҳақиқий эмаслигини асос қилиб, суғурта қопламасини тўлашдан бош тортишга ҳақли бўлади.

Башарти, суғурталовчи томонидан тузилиши лозим бўлган суғурта полиси суғурта объектини текшириб олиш далолатномаси, суғурта ҳодисаси рўй берганидан кейин тузилиши лозим бўлган далолатноманинг ва бошқа ҳужжатларнинг қонун талаблари даражасида тузилмаса, бу ҳолат ҳам суғурта шартномасини бекор қилиш учун асос бўлиши мумкин эмас. Мазкур шароитда, суғурта ҳодисаси рўй бериб, суғурта қопламасини тўлашни талаб қилган суғурта қилдирувчига суғурта қопламаси тўлиқ тўланиши лозим. Бунда суғурта идорасининг шу ҳужжатларни тузишга маъсул бўлган ходимиغا нисбатан интизомий ва фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлик масаласи кўрилиши мумкин.

Суғурта шартномасининг шартларини суғурталовчи томонидан бузишга йўл қўйилиши, баъзи ҳолларда суғурта идораларининг ўзига зарар келтириши мумкин. Суғурта идораларининг юқорида таъкидланган ҳаракатлари оқибатида, яъни шартномани ноқонуний рад этишда, суғурта қилдирувчига зарар етказилса ва аксинча, суғурта идораси вакили билан суғурта қилдирувчининг ўзаро жиной тил бириктириши натижасида суғурта идораларининг фондига зарар етказилади. Бундай ҳолатлар келиб чиқишини олдини олиш мақсадида, суғурота ҳодисаси рўй берганидан сўнг, бу ҳақда хабар олган суғурта идоралари тегишли далолатнома тузиш учун белгиланган муддатни ўтказиб юбормасдан, зудлик билан ҳодиса содир бўлган жойга етиб бориши, қандай суғурта ҳодисаси рўй берганлигига қараб, тегишли мутасадди ташкилот вакиллари масалан, агар ёнғин содир бўлган бўлса ёнғин хавфсизлиги органларини, агар газ билан боғлиқ ҳодисалар рўй берган бўлса, газ билан таъминлаш идораси вакиллари ва шунга ўхшаган тегишли ташкилотлар вакиллари чақиртириб улар иштирокида ҳолатни ўрганишлари ва баҳолашлари зарур. Далолатномани тузишда ҳар бир суғурта ҳодисаси натижасида зарарланган объектлар синчковлик билан текшириб чиқиши лозим. Бунда шу объектларни бошқа объектлар билан, яъни суғурта пулини олиш мақсадида, бошқа бировнинг шикастланган мол-мулкни ўзининг суғурталанган мол-мулкига вақтинча алмаштиришга йўл қўймаслик керак.

Юқоридаги ҳолат бўйича, яъни ўзаро тил бириктириб суғурта пулини ноқонуний равишда ўзлаштириш ҳар икки томон учун ҳам келтирилган зарар миқдорига қараб, фуқаровий ва жиной жавобгарликни келтириб чиқаради.

Суғурта қилдирувчи ёки суғурта идоралари томонидан мажбурий суғурта шартномасини амалга оширишдан бош тортганлик учун Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида келтирилган зарарни ундириш тартиби тўғрисидаги қоидаларга мувофиқ жавобгарликбилан бир қаторда қонун

хужжатларида белгиланган бошқа жавобгарликнинг ҳам татбиқ этилиши мустаҳкамланган.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодекси ва Жиноят кодексларида, Солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан бош тортганлик учун жавобгарлик белгиланган бўлсада, суғурта қонунчилигини бузганлик учун, суғурта шартномаси солиқдан фарқ қилишини, тўлов турларидан бири бўлиб ҳисобланмаслиги сабабли, ушбу моддалар билан жавобгарлик белгиланиши мумкин эмас.

Суғурта шартномасининг муҳим жиҳатларидан бири суғурта ҳодисасининг келиб чиқиш пайти ҳисобланади. Амалдаги қонунчилик ва шартнома шартига мувофиқ суғурта ҳодисаси бўлиб, жумладан, кредитни қайтарилишини кафолатловчи суғурта шартномасига кўра суғурталанувчининг кредитордан олган кредитини унинг муддати келган пайтда қайтарилмаслиги ҳисобланади. Ушбу ҳолат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 1995 йил 26 июндаги 292-сонли Қарорига қилинган 4 илова (Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектларини суғурта қилиш тартиби)нинг 6-бандида ҳам мустаҳкамланган. Олинган кредитни тўла қайтариш муддати суғурта хавф-хатарини аниқлашда муҳим ҳолат ва шарт ҳисобланади, чунки молиялаштирилаётган лойиҳанинг амалга оширилиши сарф қилинган харажатларнинг тўла қопланиш вақти билан белгиланади. Айнан мана шу эришиладиган натижани мақсад қилиб кредитнинг тўлиқ қайтарилиш пайти, яъни кредит шартномасининг амалда бўлиш муддати тугаган вақтда суғурта ҳодисаси юзага келиши назарда тутилиши керак.

Суғурта шартномаси шартларини бузишга асос бўлувчи ва фуқаролик ҳуқуқий жавобгарликнинг келиб чиқишига асос бўлувчи ҳолатлардан бири бу суғурталанувчи томонидан суғурта ҳодисаси юз берганлиги тўғрисидаги хабарни суғурталовчига етказилмаслиги, суғурталовчилар томонидан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 951-моддасига кўра, суғурта товонини тўлашни рад этишга асос бўлиши мумкин.

Маълумки, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида транспорт ҳайдовчиларининг учинчи шахс олдидаги жавобгарлиги суғуртаси мажбурий тартибда амалга оширилмоқда. Республикамизда мажбурий суғурта тури жаҳон тажрибаларига асосланган ҳолда жорий қилинган бўлиб, суғуртанинг бу тури йўл ҳодисалари натижасида ҳайдовчи томонидан етказилган зарарни зудлик билан қоплаш имкониятини беради. Шу маънода, ҳар бир ҳайдовчи ўз жавобгарлигини суғурталаши мажбур эканлигини ҳисобга олсак, бу турдаги шартномаларни амалга оширишдан бўйин товлаганлик учун жавобгарлик масалаларини белгилаши лозим. Суғурта полисларини бериш тартиби юзасидан ҳам суғурта идораларига тегишлича жавобгарлик белгилаш зарур. Чунки, амалиётда кўп ҳолларда шартномада белгиланган суғурта бадали тўланмасада, суғурта идоралари томонидан суғурта полислари берилиб, шартноманинг тугаши муддатида хўжалик судларига хўжалик судларига даъво қўзғатиш орқали суғурта бадалларини ундириб олишмоқда. Зеро, суғурта идоралари томонидан ҳали кучга кирмаган шартнома учун суғурта

бадали тўланмай туриб, суғурта полисининг берилиши маълум юридик оқибатларга, яъни гаровга қўйилган мол-мулкка зарар этказилганида, уни қоплаш юзасидан кафиллик бериб, фермер хўжалигининг кредит олишига эришилмоқда. Ваҳоланки, тегишли бадал тўлангунига қадар, суғурта ҳодисаси келиб чиқса, суғурта тўловини ундириш даъвоси учун бу шартнома асос бўлолмайди ва суғурта тўлови тўланмайди. Натижада, банк билан кредит олувчи ўртасида кредитни қоплаш юзасидан гаровга қўйилган мулкни бошқа мулк билан алмаштириш тўғрисида низо келиб чиқади. Башарти, кредит олувчида гаровга қўйиш учун бошқа мулки бўлса масала осон ҳал қилинади, акс ҳолда, суғурта идораси суғурта қилдирувчи ва банк ўртасида сансоларликлар, низолар юзага келади. Бундай ҳолларда суғурта идоралари суғурта бадали тўланмаганлигини важ қилиб даъвони таъминлашдан бош тортади. Бироқ нима учун суғурта шартномаси кучга кирмай туриб, суғурта полисининг берилганлиги эътибордан четда қолдирилиб, суғурта идорасининг талаби қондирилмоқда. Биринчи ҳолат бўйича ҳам суғурта бадали тўланмай туриб, полис берилганлигига қарамай бу бадал шартнома муддати тугашига яқин қолганида мажбурий тартибда ундириб олинган. Албатта, суғурта бадалини мажбурий тартибда ундириб олиш суғурта шартномасида кўрсатилади, лекин суғурта идоралари томонидан бу бадални ундириб олиш суғурта шартномасини тугаши жараёнида амалга оширилмаслиги керак. Чунки, бу ҳолат суғурта идоралари томонидан суғурта ҳодисаси юз берганида суғурта бадали тўланмаганлигини асос қилиб, суғурта товонини тўлашдан бош тортишга имконият туғилади.

Тузилаётган суғурта шартномалари сонининг ортиб бориши билан ўз-ўзидан суғурта шартномаси шартларини бажармаслик ёки бузиш ҳолатлари ҳам ортиб боришига сабаб бўлади.

Фикримизча, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида суғурта шартномаси шартларини бузганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни назарда тутувчи ҳуқуқий норма ўз ифодасини топиши ёки шартнома шартларини бажармаганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи нормаларга ҳавола қилиниши тарафларнинг суғурта шартномасида кўрсатилган мажбуриятларини ўз вақтида, қонун доирасида бажарилишини таъминлаш жараёнини такомиллаштиришга хизмат қилади.

ХУЛОСА

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган демократик ислохотлардан кўзланган асосий мақсад, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатларини янада мустаҳкамлаш, уларнинг турмуш даражасини юксалтириш, бозор иятисодиётига ўтиш шароитида хусусий тадбиркорлик субъектларининг ўз имкониятларидан самарали фойдаланишни, кичик бизнесни ривожлантирган ҳолада мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш кабилардир. Бу вазифаларни амалга оширишда суғуртанинг аҳамияти бекиёсдир.

Президентимиз И.Каримов таъкидлаганларидек, “Шу нарса аниқки, бугунги кунда хўжалик юритувчи субъектлар, айниқса, кичик ва хусусий бизнес вакиллари, қишлоқ-товар ишлаб чиқарувчилари такомиллашган суғурта тизимисиз самарали ишлаш, инвестиция фаолияти билан шуғулланиш, кредит олиш имкониятига эга эмас”.

Президентимизнинг юқоридаги сўзларидан келиб чиққан ҳолда, суғурта фаолиятини ривожлантириш, суғурта шартномаларни тузиш, тадбиркорлик субъектларни такомиллашган суғурта хизматлари билан таъминлашга қай даражда эътибор берилаётганлигини билиб олиш мумкин.

Суғурта шартномалари билан боғлиқ муносабатларни татқиқ этиш жараёнида қуйидаги таклиф ва мулоҳазаларни илгари суришни лозим деб топамиз:

Энг аввало суғурта шартномасига оид фуқаролик-ҳуқуқий нормаларни такомиллаштириш зарур;

Иккинчидан, суғурта шартномасининг Фуқаролик кодексида берилмаган турларига оид ҳуқуқий нормаларни киритиш лозим. Жумладан, шахсий суғурта шартномасининг турлари, қайта суғурталаш шартномаси, касбий фаолият бўйича жавобгарликни, фуқаровий жавобгарликни ифодаловчи шартномаларга оид ҳуқуқий нормаларни киритиш лозим;

Учинчидан, суғурта шартномаси тарафлари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан боғлиқ қоидалар суғурта шартномасини тартибга солувчи Фуқаролик кодексида аксини топиши керак;

Тўртинчидан, суғурта шартномаси шартларини бузганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни ҳуқуқий тартибга солиш масаласини ҳал қилиш керак;

Бешинчидан, суғурта шартномаларининг қонунийлигини назорат қилиш фаолиятини такомиллаштириш жараёнида мустақил давлат идорасини ташкил этиш лозим.

М.Аминжонова суғурта фаолиятига таалукли қоидаларнинг турли ҳуқуқ соҳаларига оид (фуқаролик, маъмурий, молия ва ҳоказо) қонун ҳужжатларида ифодаланганлиги ва тарқоқ ҳолда эканлиги, муайян маънода, суғурта бозори ривожланишига ҳалал бераётганлигини ҳамда бу соҳадаги қонун ҳужжатларини татбиқ этишда ҳам мураккаблиklar туғдираётганлигини эътиборга олган ҳолда, суғурта иши, суғурта фаолияти ва суғурта шартномаси муносабатларини комплекс ҳолда тартибга солувчи,

ягона суғурта кодексининг ишлаб чиқилиши ва қабул қилинишини таклиф қилади.¹⁰¹

М.Аминжонованинг фикрига қўшилган ҳолда, суғурта кодексининг қабул қилиниши айниқса, суғурта шартномаси билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий тартибга солинишини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этшини таъкидлаб ўтишни жоиз деб ҳисоблаймиз.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида суғурта шартномасига доир фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар тобора такомиллашиб бораётганлигини, лекин шу билан бирга суғурта шартномасининг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга доир бир қатор муаммолар борлигини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз.

¹⁰¹ М.Аминжонова Бозор иқтисодиёти шароитида суғурта хизмати кўрсатишнинг фуқаролик-ҳуқуқий муаммолари. Т.: 2006, - б 99.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I.Рахбарий адабиётлар:

- 1.1 Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. -Т.: Ўзбекистон. 1996. Т.1. -364 б.
- 1.2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. –Т.: Ўзбекистон. 1994. Т.2. -380 б.
- 1.3. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. –Т.: Ўзбекистон. 1995. -269 б.
- 1.5. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т.5. -Т.: Ўзбекистон. 1997. Т.5. -384 б.
- 1.3 Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. -Т.: Ўзбекистон. 1998. Т.6. -431б.
- 1.6 Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. –Т.: Ўзбекистон. 2000. Т.8. -528 б.
- 1.7 Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. -Т.: Ўзбекистон. 2001. Т.9. -439 б.
- 1.8 Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. –Т.: Ўзбекистон. 2002. Т.10. -432 б.
- 1.9 Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. –Т.: Ўзбекистон. 2003. Т.11. -320 б.
- 1.10 Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродасига боғлиқ. Т.12.- Т.: Ўзбекистон, 2004.
- 1.11 Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. Т.14. –Т.: Ўзбекистон, 2006.
- 1.12 Каримов И.А “Жамиятимизни эркинлаштириш ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир” Т.: Ўзбекистон. Т 15
- 1.13 Каримов И.А. Инсон манфаатларини таъминлаш,ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш – устувор вазифамиздир.
- 1.14. Каримов И.А. Асосий мақсадимиз - юртимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини қатъият билан давом эттиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2007.

II. МАХСУС АДАБИЁТЛАР

- 2.1. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳуқуқи. II қисм Дарслик. Т.: “Адолат” 2007 й.
- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексининг иккинчи қисмига шарҳлар. Т.: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси”, 1998 й, - 634 б.
- 2.2. М.Аминжонова “Бозор иқтисодиёти шароитида суғурта хизмати кўрсатишнинг фуқаролик-ҳуқуқий муаммолари” Монография. Т.: 2006 й, - б 115.

- 2.3. М.Йўлдошев, Й.Турсунов “Суғурта ҳуқуқи”. –Т.: Молия, 2002 й.
 - 2.4. Ш.Жаппаров. “Бозор иқтисодиёти шароитида суғурта”. –Т.: “Иқтисодиёт ва таълим”, 2003 й.
 - 2.5. Янги қонунлар моҳияти. - Т.: Илм Зиё, 2009.
 - 2.6. Косаренко Н.Н. Страхование. М.: Флинта, 2008.
 - 2.7. Шахов В.В. Страхование. М.: Юнити, 2001 г.
 - 2.8. “Страхование право” (2 ое издание). В.В.Шахова, А.П.Архипова, В.Н.Григорьева. Москва -2008.
 - 2.9. Собиров Х. “Суғурта : 100 савол ва 100 жавоб” – Т.: Меҳнат. 1998.
 - 2.10. Гражданское право. Учебник Том 2 . под редакции А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого – М.: Проспект, 2006.
 - 2.11. Брагинский М.И, В.В. Витрянский. Договорное право. – М.: Статут, 2008.
 - 2.12. Бартошек М. Римское право. Понятие. Термины. Определения.
 - 2.13. Пилыева.В.В. Гражданское право с образцами договоров. Учебное пособие. М.: Инфра.
 - 2.14. А.М.Гатин. Гражданское право. Учебное пособие. М.: 2008
 - 2.15. Тадбиркорлик ҳуқуқи. Махсус қисм. – Т.: Консаудитинформ, 2002 й, - 330 б.
 - 2.16. Суғурта агентлари учун қўлланма/ и.ф.н. Х.М.Шеннаев. – Тошкент, 2010.
 - 2.17. Э.Хожиев. Ўзбекистон Республикасида суғурта муносабатларини тартибга солиш. Т.: ТДЮИ, 2003 й.
 - 2.18. Юлдашев А, Раҳмонов Р. Суғурта хизматлари бозори ва унинг ҳуқуқий асослари. –Т.: ТДЮИ, 2008.
 - 2.19. Ўзбекистон юридик энциклопедияси. Т.: Адолат, 2009.
 - 2.20. Кафолат ДАСК. Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидалари.
 - 2.21. Мережкина М.С. Возмещение вреда лицом, застраховавшим свою ответственность. – М.: Юрист. № 3. 2008.
 - 2.22. Орлеиков И.Л. “Проблемы безопасности движения автомобильного транспорта ” США. 1973 г.
 - 2.23. Ваҳобов А, Бурҳонов У, Жумаев Н Чет мамлакатлар молияси. – Т.: Янги аср авлоди, 2003.
 - 2.24. Нуқид ва Бурч. 2009 й, № 11 -49 б.
- III. НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР**
- 3.1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: Ўқитувчи, 2008 й
 - 3.2. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик Кодекси. Расмий нашр. Т.: Адолат, 2007,
 - 3.3. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 5 апрелдаги “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги № 358-II-сонли Қонуни
 - 3.4. “Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан давлат мажбурий суғуртаси тўғрисида”ги Қонуни Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 37-38-сон.

3.5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 31 январдаги “Суғурта бозорини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги № ПФ-3022-сонли Фармони

3.6. ”Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғуртаси тўғрисида”ги Қонуни. "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2008 йил, 17-сон, 128-модда.

3.7. Ўзбекистон Республикасининг “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й. 16-сон, 197-модда.

3.8. Ўзбекистон Республикасининг “Умумий фойдаланишдаги ҳаво, темир йўл, ички сув ва автомобиль транспорти йўловчиларининг мажбурий шахсий суғуртаси тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси 1993 йил, №6, 250-модда;

3.9. “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Ўзбекистоннинг янги қонунлари. –Т.: Адолат, -1999. № 20.

3.10. “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 2000 й., 5-6-сон, 140-модда.

3.11. Ўзбекистон Республикаси президентининг 2002 йил 31 январдаги “Суғурта бозорини янада эркинлаштириш ва ривожлантириш чора –тадбирлари тўғрисида”ги № ПФ-3022-сонли Фармони.

3.12. Ўзбекистон Республикаси президентининг 2007 йил 10 апрелдаги “Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги № ПҚ-618 сонли Қарори.

3.13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 майдаги “Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори.

3.14. Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 июндаги 141-сонли "Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидалари тўғрисида"ги Қарори.

3.15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 26 июлдаги “Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни суғурта йўли билан ҳимоя қилиш агентликларини ташкил этиш тўғрисида”ги № ПФ-1207-сонли Фармони.

3.16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 20 декабрдаги “Аҳолининг омонатлардаги давлат суғуртаси бўйича пул маблағларини индексация қилиш тўғрисида”ги ПФ-1327-сонли Фармони.

3.17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 28 апрелдаги “Миллий экспорт қилувчиларни суғурталашни таъминлаш чоратадбирлари тўғрисида”ги № 167-сонли Қарори.

3.18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 30 июл “Умумий фойдаланиладиган ҳаво, темир йўл, ички сув ва автомобил транспорти йўловчиларини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта суммалари ва суғурта тарифлари миқдорлари тўғрисида”ги № 379-сонли Қарори;

3.19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 8 июлдаги “Суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш чоратадбирлари тўғрисида”ги № 286-сонли Қарори.

3.20. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 8 июлдаги 286-сонли қарорига 2-илова. “Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ҳузуридаги Суғурта назорати давлат инспекцияси тўғрисида”ги Низом.

3.21. Гражданский кодекс Российской Федерации. Часть вторая. М, “Инфра” 1996.

3.22. Япониянинг 2008 йил 30 майда қабул қилинган “Суғурта тўғрисида”ги Қонуни.